

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ЛАНДШАФТ, ҚУРИЛИШ ВА САНОАТ
ЭКОЛОГИЯСИ” МОДУЛИ БҮЙИЧА
ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Фарғона - 2020

Модулнинг ўқув –услубий мајсмуаси Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастур ва ўқув режасига мувофиқ ишилаб чиқилган.

Тузувчи:

ТАҚИ, т.ф.н., профессор З.М.Сатторов
География фанлари доктори,
профессор Ю.Ахмадалиев

Тақризчи:

Б.ф.д. профессор,
Ғ.Хомидов

МУНДАРИЖА:

| | |
|--|-----|
| I. ИШЧИ ДАСТУР | 4 |
| II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ..... | 10 |
| III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ | 13 |
| IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ | 52 |
| V. КЕЙСЛАР БАНКИ..... | 91 |
| VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ..... | 92 |
| VII. ГЛОССАРИЙ | 94 |
| VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ | 112 |

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Мустақиллик йиллари том маънода Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти истиқболини белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносаб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш билан кечмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислоҳотларнинг амалга оширилаётганлиги янгидан-янги ютуқларга эришишни таъминламоқда.

Замонавий талаблар инобатга олинган ҳолда, олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг ўқув дастурларини мунтазам такомиллаштириб бориш ишларини ташкил этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири хисобланади.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли карорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳоратларини оширишга ҳамда олий таълим соҳасида амалга оширилаётган қатъий ислоҳотлар мазмунини очиб беришни мақсад қиласди.

Олий таълим муассасалари педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида турли ихтисосликлар ўқитувчиларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, дунёқарашларини бойитишда уларни инновацион таълим технологиялари, ўқитишининг янги, инновацион шакл, метод ва воситалари билан таништириш, педагогларда касбий компетентлик сифатлари ва креатив қобилият моҳияти билан яқиндан таништириш муҳим аҳамиятга эга. Малака ошириш тизимида педагог кадрларни замонавий инновацион таълим технологияларининг ташкилий, техник ва дидактик имкониятларидан хабардор бўлишлари, таълим амалиётида ўқитишининг инновацион технологияларидан фойдаланиш, компетентлик сифатлари ва креативлик қобилиягини изчил ривожлантириб бориш кўнкима-малакаларини ҳосил қилиш учун шароит яратиб қолмай, касбий фаолиятда улардан самарали фойдаланиш борасидаги малакаларининг мустаҳкамланишини ҳам таъминлади.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Ландшафт, қурилиш ва саноат экологияси” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Ландшафт, қурилиш ва саноат экологияси” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларининг табиат ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш, табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сақлаш, ландшафт, қурилиш ва саноат экологиясининг асосий йўналишлари ва экологик талаблар ҳамда иккиласми ресурслардан фойдаланишда хорижда ва мамлакатимизда тўпланганди илғор тажрибаларни ўрганиш, амалда кўллаш, кўникма ва малакаларини шакллантириш.

“Ландшафт, қурилиш ва саноат экологияси” модулининг вазифалари:

- тингловчиларга “Ландшафт, қурилиш ва саноат экологияси” масалалари бўйича концептуал асослар, мазмuni, таркиби, экологик долзарб муаммолар ва ечимлари бўйича маълумотлар бериш ҳамда уларни мазкур йўналишда малакасини оширишга кўмаклашиш;

- таълим-тарбия жараёнида ландшафт, қурилиш ва саноат экологияси йўналишидаги сўнги янгиликларни ва жамиятдаги долзарб экологик муаммоларни ўрганиш ҳамда тингловчиларда мавжуд экологик муаммоларни ечимини топишда маҳоратини ошириш;

- табиат билан жамият ўртасидаги мувозанатни сақлаш ва таъминлаш, юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш маҳоратини ошириш.

Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва лаёқатларига қўйиладиган талаблар

“Ландшафт, қурилиш ва саноат экологияси” модулини ўзлаштириш

жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- атроф-муҳитнинг глобал муаммоларини, табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва табиат муҳофазасининг экологик тамойилларини, табиатдан оқилона фойдаланиш асослари, экологик ҳимоя техникаси ва технологиясини, аҳоли яшаш пунктларидаги биомуҳитнинг тўйинганлигини, ландшафт, қурилиш ва саноат экологиясининг асосий йўналишлари, шаҳарсозлик экологиясининг асослари, бино ва иншоотларнинг экологик хафвизлигига экологик талаблар, қурилиш жараёнининг атроф-муҳитга таъсири, қурилишда энергия ва ресурс тежамкорлик, пойдевор қурилишида экологик хавфсиз технологиялар, атроф-муҳит соҳасида халқаро ҳамкорлик ҳақида билимларга эга бўлиши;

Тингловчи:

- касбий фаолият олиб бориш мақсадида ландшафт, қурилиш ва саноат экологиясидаги янги натижалардан фойдаланиш;

- ландшафт, қурилиш ва саноат экологияси йўналишидаги янги тенденцияларни ўқув машғулотларида талаба ларга тушунтириб бера олиш;

- ландшафт, қурилиш ва саноат экологиясининг асосий тамойиллари, муаммолари ва талабларини ажратиш **кўникмаларини** эгаллаши лозим;

Тингловчи:

- ландшафт, қурилиш ва саноат экологияси йўналишидаги сўнги янгиликлар асосида ўқув дастурлари ва ўқув-услубий мажмуаларга ўзгартириш киритиш;

- маъруза материалларини янги хорижий ва миллий адабиётлар асосида янгилаш ҳамда такомиллаштириш;

- мазкур йўналиш доирасида талабаларнинг мустақил амалий фаолиятини ташкил этиш **малакаларини** эгаллаши лозим;

Тингловчи:

- мазкур йўналишда тўпланган сўнги янги маълумотларни саралаш ва муайян доирада тизимлаштириш, аниқ, лўнда, тушунарли, мос равища баён этиш;

- модулли ёндашув асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;

- технологик ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариш **лаёқатларни** эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Ландшафт, қурилиш ва саноат экологияси” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий услублари, ахборот-

мулоқот технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш ва бошқа интерфаол таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билим боғлиқлиги ва узвийлиги

“Ландшафт, қурилиш ва саноат экологияси” модули ўқув режадаги биринчи блок ва мутаххислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишда технологик ёндашув асосларини ва бу борадаги илғор хорижий тажрибани ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий лаёқатга эга бўладилар.

“Ландшафт, қурилиш ва саноат экологияси ” Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Модул мавзулари | Тингловчининг ўқув юкламаси, соат | | | | | | |
|----|---|-----------------------------------|-------------------------|-----------|-----------------|----------------|-----------------|--|
| | | Ҳаммаси | Аудитория ўқув юкламаси | | | | Мустакил таълим | |
| | | | Жами | Назарий | Амалий машғулот | Кўчма маўғулот | | |
| 1. | Чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологиилар | 4 | 4 | 2 | 2 | | | |
| 2. | Экологик модел ва архитектура | 4 | 4 | 2 | 2 | | | |
| 3. | Шахарсозлик фаолиятида экологик талаблар | 4 | 4 | 2 | 2 | | | |
| 4. | Қурилиш тизимлари ва техногенези тўғрисида асосий тушунчалар | 8 | 6 | 2 | 2 | 2 | 2 | |
| 5. | Грунтларни кимёвий ва физик-кимёвий мустаҳкамлашнинг экологик жиҳатлари | 10 | 8 | 2 | 4 | 2 | 2 | |
| | Жами: | 30 | 26 | 10 | 12 | 4 | 4 | |

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологиялар

Чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологиялар. Иккиламчи ресурслардан фойдаланишни тубдан яхшилаш.

2-мавзу: Экологик модел ва архитектура

Экологик архитектура. Экологик модел ва архитектура. Яшил архитектура. Қурилиш экологиясининг ривожланиш тарихи. Қурилиш экологиясининг асосий йўналишлари

3-мавзу: Шаҳарсозлик фаолиятида экологик талаблар

Шаҳарсозликда экологик жиҳатлар. Шаҳарсозлик фаолиятида экологик талаблар. Экологик шаҳар қурилишини лойиҳалаш. Бино ва иншоотларни архитектуравий лойиҳалаш ечимида экологик талаблар.

4-мавзу: Қурилиш тизимлари ва техногенези тўғрисида асосий тушунчалар

Қурилиш жараёнидаги талаблар. Қурилиш жараёнининг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш. Қурилиш тизимлари ва техногенези тўғрисида асосий тушунчалар. Бино ва иншоотларга иқлим таъсири ва умрибоқийлик.

5-мавзу: Грунтларни кимёвий ва физик-кимёвий мустаҳкамлашнинг экологик жиҳатлари

Грунтларни кимёвий ва физик-кимёвий мустаҳкамлашнинг экологик жиҳатлари. Чиқиндиларни қайта ишлаш ва қурилиш соҳасида ишлатилиши. Пойдевор қурилишида экологик хавфсиз технологиялар. Бино ва иншоотларда энергия талаби ва иссиқлик таъминотини сақлаш.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ

Кўчма машғулотни ташкил этиш шакли ва мазмuni

Кўчма машғулотлар модулларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда қўйидаги шаклларда ташкил этилади:

- Ўзбекистон Миллий университетининг ўқув-лаборатория хоналарида, музейлари ҳамда намунавий деканатида;
- Марказнинг ишлаб чиқариш корхоналари, илмий тадқиқот муассасалари ва бошқа марказлар билан тузилган шартномалари асосида ташкил этилади ҳамда ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

Тингловчи мустақил ишни модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув, илмий адабиётлардан ва меъёрий хужжатлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzalар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш;
- фанга оид статистик маълумотларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Кейс-стади” методи

“Кейс-стади”— инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиши амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида кўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

| Иш босқичлари | Фаолият шакли ва мазмуни |
|--|---|
| 1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш | ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш |
| 2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш | ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш |
| 3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш ўйларини ишлаб чиқиш | ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш |
| 4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот. | ✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш |

“Ассисмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий

кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассисмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, асесментга кўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Ҳар бир катақдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

| | | | |
|---|--|--|--|
|  | <p>Тест Янгилик — бу:</p> <p>A) Хабар B) Маълумот C) Даил D) Об-ҳаво маълумоти</p> |  | <p>Қиёсий таҳлил Экология ва ландшафт, курилиш, саноат экологияни қиёсий таҳлил қилинг.</p> |
|  | <p>Тушунча таҳлили Шафарсозлик ва экологик архитектурани изоҳланг...</p> |  | <p>Амалий кўникма Иккиласми ресурслардан фойдаланишнинг экологик асосларини аниқланг</p> |

Вени Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали қўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалалиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.



III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.

1-МАВЗУ: Чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологиялар.

РЕЖА:

- 5.1. Чиқинди муаммолари.*
- 5.2. Чиқиндиларни бошқаришининг қонуний жиҳатлари, мақсадлари, вазифалари ва тараққиёти.*
- 5.3. Чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологиялар.*

Таянч иборалар: Атроф-муҳит, бетон, боғловчи, ғишт, иккиламчи ресурслар, ифлослантирувчи моддалар, ишқор, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, кул, қурилиш материаллари ва буюмлари, қурилиш, саноат, табиий ресурслар, тошқол, утилизация, хом ашё, цемент, чиқиндилар, чиқиндисиз технология.

5.1. Чиқинди муаммолари.

Атроф-муҳитга таъсир кўрсатадиган ва иқтисодий ҳаражатларга сабаб бўладиган барча чиқиндилар қайта ишланиши ёки бартараф этилиши лозим. Соғликни сақлаш ва атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда қайта ишлаш орқали ресурсларни сақлаш қанчалик муҳим бўлса, унинг сифатига қўйилган талаф шунчалик баланд бўлади. Ишлов берилмаган чиқиндиларнинг жойлаштирилиши энг паст қимматга сабаб бўлади. Бу эса кейинчалик сезиларли даражада ўзининг таъсирини келтириб чиқариши мумкин. Бозор хусусиятларига кўра, чиқинди оқимлари энг кам ҳаражатларга сабаб бўлган чиқиндиларни қайта ишлаш йўлларини қидиради. Шунинг учун ҳам юқори даражада соғликни сақлаш стандартларига эришиш, шунингдек ресурсларни сақлаш, қайта ишлаш ва чиқиндиларни бартараф этиш сиёсатини шакллантириш зарур. Булар қонунчилик ёдамида амалга оширилади ва назорат қилинади. Чиқинди бошқарувининг вазифа ва шартлари юқори даражада давлат бошқарувига боғлиқ.

Глобал боғланиб кетган трансчегаравий моддий эҳтиёжлар кенгайиб бориши билан чиқиндиларни қайта ишлашни халқаро бирлиқда бирлаштиришга олиб келади. Бошқарув ҳукумати соғликни сақлашда ва табиатни муҳофаза қилишда юқори стандартларга эришишга ҳаракат қиласи. Шунинг учун ҳам сиёсий қатламларнинг барчаси чиқинди бошқаруви билан боғлиқ саволлар билан шуғулланадилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳит дастури ишлаб чиқариш маҳсулотларини чиқиндига чиқаришни чегаралаш ва чиқинди экспортини ўз ичига олади. Европа Иттифоқи чиқиндиларни бартараф қилиш, қайта ишлаш ва ишлов

беришга ҳақидаги талаб ва меъзонларни ишлаб чиқди.

Чиқиндиларнинг ҳажми ва уларни юзага келиши иқтисодий боғлиқликлар, демографик ўзгаришлар, техник ривожланишлар, ахолининг яшаш тарзи ва ҳолати билан боғлиқдир. Чиқиндиларнинг келиб чиқишини камайтириш ва ўзгариши мумкин.

5.2. Чиқиндиларни бошқаришнинг қонуний жиҳатлари, мақсадлари, вазифалари ва тараққиёти.

Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонуни 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган бўлиб, чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга заарли таъсирининг олдини олиш, чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш ва улардан хўжалик фаолиятида оқилона фойдаланилишини таъминлашнинг тартиб ва қоидалари белгилаб берилган.

Мазкур қонуннинг асосий тушунчаларига қуйидагилар киради:

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш – чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, уларни тўплаб олиб кетиш, сақлаш, ташиш, кўмиб ташлаш, қайта ишлаш, утилизация ва реализация қилиш билан боғлиқ фаолият;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш обьектлари – чиқиндиларни тўплаш, сақлаш, ташиш, кўмиб ташлаш, қайта ишлаш, утилизация ва реализация қилиш учун фойдаланиладиган обьектлар;

чиқинди паспорти – чиқинди келиб чиқсан жойни ҳамда чиқиндининг индивидуал хусусиятларини тасдиқловчи ҳужжат;

чиқиндилар – ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш жараёнида хом ашё, материаллар, хомаки маҳсулотлар, бошқа буюмлар ёки маҳсулотларнинг ҳосил бўлган қолдиқлари, шунингдек ўзининг истеъмол хусусиятларини йўқотган товарлар (маҳсулотлар);

чиқиндиларни жойлаштириш лимити – муайян муддатга жойлаштириш рухсат этилган чиқиндиларнинг энг юқори миқдори;

чиқиндиларни жойлаштириш обьекти – чиқиндиларни сақлаш ҳамда кўмиб ташлаш учун маҳсус ажратилган ва жиҳозланган жой;

чиқиндиларни кўмиб ташлаш – чиқиндиларни, ифлослантирувчи моддалар атроф-муҳитни булғатишининг олдини олишга қаратилган ҳамда бу чиқиндилардан келгусида фойдаланиш имкониятини истисно этадиган тарзда, ажратиб қўйиш;

чиқиндиларни сақлаш – кўмиб ташлаш, қайта ишлаш ёки утилизация қилиш мақсадида чиқиндилар олиб кетилгунча уларни маҳсус жиҳозланган тўплагичларда сақлаш;

чиқиндиларни утилизация қилиш – чиқиндилар таркибидан қимматли моддаларни ажратиб олиш ёки чиқиндиларни иккиламчи хом ашё, ёқилғи, ўғит сифатида ва бошқа мақсадларда ишлатиш;

чиқиндиларни қайта ишлаш – чиқиндиларни экологик жиҳатдан бехатар сақлаш, ташиш ёки утилизация қилиш мақсадида уларнинг физик, кимёвий ёки биологик хусусиятларини ўзгариши билан боғлиқ технологик операцияларни амалга ошириш;

чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш нормативи – маҳсулот бирлиги ишлаб

чиқарилаётганда ёки бошланғич хом ашё бирлигидан ҳосил бўладиган муайян турдаги чиқиндиларнинг белгиланган миқдори;

хавфли чиқиндилар – таркибida хавфли (захарлилик, юқумлилик, портловчанлик, тез алангаланиб ёнғин чиқарувчанлик, реакцияга тез киришувчанлик, радиоактивлик) хусусиятлардан лоақал биттасига эга моддалар мавжуд бўлган, бундай моддалар фуқаролар соғлиғи ва ҳаётига, атроф-муҳитга ўзи мустақил тарзда ҳам, шунингдек бошқа моддаларга қўшилганда ҳам бевосита ёки потенциал хавф туғдирадиган миқдорда ва шаклда мавжуд бўлган чиқиндилар.

Чиқинди қайси хом ашё, материаллар, хомаки маҳсулотлар, бошқа буюм ёки маҳсулотлардан, шунингдек товарлардан (маҳсулотлардан) фойдаланиш натижасида ҳосил бўлса, чиқиндиларга бўлган мулк ҳуқуқи шуларнинг эгасига тегишли бўлади.

Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириши соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органлари қўйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал қурилиши вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (“Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси).

Олди-сотди, экспорт-импорт операцияси обьекти бўлган чиқиндилар, шунингдек ташилиши керак бўлган хавфли чиқиндилар чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги санитария нормалари ва қоидаларига, экологик нормативларга мувофиқлик бўйича экологик сертификатлашдан ўтказилиши керак, унинг натижаларига кўра чиқиндиларнинг мулкдорларига **экологик сертификат** берилади.

Чиқиндиларни бартараф этиш чиқинди ишлаб чиқарувчи ва чиқинди эгаларининг асосий вазифаларига киради. Шу билан бирга аҳоли яшайдиган жойлардаги чиқиндиларни бартараф этиш эса, шу жойда яшовчи аҳолининг очиқ ҳуқуқий коммунал вазифасидир. Коммунал чиқиндиларни бартараф этишда аҳоли ва савдо қатлами учун фойдаланиш мажбурияти мавжуд. 1970 йилдан буён чиқиндиларни қайта ишлаш саноатида хусусий корхоналар томонидан гуллаб яшнаган муқобил иқтисодиёт тармоқлари борки, улар чиқиндиларни қайта ишлаш ва бартараф этишга доир кўрсатган хизматлари бўйича турли мусобақалар таклиф қиласидар¹.

Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича мутахассислар чиқиндиларни бошқаришнинг вазифасини шундай изоҳлаган эди: “**Чиқиндиларни ишлаб чиқарилиши ҳам уларни бартараф эттирилиши ҳам шундай тартибга**

¹ Martin Kranert, Klaus Cord-Landwehr (Hrsg.) Einführung in die Abfallwirtschaft. 4., vollständig aktualisierte und erweiterte Auflage Mit 297 Abbildungen und 131 Tabellen. Germany, 2010. - p. 680 (p. 1-4).

солиниши керакки, бу инсонларнинг саломатлигига зарар келтирмаслиги ва фойдаланиши учун мақбул бўлган экологик маҳсулотларни чегаралаб қўймаслиги лозим". Бунда атроф-муҳитни ҳимоя қилишда профилактик экологик тамойилларга таянилади. Табиий атроф-муҳитни сақлашда заҳарли газларни ва ташламаларни умуман юзага келтирмасдан, балки атроф-муҳитни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари ва услубларини қўллаш орқали уларни камайтириш ва бартараф эттириш лозим.

Соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан бирга хом ашёдан оқилона фойдаланиш чиқинди бошқаришнинг асосий омилидир.

Жамоалар ва хусусий секторда чиқиндиларни бошқариш – чиқиндиларни бартараф қилиш ва қайта ишланишини ўз ичига олади ва бу давлат томонидан тартибга солинади. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва иложи борича атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чиқиндиларни бошқариш тартиби имкони борича заарсиз чиқиндиларни юзага келтиришга ва улардан қайта маҳсулотлар яратишга хизмат қиласи. **Чиқинди бошқарувининг асосий мақсади – ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг масъулиятли бўлишларини талаб қиласи.** Унинг миқдорий ва сифатли жиҳатлари мавжуд бўлиб, бир томондан бу чиқиндиларнинг ҳажмини камайтиrsa бошқа томондан эса чиқиндиларнинг ташлаб кетилишини қистартиради. **Чиқиндиларни қайта ишлаш дегани – бартараф этилмаган чиқиндилардан яна фойдаланиш учун қайта ишлаш ва муқобил ёнилғи сифатида иккиламчи хом ашё ёки энергия сифатида моддий фойдаланиш назарда тутилади.** Иқтисодиётда бундай қайта ишлаш жараёни "Ресайклинг" (қайта ишлаш) деб номланади. **Чиқиндиларни бартараф этиш** – бу (махсус чиқиндиларни бартараф этиш услугбларини кўриб чиқиб) қолдиқ чиқиндиларни махсус рухсат этилган ахлат жойларига хавфсиз жойлаштиришдир. Яна бир кейинги вазифа чиқиндиларни мувофиқ бўлмаган йўллар билан йўқотишида юзага келган заарларни бартараф этишдир. **Маҳсулот соҳасидаги чиқиндиларнинг предмети** – ишлатилганда ва истеъмол қилинганда ёки ишлаб чиқарилганда ҳосил бўлган маҳсулот қодиқларидир. Истеъмол секторида чиқиндиларни бошқариш, фойдаланиш ва истеъмолдан сўнг юзага келган қолдиқ ва эски маҳсулотларни қайта ишлашни ўз ичига олади.

Статистик маълумотларга кўра, ҳар йили Германияда 330 дан 400 млн. тоннагача чиқинди ишлаб чиқарилиши аниқланган. Энг йирик чиқинди гуруҳига қурилиш ва бузилган қуриш қолдиқлари шу жумладан, йўл қурилишда қазиш жараёнида ҳосил бўлган чиқиндилар кириб, улар 55 дан 60% гача чиқинди миқдорини ҳосил қиласи. Кон саноати ва маҳаллий аҳоли ишлаб чиқарган чиқинди маҳсулотлар эса 40-45% ташкил қиласи. Тахминан 20 млн. тонна умумий чиқиндилар бўлса, улардан биринчи ўринда саноат ва ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган чиқиндилар ҳисобланади. Тахминан йиғилган ахлатларнинг ярми 8400 та қайта ишлаш заводларига жўнатилади. Чиқинди турларининг хилма-хиллиги қайта ишлаш технологияларининг хилма-хиллиги билан мос келади.

5.3. Чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологиялар.

“Чиқиндисиз технология” атамаси илк маротаба академик Н.Н.Семёнов ва И.В.Петряновлар томонидан фанга киритилган эди. Лекин баъзан “Кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологиялар” атамаси ўрнида “Тоза” ёки “Бирмунча тоза технология” атамалари ҳам қўлланилади. Термодинамиканинг биринчи ва иккинчи қонунлари “Чиқиндисиз технология” атамаси шартли эканини исботлаб беради.

Термодинамиканинг биринчи қонуни қўйидагича таърифланади: Тизимга берилган иссиқлик миқдори шу тизимнинг ички энергиясини ўзгариши билан тизимда бажарилган ишнинг йифиндисига тенг.

Термодинамиканинг иккинчи қонуни қўйидагича таърифланади: Ҳар қандай иссиқлик жараёнларида иссиқлик миқдори ҳарорати катта бўлган жисмдан, ўз-ўзидан ҳарорати кичик бўлган жисмга ўтади. Бошқача қилиб айтганда, иссиқлик миқдори камроқ иситилган жисмдан кўпроқ иситилган жисмга, ўз-ўзидан ўтиши мумкин эмас.

Юқоридаги қонунларга асосланиб айтиш мумкини, “Чиқиндисиз технология” атамаси шартли бўлиб, унинг ўрнида “Тоза” ёки “Экологик тоза технология” атамаларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Чунки муҳандислик амалиётида 100% чиқиндисиз технологияларни амалда жорий этиш катта маблағни талаб қиласи, яъни лойиҳалаш ишлари, мураккаб технологик жараёнлар ва замонавий асбоб-ускуналарни яратишни тақозо этади.

Чиқиндисиз технология – инсон эҳтиёжларини қондириш, билим, усуслар ва воситаларни амалда тадбиқ этиш, табиий ресурслардан ва энергиядан унумли фойдаланишни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофазалаш демакдир.

Чиқиндисиз технология – бу маҳсулотнинг шундай ишлаб чиқариш усулини, унда хом ашё, ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш, иккиламчи хом ашё ресурслари даврида энергия ва хом ашёлардан унумли ҳамда комплекс равища қўлланилади, табиий муҳитга етказилган ҳар қандай таъсир, унинг меъёр ҳолатидан чиқара олмайди.

Ушбу таърифга учта ҳолатни ажратиш мумкин:

1. Чиқиндисиз ишлаб чиқариш негизини инсон томонидан онгли равища ташкил этилган ва ростланган техноген моддаларнинг айланиб туриши ташкил этади.

2. Хом ашё таркибидаги барча компонентлардан унумли фойдаланиш, иложи борича энергия ресурслари миқдоридан тўлароқ фойдаланишнинг мажбурийлигидир.

3. Чиқиндисиз технология табиий муҳитга таъсир қилиб, унинг меъёр ишлашига таъсир қилмаслиқдир.

Кам чиқиндили технология маҳсулот ишлаб чиқаришнинг шундай усулини, унда табиий муҳитга етказилган заарли таъсир рухсат этилган санитар-гигиеник меъёрлардан ошмайди. Ишлаб чиқариш корхоналарида техник, ташкилий ва иқтисодий сабаблар туфайли хом ашёнинг маълум бир кичик қисми чиқинди бўлиб қолиши мумкин ва улар экологик хавфсиз

жойларда сақланади ёки күмилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, **кам чиқиндили ишлаб чиқаришни ташкил этишининг асосий шарти – корхонада фойдаланишга яроқсиз чиқиндилар ва хусусан, заҳарли моддаларни зарарсизлантириш тизимининг мавжудлигидир**. Чиқиндиларнинг микдори ёки атроф-муҳитга етказадиган таъсири уларнинг рухсат этилган чегаравий концентрацияларидан ортмаслиги керак.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, “Чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологиялар” атамаси табиий ресурслар, хом ашёларга комплекс (ҳамма томонлама) ишлов бериш, ресурслардан унумли фойдаланиш, қўшимча (иккинчи даражали) маҳсулотлар, ишлаб чиқариш чиқиндилари, истеъмолга яроқсиз бўлиб қолган чиқиндилар, иккиласми материяллар ресурслари, иккиласми энергия ресурслари, иқтисодий зарар каби атамалар билан узвий боғлиқдир.

Табиий ресурслар – бу куёш энергияси, ер бағридаги энергиялар, сув, ер, минераллар, ҳайвонот ва ўсимликлар ресурслари.

Минерал ресурслар – ер бағридаги геологик минерал хом ашё заҳираларининг мажмуаси ҳисобланади.

Хом ашёлардан ҳамма томонлама фойдаланиш – хом ашё ва ишлаб чиқариш чиқиндилари таркибидаги фойдали компонентлардан фойдаланишни назарда тутади.

Хом ашё таркибидаги қимматбаҳо ташкил этувчиларни ажратиб олиш даражаси ва улардан оқилона фойдаланиш жамиятнинг уларга бўлган эҳтиёжига ва технологиянинг тараққиётига боғлиқдир. Хом ашёлардан унумли фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади, маҳсулот турлари ва ҳажмини кўпайишини таъминлайди, маҳсулот нархини пасайтиради, хом ашё базаларини яратишга сарфланадиган маблағларни камайтиради ва ишлаб чиқариш чиқиндилари билан атроф-муҳит ифлосланишини олдини олишга имкон беради.

Хом ашёларга физик-кимёвий ишлов бериш пайтида асосий ишлаб чиқариш маҳсулоти билан бирга қўшимча маҳсулотлар ҳам пайдо бўлади. Масалан, нефт ишлаб чиқаришда қолдиқ модда мазут ҳисобланади. Унинг таркибида ванадий, никел, магний ва кремний каби элементлардан ташқари 70-90% олтингугурт мавжуд. Ишлов бериш пайтида уларнинг пайдо бўлиши ишлаб чиқариш жараёнининг асосий мақсади эмас, балки уларни тайёр маҳсулот сифатида қўллаш мумкин. Бундай қўшимча маҳсулотлар учун техник меъёрлар ва тасдиқланган нархлар бўлади. Ҳозирги пайтда мазут таркибидан олтингугурт ажратиб олиш технологик жараёнлари ишлаб чиқилган.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, агар қўшимча маҳсулотларни ажратиб олиш ёки уларга қайта ишлов бериш иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ деб топилмаса, унда бундай маҳсулотларни ёнилғи сифатида қўллаш мумкин.

Ишлаб чиқариш чиқиндилари – хом ашё қолдиқлари, материаллар ва ярим маҳсулотлар (полуфабрикатлар), сифат кўрсатгичларини қисман ёки

тўла йўқотган ва давлат андозаларига мос келмайдиган чиқиндилардир. Уларга дастлабки ишлов берилиб, ундан кейин ишлаб чиқариш соҳасида қўллаш мумкин.

Истеъмолга яроқсиз чиқиндилар – қўллаш муддатини ўтаб бўлган материаллар, эскирган буюмлар ва уларнинг дастлабки хоссаларини қайта тиклаш иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ бўлмаган чиқиндилар ҳисобланади. Масалан, пластмассадан тайёрланган буюмлар, стол-стуллар, қувурлар ва х.к.. Бундай чиқиндилар хом ашё сифатида ҳам, бошқа материаллар учун қўшимча сифатида ҳам ишлатилиши мумкин.

Иккиламчи материаллар ресурслари – бу ишлаб чиқариш чиқиндилари ва истеъмолга яроқсиз чиқиндиларнинг мажмуаси бўлиб, уларни маҳсулот ишлаб чиқаришда асосий ёки ёрдамчи материал сифатида қўллаш мумкин. Бундан ташқари, бу гурухга шартли равишда қўшимча ёки алоқадор маҳсулотларни ҳам қўшиш мумкин. Улар саноат учун материаллар ресурсининг потенциал резервлари ҳисобланади. Ҳозирги пайтда бундай ресурслардан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Иккиламчи энергетик ресурслар – технологик жараёнлар натижасида қурилмаларда пайдо бўладиган чиқиндилар, қўшимча ва оралиқ маҳсулотларнинг энергетик потенциали бўлиб, улардан корхонанинг ўзида ёки қўшни корхоналарни энергия билан таъминлашда қисман ёки тўлиқ қўллаш мумкин.

Иккиламчи энергетик ресурсларни З гурухга бўлиш мумкин:

1. Ёнилғи иккиламчи энергетик ресурслари.
2. Иssiқлик иккиламчи энергетик ресурслари.
3. Механик иккиламчи энергетик ресурлари.

Ёнилғи иккиламчи энергетик ресурслари гурухига технологик ўчоқлардан чиқадиган тутунли газларнинг физик иссиқликлари, материаллар оқимининг иссиқликлари, иссиқлик алмашинуви қурилмаларидан кейин совутувчи сувларнинг иссиқликлари ва бошқалар киради.

Механик иккиламчи энергетик ресурслари гурухига технологик жараёнларда пайдо бўладиган ёки қўлланиладиган сиқилган газларнинг энергияси киради.

Чиқиндисиз технологияларнинг асосий принциплари. Ишлаб чиқариш корхонасида чиқиндисиз технологияларни жорий этиш учун қуидаги 5 та асосий принципларга амал қилиш керак:

1. Тизимлилик, яъни табиий, ижтимоий ва ишлаб чиқариш жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирига боғлиқлигини таъминлаш.
2. Хом ашё ва энергетик ресурслардан ҳамма томонлама фойдаланиш, яъни ҳудудий ишлаб чиқариш комплекси миқёсидаги корхонанинг чиқиндисини бошқа корхоналарда қўллаш имконини яратиш.
3. Материаллар оқимининг даврийлиги, яъни ёпиқ сув ва газ айланма таъминотини яратиш ва ишлаб чиқаришни табиий муҳитга таъсирини чеклаш. Бу чучук сув, тоза ҳаво, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилишга катта ёрдам беради.
4. Табиий муҳитга ишлаб чиқариш таъсирини чеклаш, яъни табиий

муҳитга етказиладиган таъсир, унинг сифат кўрсаткичларига таъсир кўрсатмаслигини ёки табиий муҳитнинг сифат кўрсаткичлари ўзгарса ҳам рухсат этилган чегаралардан ошмаслигини таъминлаш.

5. Чиқиндисиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш самарадорлиги, яъни энергетик, технологик, иқтисодий, ижтимоий ва экологик омилларни инобатга олиш, табиий ресурслардан ҳамма томонлама фойдаланиш, ишлаб чиқариш ҳажмларини ўсишини таъминлаш ва иқтисодий заарларни олдини олиш.

Маълумки, ишлаб чиқариш корхоналарида тозалаш иншоотлари ва чиқиндилар цехлари мавжуд бўлиб, пайдо бўладиган чиқиндилар атроф-муҳитдан ажратилади (четлаштирилади ёки кўмиб ташланади). Шуни ҳам инобатга олиш керакки, фильтрлар ва бошқа тозалаш қурилмалари ёрдамида ушлаб қолинган ташламалар чиқиндилардан тўла-тўқис фойдаланиш муаммосини бартараф эта олмайди. Юқори тозалаш даражасига этиш учун катта маблағ сарфланади. Бундан ташқари, табиатни муҳофаза қилиш чоратадбирлари учун ажратиладиган маблағларнинг ортиши ишлаб чиқариш иқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун хом ашёлар ва энергия сарфини камайтириш ва улардан тўла-тўқис фойдаланиш учун кам чиқиндили технологияларга ўтиш катта иқтисодий даромад гаровидир.

Охирги йилларда жаҳонда хом ашё ўрнида чиқиндилардан фойдаланиш шиддат билан ўсиб бормоқда. Масалан, Японияда 96% дан кўпроқ ишлаб чиқариш чиқиндилари хом ашё ўрнида қайта қўлланилади. Иккиламчи хом ашёларга қайта ишлов бериш тажрибалари Германия, Болгария ва Польшада кенг ривожланиб бормоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида 85% домен тошқоллари, 25% чўян ва 50% темир қотишмалари қайта ишланади.

Назорат саволлари:

1. Бугунги кунда чиқинди муаммолари нималардан иборат?
2. Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган ва унда қандай қоидалар белгилаб берилган?
3. Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунига қандай асосий тушунчалар киради?
4. Чиқинди паспорти деганда нимани тушунасиз?
5. Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органларининг вазифаси нимадан иборат?
6. Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича мутахассислар чиқиндиларни бошқаришнинг вазифасини қандай изоҳлашган?
7. Чиқиндиларни қайта ишлаш деганда нима назарда тутилади?
8. Қурилиш индустрияси соҳасидаги лойиҳа-қидирув институтлари, илмий-тадқиқот лабораториялари ва ихтисослаштирилган корхоналар томонидан қандай экологик талабларга эътибор қаратиш тавсия этилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Martin Kranert, Klaus Cord-Landwehr (Hrsg.) Einführung in die Abfallwirtschaft. 4., vollständig aktualisierte und erweiterte Auflage Mit 297 Abbildungen und 131 Tabellen. Germany, 2010.
2. Charles J. Kibert, Jan Sendzimir, and G. Bradley Guy (Edited by 2003) Construction ecology: nature as the basis for green buildings. London and New York - p. 303.
3. И.А.Каримов. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. – Москва : Издательский дом “Дрофа”, 1997. – 318 с.

2-МАВЗУ: Экологик модел ва архитектура.

РЕЖА:

- 1.1. Архитекторларнинг экологик қарапайдарни.*
- 1.2. Бино ва иншоотларни архитектуравий лойиҳалаш ечимида экологик талаблар.*

Таянч иборалар: Архитектура, атроф-муҳит, барқарор ривожланиш, бино ва иншоотлар, ёруғлик, жамият, жараён, иқлим, инсонлар, қуёш нури, ландшафт, майдон, материаллар, метаболизм, мослашув, ресурслар, табиат, технологиялар, тирик организмлар, ҳаёт, шакл, шамол, экологик дизайн, экологик лойиҳалаш, экологик модел, экологик мувозанат, экологик тизим.

1.1. Архитекторларнинг экологик қарапайдарни.

Америка ва Австрия мутахассислари Чарльз Киберт (Charles J. Kibert, *Флорида университетидаги Атроф-муҳит ва қурилиши маркази директори*), Жан Сенджимир (Jan Sendzimir, *Австриядаги Халқаро амалий тизимлар ва таҳлиллар институтининг экологи*), Бредлай Гай (G. Bradley Guy, *Флорида университетидаги Атроф-муҳит ва қурилиши маркази изланувчиси*) томонидан 2003 йилда таҳрирланган “Қурилишда экология: яшил бинолар учун асос сифатида тавсифланади” номли китобида архитекторларнинг экологик қарапайдарни түғрисида қуйидаги фикрлар келтирилган².

Қишлоқ хўжалиги жамияти пайтларида, иқтисодий ва маданий тизимлар маҳаллий ресурсларга ва энергия оқимига, яъни яшаш ҳудудлари жойлашган ерга тўғри тушадиган қуёш нурларига ва ёмғирга таянган. У даврлардаги биноларнинг конструкциясида қўлга ушланадиган материаллар ишлатилишига ва жуда кам миқдорда энергия сарфланишига асосланган. Саноат даврининг архитектураси ҳам табиатга мослашмаган. Иқлим ўзгаришига қазилма ёқилғиларининг ишлатилиши оқибатларини кузатамиз. Кўплаб биноларда доимийсиз энергиянинг юқори даражада қуйилиши сабабли яшаш учун яроқсиз ҳисобланади. Шуларни эътиборга олиб, кўплаб архитекторлар ўз биноларини яратишда экологик мувозанатни саклашда ўзининг ўринишларини архитектуравий ифодалаш орқали ҳаракат қилишади.

Замонавий жамият қандай қилиб бинонинг ҳар хил, аммо кўпгина ўхшашликлари билан экологик дизайнини биоҳудудларнинг объектив қонуниятларига асосланганлигини тушуниш орқали “мос тушушини” англаб етдилар.

Архитектор Малкольм Веллс (Malcolm Wells, *Табиий дизайн ва*

² Charles J. Kibert, Jan Sendzimir, and G. Bradley Guy (Edited by 2003) Construction ecology: nature as the basis for green buildings. London and New York - p. 225-227.

метрополитен бино қуриш бўйича мутахассис, Америка) томонидан лойиҳаланган биноларда бетон, пўлат ва ойналарни асосий материал сифатида ишлатилишида ресурслар сарфини камайтиришга интилган. Бошка томондан эса, архитекторлар Сим Ван дер Райн (Sim Van der Ryn, Калифорния Экология институти президенти, Америка) ва Роб Пена (Rob Peña, Орегон штати Университетида архитектура профессорининг ёрдамчиси, иқлимишунослик бўйича мутахассис, Америка) биноларнинг архитектуравий услугига камроқ ёндашиб, иккита технологиядан биттасида мослаштиришга, яъни паст технологияли биологик материаллардан (похол тугунлар) ёки юқори технологик материаллардан (куёш батареяси) фойдаланиб, лойиҳаларни ишлаб чиқишида худудларнинг маҳаллий иқлим мароми билан уйғулаштиришни мақсадга мувофиқ деб билишган. Улар тасвирлаган лойиҳалар қишлоқ худудларида жойлашган. Архитектор Малкольм Веллснинг лойиҳаси эса йирик бинолардан иборат бўлган шаҳарлар худудида жойлашган.

Архитекторлар Сим Ван дер Райн ва Роб Пена табиий экологик тизимлардан нималарни ўрганиш кераклигини ва уларни қурилиш мухитига тадбиқ қилишни муҳокама этиб, таъкидлашича барпо этилган бинолар тизими ёрдами билан қайта шаклланган энергиядан жадал фойдаланиш – табиий кучларга мослашиш шакли воситаси ҳисобланади. Улар бир вақтнинг ўзида доимий даврда (кун ва тун, фаслдан фаслга) мавжуд бўлган табиат кучлари вақтида белгилаб ҳисобланган бинони табиатга яқинлаштиришга уриниб кўриб, фундаментал муаммони кўрсатишади, яъни биноларни табиатга мослаб қуриш муаммосини кўтариб чиқишиади. Биз бунда бинони турғун (мувозанат) ҳолатини кўрамиз, аммо унинг атрофидаги мумкин бўлмаган, яъни баъзан тез, баъзан эса жуда секин ҳаракатланиши билан микроскопик элементлардан тортиб космик кучлар унга доимий таъсир қиласи. Замонавий даврда, ўзига хос биноларнинг лойиҳалари одатда узоқ муддатга мослашувчан қилиб белгиланади ва ривожланмайди.

Экологик дизайн деганда жой ва фойдаланувчилар жойининг дизайнни, иқлими, ернинг сатҳи ва ундаги пунктларнинг қай тарзда жойлашганлиги (топографияси) ҳамда маҳаллий маданият ҳисобга олинган ҳолда лойиҳаланиши тушунилади.

Табиатдаги энг оддий турлар ривожланиб бир неча турларга тармоқланиб боргач, улар турли биоҳудудий кучларга дуч келади. Худди шунингдек замонавий архитектура бинолари ҳам ён атрофга мослашади ёки ўз жойида харобага айланади. Тўрт томони бир хил бўлган ойнаванд бинолар қаерда жойлашганидан қатъий назар, фаолиятда бўлиши учун амалда катта энергия талаб этади. У генетик тузилиши жиҳатидан исталган жойга мос тушадигандек туйилиши мумкин, лекин аслида у ҳеч қаерга тўғри келмайди.

Архитекторлар Сим Ван дер Райн ва Роб Пена экологик дизайнни физиологик, яъни бинолар қурилиши, унинг ташкил этиувчилари, ички ва ташқи мухитга уларнинг ўзаро боғлиқлиги деб таърифлашади.

Табиат тизимларининг ўхшашлигини тана терисига қиёслаш мумкин, яъни у ички намликни ташқи юзага чиқариб, терлатиб совутиш тизимини

таъминлаш кабидир. Бинолар инсонлар учун яшириниш жойини таъминлайди, бинолардаги инсонлар эса бинонинг “асаб” тизими бўлиб, бинонинг ҳис қилувчи сенсорлари каби қачон ва қандай ҳаракат қилиш лозимлигини ҳал қилишади. Шундай қилиб, фойдаланувчилар бинонинг ўзгартирувчи вакилларига айланишади, улар оддий мебеллар жойини ўзгартиришдан тортиб, парда тушириш ёки деразаларни очиш, бино лойихасини ўзларининг эҳтиёжларига мослаштириб олишади. Вақт ўтиши билан фойдаланувчиларнинг технологик ва функционал эҳтиёжлари ўзгаради, фойдаланувчилар кўпроқ ва каттароқ ўзгаришлар масалан, девор жойларини ўзгартириш ва тизимни қайта янгилаш кабиларни амалга оширади.

Ҳар қанча яхши дизайнер фойдаланувчиларнинг маълум бўлган талаблари ва эҳтиёжларини қониқтириш учун бошланғич бинони яратишидан боғлиқ бўлмаган ҳолатда, бино эгалари (уй фойдаланувчилари) ўзига тегишли бўлган услубларда ўзгартириш бўйича қурилиш қиласи. Бу ўзаро таъсир фойдаланувчилар орасида бўлади ва бунда бино физологик, яъни бино ўзгаришларга бой бўлган ҳаёт сифати билан тўлдирилиб, шинамликдан устунликга эга бўлади. Инсонлар бинонинг “асаб” тизими вазифасини бажарар экан, вақт ўтиши билан бино бир бутун тана сифатида ўзининг функционал тартибини ривожлантириб, яроқлик муддатини ошириб боради ва бундан дизайннерлар ҳам ўзларига тегишли сабоқ оладилар.

Архитекторлар Сим Ван дер Райн ва Роб Пена назариясига бўйича экологик дизайн ҳар хил қисмларнинг максимал имкониятлари даражаларининг йўқотилишидир. Агар қисмлар бир неча функцияларга эга бўлса, гарчи ҳар бир қисм ҳаддан ташқари самарали ва аниқ энг кўп таркибий қисм бўлмасада, унда уларнинг барчаси бирга олинганда, бино барқарор ва ўзаро бир-бирига боғлиқ, табиат ва фойдаланувчиларнинг талаблари ўзгаришига мувофиқ, таркибий қисмлардан иборат бўлади. Мустаҳкам ва фойдаланувчиларга қулай бинолар тирик организмлар энергия алмашуви каби ҳолатидек энг кичик қаршилик қобилиятига эга бўлади. Бу оддий жараёнда материаллар уларнинг манбаларига яқин жойда кичик миқдорда қайта ишланади ва қўшимчалар метаболик оқимларни камайтириб, нафақат улар энергияни истеъмол қиласи, балки чиқинди материалларни ҳам ҳосил қиласи. Бунинг ёрқин мисоли сифатида, қуёш батареяларини бинонинг томига жойлаштириб сув иситишга ва ички хоналарини иситиб, кам энергия сарфлаб тўғридан-тўғри бинонинг ўзида фойдаланиш мумкин.

Бу оддий жараёнда материалларнинг ишлатилиши уларнинг энг яқин жойдаги манбаларида кичик миқдорда қайта ишланishiда, материаллар ва энергия сарфининг натижасида нафақат энергия истеъмол қилиб, балки метаболик оқимларни пасайтиришга имкон беради. Бунга мисоли сифатида, тўғридан-тўғри бинонинг ўзида қуёш батареяларидан фойдаланиш мумкин. Бинонинг шакли, йўналиши ва материалларнинг иссиқлиқ-физиковий хусусиятларининг таъсир кўрсатишига кўра, бино ташқи кучларга нисбатан мақбуллаштирилади. Оқибатда, бинонинг ўзида метаболик талабларни камайтириш мумкин бўлади. Бинонинг ўзи истеъмолчидан кўра, ишлаб

чиқарувчига айланади. Архитектор Сим Ван дер Райн қарашларига кўра, хар бир дизайн қуидаги саволлар билан бошланиши керак: “Бу ерда нималар бор? Табиат нималарга рухсат этади ва бизнинг ишимизда табиат қандай ёрдам беради?”.

Архитектор Юрген Бисх (*Jürgen Bisch, Нуремберг шаҳрида архитектор, Германия*) ҳам Сим Ван дер Райн ва Роб Пена каби бир хил техник ёндашувга эга, аммо унинг усули мукаммалроқ ва аникроқдир. Сим Ван дер Райн ва Роб Пена унинг усули экологик дизайннинг асоси ҳисобланади деб таъкидлашган. Юрген Бисх назарияси бўйича замонавий биноларда экологик дизайн усулларини қўлланилиши фойдали бўлиб, маъно моҳияти жиҳатдан биноларнинг экологияси ўзгармас бўлиб қолаверади. У майдон, конверт ва тизимдан ташкил топган бўлиб, билвосита ташқи манбалар ёрдамида ёки бевосита бино ташқи юзасининг ўзида маҳаллий энергия манбалари ҳисобидан фойдаланиб, бинони ёруғлик, ҳаво, сув, иситиш, совитиш ва энергия билан таъминлади.

Архитекторлар Сим Ван дер Райн, Роб Пена ва Юрген Бисх яхши дизайнни корпоратив архитектура дунёси томонидан эмас, балки эътибор билан кўриб чиқиш талаб этиладиган худудни, материалларни ва функционал талабларни қунт билан ўрганиш ҳисобланади деб тушунишадилар. Юрген Бисх оддий консол тузилма ёрдамида ички майдон оралиқларини очиш орқали материалларни тежашга ва узокга чидамайдиган материаллардан ҳамда умрибоқий материаллардан ажратишга имкон беришини таъкидлайди. Барча архитекторлар бинонинг ташкил этувчиларини кўчирилиши, қайта тикланиши, материалларни қайта ишлаш ва такroran ишлатиш мумкин эканлиги муҳим ҳисобланишини тушундилар. Шунингдек, экологик тоза қурилиш материаллари оқими бошқа жараёнлар учун ҳам доимий “озуқа” манбаи бўлиб қолишини англадилар.

Юрген Бисх изланишларининг қизиқарли жиҳати шундаки, тузилмавий мажмуани ва мужассамликни яратишга уриниб кўришдан иборатдир, яъни электр тармоқлари ва ҳаво оқимини тақсимлашни уйғунлаштиришда оралари бўшлиқдан иборат бетон плиталарни ишлатилиши, ажратиладиган конструкция қўлланилиши ва тизимларни бўлиниши бир неча тўқнашувни келтириб чиқаради.

Қаватлар камайиши қаватларо баландликлар бўйича умумий материалларни иқтисод қилишга, яъни худди шундай қаватлар ва унинг умумий майдонларини яратишда зарур бўлган материаллар бинонинг бошқа жиҳатларини ҳам камайишига имкон беради. Бир нуқтадан тарқаладиган пол тизимининг ишлатилиши иссиқлик таъминотини бирлашиши учун самарали восита ҳисобланади. Ҳеч шубҳа йўқки, арzon материаллар узокга чидамайдиган бўлиб, бино фаолиятини камайтириши мумкин. Шунга қарамай, бу ҳам табиат ривожланиши тартибига эргашган ҳолда, худди географик кўринишда ўз маконларига мослашиш кабидир ва улар экотизимлар доирасида ҳамкорликни олиб боради. Бино шаҳар жамоатчилигига тўлиқ бир организм бўлиб, шаҳарсозлик тузилмаси ва бошпана вазифасини ўз ичига олади. Тизим бўйлаб ҳар бир жойида энг қулай

шароит яратишда, ҳар бир бино тури бошқалари билан бирга тўғри фойдаланишда, ресурсларни истеъмол қилиши юзасидан рақобатбардошлиги кам бўлади.

Архитектор Малкольм Веллс оддий содда ва доно фикрни ўртага ташлаган. Унга кўра бинолар ер остида жойлашиши ёки уларнинг усти тупроқ ва ўсимликлар билан қопланиши керак бўлади. Бунинг сабаби оддий: ўсимликлар табиий ҳақиқий ишлаб чиқарувчи ҳисобланади ва улар тупроқ ва атмосфера ифлосланиши оқибатини юмшатишга ёрдам беради. Малкольм Веллснинг “Нафис архитектура” китобида бу фалсафа кенг ёритилган бўлиб, халқаро услубдаги архитектура манманлиги ва шавқатсиз ҳаяжонли таъсири шу асрнинг ўрталарида амалиётга кенг қўлланилиши бўлади. Унинг архитектурага даъвати шуки: табиий муҳитни кичик йўлакларидан бошлаб қайта тиклаш ҳамда табиатнинг ўсимликлари билан ўралган “яшил” архитектуруни тан олишдан иборат. Шу ўринда савол туғиладики, бу услубни универсал “услуб” ҳолда хоҳлаган жойга мувафақиятли равишида кўлласа бўладими?. Малкольм Веллс очиқ ойдин бунга ишонади. Албатта, рад этиб бўлмас асоски, биринчи яшаш жойлари бўлган ғорлар, бошпана сифатида ерни ҳимоялаб, унга таъсирни мувозанатлаштириб турган.

1.2. Бино ва иншоотларни архитектуравий лойиҳалаш ечимида экологик талаблар.

Турар жой ва жамоат биноларининг экологик хавфсизлиги инсоннинг яшаши учун ҳар жиҳатдан қулай меъёrlанган шароитлар ва унинг саломатлигига ҳамда экотизимларнинг ҳолатига салбий (шовқин, радиация, тебраниш ва ҳ.к.) таъсир этмаслиги таъминланганлиги билан аниқланади.

Сўнги пайтларда қурилиш экологисининг муҳим йўналишларидан бири, “инсон – уй-жой муҳитида яшайди” тизимида экологик ҳар жиҳатдан қулай шароитни яратиш билан боғлиқ саволларни ишлаб чиқиш бўлиб қолмоқда. Архитектура ва экологиянинг бирикишида, табиий атроф-муҳит билан сунъий архитектура объектларининг ўзаро боғланишини ўрганувчи янги йўналиш – **аркология** туғилади (1-расм).



1-расм. Архитектура ва экологиянинг бирикиши.

Аркология (экологик меъморчилик) – меъморчиликнинг инсоннинг ижтимоий ва экологик эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда “ёввойи

табиат"ни асраб қолувчи турар жойларни барпо этиши ҳамда уларни оптимал равишда сунъий экинзорлар ва турли меъморий шакллар билан тўлдириши усулларини ишлаб чиқувчи йўналишиларидан (бўлимларидан) биридир.

Аркологиянинг асосий вазифаси – соғлом экологик “тоза” уй-жойни шакллантиришdir.

Шаҳар экологияси – шаҳар муҳити билан яшайдиган инсоннинг ўзаро таъсири ва қонуниятини ўрганувчи йўналишdir.

Инсон экологияси (антропоэкология) – атроф-муҳит билан яшайдиган инсоннинг ўзаро таъсирини ўрганувчи йўналишdir. Ушбу термин 1921 йилда американлик олимлар Р.Парк ва Э.Бюргесс томонидан киритилган.

Инсон экологиясининг асосий вазифаси – ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқариш хусусиятларининг қонуниятини ва уларнинг инсон фаолияти таъсири остида табиий атроф-муҳитга ҳамда унинг оқибати ҳолатида тараққиётнинг маҳсулотлари (озик-овқатлар сифатининг ёмонлашиши ва ҳ.к.) билан ифлосланишини очиш ҳисобланади.

Мутахассисларнинг фикрича, экологик тоза ва барқарор уй-жой муҳитини шакллантириш билан боғлиқ муаммолар нафақат уй-жой қурилиши соҳасидаги мутахассисларнинг, балки экологикларнинг ҳам назаридан четда қолмоқда. Уй-жой муҳитининг экологик мониторинг тизими уй-жой қурилиши амалиётида кўпчилик ҳолатда ҳозирги кунгача мавжуд эмаслигини таъкидлаш етарлидир.

Худди шунингдек, турар жой ва жамоат биноларининг бозор иқтисодиётига ўтишида ва фойдаланувчиларнинг сўровлари даражаланишида, маҳаллий ва хорижий меъёрлар бир-бирига яқинлашиши шароитида экологик талаблар доимо ўсиб бормоқда. Шунинг учун замонавий шароитларда турар жойлардан фойдаланиш ва қурилишни лойиҳалашда экологик талабларга риоя қилиниши мутлақо мажбурийдир. Акс ҳолда бақарор ривожланишнинг муҳим кўрсатгичларидан бири, юқори экологик асосланган яшаш сифатининг яратилиши ва сақланиши амалга ошмайди.

Атроф-муҳит ҳолати ва уй-жой шароитлари ўртасида узлуксиз боғланиш мавжуд. Соғлиқни сақлаш Бутунжаҳон ташкилотининг баёноти бўйича “уй-жой атроф-муҳит билан биргаликда боғланган биноларнинг кенг мажмуаларини ва коммунал қулийликларини ўзида ифодалаган ҳамда экологик омил, яъни айнан бир хил бўлмаган уй-жой.... ҳисобланади”.

Биноларнинг ташки ва ички ифлосланган ҳаводан, шовқиндан, тебранишдан, электромагнит майдондан ва бошқа заарлар таъсиридан ҳимоя қилиш инсонлар саломатлигининг ва яхши атроф-муҳитнинг таркибий қисми ҳисобланади. Шу нуқтаи назаридан бу гоя 1992 йил Рио-де-Жанейро ва 2002 йил Иоханесбург шаҳарларида қабул қилинган барқарор ривожланиш ва атроф-муҳит масалалари бўйича декларацияларда³ “барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича фаолият чегарасида эътиборнинг асосий обьекти инсонлар табиат билан ҳамоҳанг тарзда соғлом ва сермаҳсул ҳаёт

³ Тантанали равишда эълон қилинган дастур мазмунидаги расмий хужжат.

кечириш хукуқига эга ҳисобланади” деб қайд этилган. Бу эса соғлом экологик “тоза” уй-жойларни ташкил топишида муҳим амалий аҳамиятга эга бўлади.

Назорат саволлари:

1. Чарльз Киберт, Жан Сенджимир, Бредлай Гайнинг “Қурилишда экология: яшил бинолар учун асос сифатида тавсифланади” номли китобида архитекторларнинг экологик қарашлари тўғрисида қандай фикрлар келтирилган?
2. Малкольм Веллс томонидан лойиҳаланган биноларда нималарни камайтиришга интилган?
3. Сим Ван дер Райн ва Роб Пена томонидан лойиҳаланган биноларда нималарни мақсадга мувофиқ деб билишган?
4. Экологик дизайн деганда нима тушунилади?
5. Сим Ван дер Райн ва Роб Пена экологик дизайнга қандай таъриф беришган?
6. Сим Ван дер Райн қарашларига кўра, хар бир дизайн қандай саволлар билан бошланиши керак?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Charles J. Kibert, Jan Sendzimir, and G. Bradley Guy (Edited by 2003) Construction ecology: nature as the basis for green buildings. London and New York - p. 303.
2. David C. Coleman (2010) Big ecology: the emergence of ecosystem science. University of California Press. Berkeley, Los Angeles, London - p. 236.
3. И.А.Каримов. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. – Москва : Издательский дом “Дрофа”, 1997. – 318 с.

3-МАВЗУ: Шаҳарсозлик фаолиятида экологик талаблар.

РЕЖА:

- 3.1. Шаҳарсозликда экологик жиҳатлар.
- 3.2. Шаҳарсозлик фаолиятида экологик талаблар.
- 3.3. Қурилиши жараёнининг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш.

Таянч иборалар: Архитектуравий лойиҳалаш, атмосфера ҳавоси, аҳоли, барқарор ривожланиш, биомасса, жойлаштириш, ифлосланиш, ишлаб чиқариш, қонун ва қоидалар, ландшафт, ресурслар, санитар-химоя майдонлари, табиий атроф-муҳит, урбоэкология, урбоэкотизимлар, ҳудудий чегара, шаҳар, туман, шаҳарсозлик майдонлари, экологик мувозанат, экологик назорат, экологик сифим, экологик талаблар, экологик экспертиза, экотизимлар, яшил майдонлар.

3.1. Шаҳарсозликда экологик жиҳатлар.

Шаҳарсозлик остида шаҳар аҳолиси мавқесининг мамлакат (худуд, жаҳон) миқёсида ўсиш майдонларида инсонлар яшайдиган экологик ҳавфсиз муҳитни яратилиши, шаҳар ва қишлоқларни ривожланиши, аҳолини турли жойларга ер сатҳидаги катта кенглиқда жойлаштириш бўйича фаолият тушунилади.



3-расм. Шаҳарсозлик (Урганч шаҳри 2015 йил).

Шаҳарсозликнинг экологик муаммоси табиий атроф-муҳит билан ўраб олган шаҳар ва қишлоқларни ҳар томонлама таъсирини ўрганиш асосида фақатгина мувваффақиятли қарор топиши мумкин (3-расм).

Шаҳар муҳитида табиат ва инсон ўртасидаги маълум ўзаро келишув улар орасидаги экологик мувозанатни, яъни ўз-ўзини ростлаши, қайта ишлаб

чиқариши ва унинг асосий ташкил этувчиларини тегишли муҳофазаси таъминланган шундай табиий атроф-муҳит ҳолатида эришиш шароитида фақатгина амалга ошиши мумкин. Бунда инсоннинг ҳаётий фаолияти учун ижобий таъсир кўрсатадиган шароитнинг яратилиши, шунингдек табиий ва материал ресурсларини тўғри ишлатилиши муҳим масала ҳисобланади.

Ушбу муаммоларни ўрганадиган ҳамда ўзига хос экотизимларда – шаҳарларда инсон мавжудлигининг шарт-шароитларини текширадиган илмий фан шаҳарсозлик экологияси (*ёки урбоэкология*) номини олди.

Шаҳарнинг ҳудудий чегарасида ҳар хил кўринишдаги қурилишдан табиий экотизимларда техноген (уйлар, корхоналар, йўллар ва ш.к.) юклар айниқса кескиндир. Бу ерда чегаралangan ҳудудга нисбатан саноат, фуқаро ва бошқа комплекслар бир жойда тўпланган, бир вақтнинг ўзида барча кўринишдаги антропоген, яъни механик, физик, кимёвий, биологик ва бошқа таъсирлар ҳаракатланади. Шаҳарлардаги майдонларда табиий экотизимларнинг техноген даражаси ва майдонининг заарланиши юқоридир.

Урбоэкотизимларнинг кўп шаклли хиллари табиий (гидросфера, атмосфера ва б.к.) ва антропоген (бинолар, инфратузилманинг элементлари ва ш.к.) тизимлар остида бирикади. Шаҳар – экотизимларга ва атроф-муҳитга тўлиқ боғлиқдир. Шаҳар – кучли “маданий” қатлам⁴, тўкиладиган грунтлар (тупроқ ости) ва бошқалар ҳосил бўлиб тўпланган экотизимдир. Шаҳарнинг ривожланиши табиий атроф-муҳит қонунлари билан эмас, балки экологик мувозанатни бузилиши, инсон фаолиятининг бунёдкорлиги ва бузувчанлиги билан аниқланади. Шаҳарни мувозанатсиз экотизимларга қўшиш мумкин⁵.

Шаҳар майдонларида ушбу ўзига хос хусусиятлар оқибатида урбоэкотизимларнинг биомассаси мувозанатлашмаган, озука занжири бузилган, унумдорлик йўқ қилинган. Урбоэкотизимларнинг соддалашган таркиби унинг ташки таъсирларга юқори барқарорлигини таъминламайди, доимий экологик назоратни ва экологик талабларни бажарилишини талаб қиласди.

3.2. Шаҳарсозлик фаолиятида экологик талаблар.

Ўзбекистон Республикасининг табиий атроф-муҳитни муҳофaza қилиш, энергия ва ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича қабул қилинган бир қанча қонунлари ҳамда қонун ости меъёрий ҳужжатларда шаҳарсозлик фаолиятида маҳсус экологик талаблар белгиланган.

Ушбу ҳужжатларга асосан шаҳар ва аҳоли яшаш пунктларини жойлаштириш, лойихалаш, қурилиши ва қайта таъмирланишида табиий экотизимларни ҳаракат қилиши ҳамда инсонларнинг ҳаётий фаолияти учун ўраб олган атроф-муҳит ҳолатига ижобий таъсир кўрсатишини таъминлайдиган комплекс чегараларга риоя этилиши зарур .

⁴ Ернинг маданийлаштирилган қатлами – тупроқ (ер)нинг инсон фаолияти натижасида ўзгарган (ибтидоий даврдан бошлаб) ва уларнинг излари ёки қолдиқларини сақлаб қолган қатлами. Археологик аҳамияти билан биргаликда инсоннинг атроф-муҳитга кўрсатилаётган таъсирининг ўсиши босқичларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.


⁵ Charles J. Kibert, Jan Sendzimir, and G. Bradley Guy (Edited by 2003) Construction ecology: nature as the basis for green buildings. London and New York - p. 303 (p. 128-139).

Экологик талаблар (яъни комплекс чегаралар) мутлақо зарурдир. Ваҳоланки шаҳарлар ҳаво ва сувнинг асосий ифлослантирувчилари ҳисобланади.

Шаҳарсозлик фаолиятида экологик талабларни қўйидаги учта асосий йўналиш бўйича кўриб чиқамиз:

1. Аҳоли яшаш пунктларини архитектуравий лойиҳалаш ва қуриш;
2. Шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларининг атроф-муҳит муҳофазаси санитарияси;
3. Шаҳарларда яшил майдонларни яратилиши ва муҳофазаси.

Аҳоли яшаш пунктларини архитектуравий лойиҳалаш ва қуришда табиий атроф-муҳитни тикланиши, бузилган майдонларни рекультивациялаш (қайта тиклаш), ерларни ободонлаштириш, маданий мерос объектларини муҳофaza қилиш, экологик хавфсиз ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиниши лозим (4-расм).



4-расм. Экологик хавфсиз қурилиш.

Ҳар хил объектларни қурилиши остида ер майдонларини ажратишда Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва табиатни муҳофaza қилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария – эпидемиология хизмати, Давлат ёнғин назорати ва уларнинг ҳудудий бўлинмаларининг ижобий хulosалари бўлиши мажбурий ҳисобланади.

Таъкидланган органлар аҳоли яшаш пунктлари майдонларида мавжуд табиий атроф-муҳитни ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган ҳар қандай ишлаб чиқаришни жойлаштирилишига рухсат бермаслик хукуқига эга.

Шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларининг атроф-муҳит муҳофазаси санитарияси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофaza қилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-

эпидемиология хизмати ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Ахоли яшаш пунктларини архитектуравий лойиҳалаш ва қуришда санитар тозалиги, чиқиндилар заарсизлантирилганлиги ва хавфсиз жойлаштирилганлиги, микроорганизмлар ва ташланган нарсалар ҳамда ташламаларни рухсат этилган меъёрига риоя этилганлиги, санитар-химоя майдонларини яратилганлиги бўйича барча зарур бўлган чора-тадбирлар қабул қилинган бўлиши керак.

Мисол тариқасида, турар-жой ҳудудининг режасини лойиҳалаштиришда атрофдаги барча саноат корхоналаридан санитар-химоя майдонлари яратилишини кўзда тутади. Ушбу ўзига хос санитар узилишлар, экологик тўсиқлар, санитар қоида ва меъёрлар асосида шунингдек, объектнинг хавфлилик синфидан боғлиқликда 50 метрдан 1000 метргача бўлган кенгликда ўрнатилади.

Саноат корхоналаридан чиқадиган заарли моддалар синфларга ажратилади ва шунга қараб масофа белгиланади. Унга қўра биринчи синф масофа – 1000 метр, иккинчи синф масофа – 500 метр, учинчи синф масофа – 300 метр, тўртинчи синф масофа – 100 метр, бешинчи синф масофа – 50 метр бўлади. Агарда саноат корхонасининг қуввати катта бўлса, унда санитар-химоя майдони уч марта оширилади.



5-расм. Шаҳарларда яшил майдонларни яратилиши ва муҳофазаси.

Шаҳарларда яшил майдонларни яратилиши ва муҳофазаси табиий атроф-муҳитни муҳофaza қилиш, энергия ва ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича қабул қилинган бир қанча қонунларида кўзда тутилган (5-расм).

Яшил майдонлар шовқинларнинг даражасини, чанг ва газларнинг таркибини пасайтиради, шаҳар қурилишини ноқулай шамоллардан ҳимоя

қиласы, фитонцид⁶ таъсир күрсатади, радиацияни юмшатади ва ш.к.

Дарахт майдонларининг муҳофазаси хуқуқий, биологик ва ташкилий тадбирларни ўз ичига олади. Хуқуқий муносабатда ҳар қандай экологик зарар фаолиятини амалга ошириш ман этилади, масалан, ихтиёридаги энг муҳим фойдаланилаётган дарахтларни кесиш.

Биологик ва ташкилий тадбирлар зааркунданалар билан курашишга жамланади ва асосийси яшил майдонларни яратилишида ягона экологик барқарор тизимларни шакллантиради. Шу мақсад билан шаҳарсозлик лойиҳаларида умумий ва чегараланган фойдаланишда яшил майдонларнинг энг кулай қиёфасини, уларнинг кейинги ривожланиш имкониятини ва яшил майдонларнинг тузилмаларини яхшилаш бўйича тадбирларни кўзда тутади.

Шаҳар майдонлари чегараларида яшил майдонларнинг муҳофазаси бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишида улар учун энг катта хавф бўлган рекреация юкларни, ифлосланган ҳавони ва урбанизациялашган⁷ атроф-муҳитнинг комплекс таъсири ифодаланишини эътиборга олиш зарур.

3.3. Қурилиш жараёнининг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш.

Қурилиш жараёнида атроф-муҳитга салбий таъсирлар бўлиб туради. Масалан, тадқиқот ишларини олиб боришида, йўллар қурилишида, шунингдек тўғридан-тўғри қурилиш обьектларида. Қурилиш майдонини тайёрлаш бевосита дарахт ва буталарнинг кесилиши, тупроқ қатламишининг заарланиши ва қурилиш майдонларидан чиқаётган оқова сувлар, ковлаш ишлари, қурилаётган обьект тагидан пойдевор учун қазилган чуқурлик ва қовурлар учун ариқ, қурилиш майдончасида ҳаракатланаётган автотранспорт ва бошқа механизмлар томонидан чиқаётган чиқиндишлар – қурилиш жараёнидаги асосий ифлослантирувчи манбалар саналади. Табиатда амалга ошириладиган қурилиш экотизимларини ҳар бир вакиллари учун талофат етказади, масалан ҳайвонот оламига: қурилишнинг бўлиши натижасида ҳайвонот оламининг озук занжири бузилади, бу эса ўз навбатида уларнинг сонини қисқаришига олиб келади. Лойиҳа тузувчилар иложи борича табиий атроф-муҳитга қурилишнинг салбий таъсирини камайтиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Қурилиш жараёнида атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатувчиларни ва қурилиш жараёнида бўладиган бу таъсирларини камайтириш учун тўғридан-тўғри қўйидаги чора-тадбирлар кўлланилади.

Қурилиш майдонини тайёрлаш. Бу жараён салбий таъсир кўрсатувчиларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Жумладан:

- ➡ чиқиндишларнинг пайдо бўлиши ва ифлосланган автотранспортларнинг ҳаракати;
- ➡ ер юзасидаги сув ресурсларнинг ифлосланиши;
- ➡ тупроқ эрозияси;
- ➡ ландшафтларнинг ўзгариши.

Юқоридаги экологик муаммоларнинг олдини олиш учун қўйидаги чора-

⁶ Фитонцид – ўсимликдан чиқадиган бактерияларни йўқотадиган учувчан моддалар.

⁷ Урбанизация – жамият ривожланишида шаҳарлар ролининг ошиш жараёни.

тадбирларни қўллаш лозим:

- қурилиш майдонида чиқиндиларни ташувчи автотранспортларни ва уларнинг резина камерали ғилдиракларини тозаловчи маҳсус жойлар бўлиши;
- чиқиндиларни ташлаш учун маҳсус жой ажратиш, чиқиндиларни ёпиқ ҳолда ташиш;
- чиқиндини ва ортиқча тупроқни ташиш;
- ишлаб чиқаришга оид ва майший сувларни тозалашни ташкил этиш;
- қазиши жараёнида ер ости сувларининг тўкилишини ва уларни кучсиз тупроқ билан сунъий равишда мустаҳкамланиши пайтидаги ифлосланишини олдини олиш;
- қурилиш майдонидаги оқова сувларни ерни ўпириб кетишидан сақлаш;
- тўғри режалаштирилган вактинчалик автойўллар ва йўлаклар;

Пайвандлаш, бинолар томларини ёпиш, деворларни пардозлаш жараёнидаги таъсирларнинг олдини олиш учун тез ёнувчан ва ўзидан заҳарли моддалар чиқарадиган маҳсулотларни тўғри аралаштириш ҳамда уларни ташишни тўғри ташкил этиш чора-тадбирларни амалга ошириш керак.

Тош ва бетон ишлари. Ишнинг бу тури қуйидаги экологик муаммоларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ: ҳавонинг чангланиши, тўлқин тарқатувчи, шовқинли юклар ва ҳ.к.

Юқоридаги экологик муаммонинг олдини олиш учун қуйидаги чора-тадбирлар кўрилиши лозим:

- қурилиш майдонида табиий тошларни қайта ишлаш учун маҳсус жойлар ажратиш;
- шовқиндан, тўлқиндан сақловчи ва чангни тутиб қолувчи белгиланган талабларга мос қурилмалар билан таъминланган бўлиши лозим.


Курилиш жараёнининг биосфера тарқибий қисмларига салбий таъсирлари ва уларни камайтириш қуйидагилардан иборат:

1. Гидросферага бўладиган таъсир асосан ер қазиши ишларидан чиқкан сувларни тиндириб кейин ирригацион тизимга қувиш талаб қилинади.

2. Атмосферага бўладиган таъсирлар ифлосланиш, шовқин, чанг. Бу таъсирлар қурилиш босқичида амалга ошади. Ифлосланиш ҳар хил техникаларнинг ҳаракати, ишлаши жараёнида содир этилади. Тупроқни юмшатиш, қазиши, тўлдириш, текислаш, портлатиш ишларида чанг кўтарилиди ва атроф-мухитга шовқин тарқалади.

3. Литосферада асосий таъсир тупроқ ресурсларига бўлиб, бунда тупроқнинг унумдор қатламига зарар етади ва маълум даражада ифлосланади. Бунинг олдини олиш учун иш жараёнида сувдан фойдаланиш ва намлик етарли шароит бўлиши керак.

Биосферага бўлган таъсир қурилиш жараёнида ва фойдаланиш даврида юз беради. Шовқин-сурон ҳайвонларни майдон (ареал)ларини ўзгартириншга сабаб бўлади. Бунинг олдини олиш учун аввал шу ердаги ҳайвонларнинг физологиясини ўрганиш лозим.



6-расм. Қурилишдаги қувурларнинг ерга таъсири.

Қурилишдаги қувурларнинг ерга таъсири. Ер юзасида ҳар хил мухандислик коммуникация (газ, сув, нефт, иссиқлик канализация қувурлари, электр, телефон кабеллари ва б.к.) қувурларни ётқизиш тупроқ ҳолатига салбий таъсир этиб, тупроқдаги биологик жараёнларни бузади ва ифлослантиради. Ётқизилган кабеллар атрофидаги тупроқ таркиби бузилади, тупроқдаги микроорганизмлар нобуд бўлади, ўсимликлар қурий бошлайди (6-расм).

Маълумотларга кўра, газ қувурлари атрофидаги 100 метр тупроқ заҳарланса, иссиқлик қурувлари 24 метр бўлган жойда тупроқни қуритиб, сув тартибини бузади, тупроқдаги микроорганизмлар нобуд бўлишига, ўсимликларнинг қуришига олиб келади

Тупроқни мухандислик коммуникация тармоқлари тизимлари таъсирида ифлослани-шидан сақлашда қўйидагиларга амал қилиш лозим⁸:

► ер ости мухандислик коммуникация қурилишларида қувурлар ва кабеллар ётқизиш қоидаларига тўлиқ риоя қилиш лозим (7-расм);

⁸ Neil S. Grigg (2003) Water, wastewater, and stormwater infrastructure management. USA - p. 243. (p. 25-32)

- ◆ ҳар хил қувур ва кабеллар ётқизилаётганда экологик майдон-нинг кенглигига риоя қилиш зарур (8-расм);
- ◆ мухандислик коммуникация қувурлари, ҳар хил кабеллар махсус тунел қазилиб, шу тунел орқали ўтказилиши лозим.



7-расм. Ер ости мухандислик коммуникация қурилиши.



8-расм. Экологик майдоннинг кенглиги.

Ушбу тадбирлар амалга оширилса, тупроқ ифлосланмайди ва коммуникация құвур ҳамда кабелларининг ишлаши устидан назорат қилиниши осонлашади.

Қурилиш жараёнидаги чиқиндиларни қайта ишлаш. Ерлар эски ва хароба бинолардан янги бинолар қуриш учун текисланмоқда. Шу билан бирга ҳозирги вақтда бузилаётган бинолардан чиқаётган чиқиндилар муаммоси пайдо бўлмоқда. Ўтган замонларда фойдаланишга яроқсиз бинолар портлатилиб, сўнгра чиқиндилари тозаланган. Бунинг натижасида бетондан, ойна синикларидан, металлдан уюmlар ҳосил бўлган. Бу уюmlарни ташишда юк машиналаридан фойдаланиб, улар кейинчалик яна қайта ишлатиш учун олиб кетилар эди. Жадал суръатларда ривожланаётган қурилиш, эски хароба уйларнинг кўплиги ва улардан чиқаётган чиқиндилар муаммога айланмоқда. Чиқиндиларни ташиш энг оқилона фикр эмас. Бу чиқиндиларни қайта ишлаб, бу муаммонинг таъсирини камайтириш мумкин. Чиқиндиларни қайта ишлаш яқин келажакда эски биноларни қайта бузиш жараёнининг ажралмас қисмига айланади. Қайта ишлаш жараёнидан кейин шиша, ғишт, пластик, лом ва бошқа шу каби маҳсулотларни қурилиш соҳасида асосий хом ашё материали сифатида фойдаланиш мумкин.

Қурилиш чиқиндиларини қурилиш майдонида қайта ишлашнинг афзalлик томонлари қуйидагилардан иборат:

- ◆ Қурилиш жараёнидаги чиқиндиларни бир жойдан иккинчи жойга ортиш, тушириш ва ташиш харажатлари камаяди.
- ◆ Қурилиш майдонидаги чиқиндилар учун маҳсус жойга тўланадиган харажатлар бўлмайди.
- ◆ Қурилиш белгиланган майдонга донадор (шагал, чақиқ тош ва ш.к.) қурилиш материалларини келтириш камаяди. Чунки бузилган иншоотнинг ўзидан чиқадиган материалларининг етарлилиги сабабли, уларни сотиб олишга, бирор жойдан келтиришга маблағ талаб этилмайди.
- ◆ Қулай ва кам харажат йўл билан қурилиш материалларига эга бўлинади.
- ◆ Қурилиш жараёнининг атроф-мухитга салбий таъсирини ва чиқиндиларнинг миқдорини камайтириш учун уларни йиғиб, таркиби бўйича тақсимлаб, қайта ишлашга жўнатиш энг самарали йўл ҳисобланади. Чиқиндиларни қайта ишлаш жараёни ишлаб чиқаришнинг ўсишига, шу билан бирга унинг табиатга, экологияга бўлган таъсирини камайтиришга ёрдам беради. Бундай қайта ишланган материаллардан фойдаланиш қурилиш материалларини тежашга ва чиқиндилар миқдорининг камайишига имкон яратади.

Қурилиш чиқиндиларини қурилиш майдонида қайта ишлашнинг камчилиги материаллар таркиби бўйича тақсимланмайди. Бунда қўшимча электр энергияси, ташиш ишлари ва шу кабилар учун маблағ талаб этилади. Чиқиндиларни қайта ишлаш жараёнида баъзи ҳолларда улардан сезиларли зарарли моддалар ажралиб чиқиши эҳтимоли мавжуд.

Назорат саволлари:

1. Шаҳарсозлиқда экологик жиҳатлар нималардан иборат?
2. Шаҳарсозликнинг экологик муаммоси деганда нимани тушунасиз?
3. Урбоэкологияга таъриф беринг?
4. “Маданий” қатламга таъриф беринг?
5. Шаҳарсозлик фаолиятида экологик талаблар қандай йўналишдан иборат?
6. Шаҳарсозлик фаолиятида экологик талабларнинг асосий йўналишларини таърифлаб беринг?
7. Курилиш жараёнини ташкил этиш талабларига нималар киради?
8. Курилишга майдон танлашда нималарга аҳамият бериш керак?
9. Лойиҳалаш ишига таъриф беринг?
10. Курилиш лойиҳаси қандай қисмлардан иборат бўлади?
11. Объект ёки мухандислик иншооти жойлашган ҳудуд тўғрисидаги маълумотларда нималар акс эттирилиши лозим?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Charles J. Kibert, Jan Sendzimir, and G. Bradley Guy (Edited by 2003) Construction ecology: nature as the basis for green buildings. London and New York - p. 303.
2. Neil S. Grigg (2003) Water, wastewater, and stormwater infrastructure management. USA - p. 243.
3. И.А.Каримов. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. – Москва : Издательский дом “Дрофа”, 1997. – 318 с.

4-МАВЗУ: Қурилиш тизимлари ва техногенези тұғрисида асосий түшүнчалар.

РЕЖА:

- 2.1. Қурилиш экологиясининг ривожланиши тарихи.*
- 2.2. Қурилиш экологиясининг асосий йұналишлари.*

Таянч иборалар: Барқарор ривожланиш, бинолар, биологик жараёнлар, конструкциялар, қонун ва қоидалар, қурилиш мутахассислари, қурилиш экологияси, материаллар, ресурслар, саноат тармоғи, табиий атроф-мухит, технологиялар, экологик мониторинг, экологик мувозанат, экотизимлар.

2.1. Қурилиш экологиясининг ривожланиш тарихи.

Экология тизимлари, яратылған муҳитни атрофдаги дүнёда ўрганиш учун уларнинг меъёрий уфқларидан күпроғига эришганлигини, қурувчиларнинг жасорати деб тан олишади. Қандай қилиб бизга экология жараёнларининг билимлари имаратларнинг ҳаёт даврини динамик йўллардаги муҳитнинг биноларини қуриш ва қайта ишлаши билан яхшироқ созлашга ёрдам бериши мумкин? Экологлар табиатшунос олимларнинг эътиборини молекулалардан биологик ҳужайраларга, организмларга, аҳолига, жамоаларга, манзараларга, биосферага жалб қилиш учун ўтган ярим аср давомида шунга ўхшаш курашни олиб боришмоқда. Мутахассислар доимо бир-бирларининг нұқтаи назарларини асли ҳолга қайтариб, яна янгиланишини хоҳлашади. Фаолиятнинг атроф муҳитга қандай мослашаётганини баҳолаш масаласи осон ва янада қийинdir. Бу осонлашмоқда, чунки бўлиб ўтган бир қатор кризислар инсонларнинг уйларига заарарли оқибатларни олиб келганидан сўнг, инсонлар янада күпроқ атроф-муҳитни тушуниб етишишни хоҳлашмоқда. Аслидан кўра, ажабланиш ва ноаниқлик муқаррар туюлган нұқтадан яқинроқ кўрилганда, бу янада мураккаб тасвирни кўрсатади ва шунинг учун ҳам қийинdir. Кўпчилик ҳаракат қилиш керак, деб ҳисоблаши ҳақида фан бизга ишонч бера олмаслиги мумкин. Аммо бу бизга, бизнинг саволларимиз ва бизнинг ҳаракатларимизни янада доно йўл билан динамик ва мураккаб биосферамизни тадқиқ қилишимиз кераклигини шаклантиришда ёрдам беради. Бу замонни қиёфаси нима? Биз биологик мураккабликни ўсиб бораётган ўрнини күпроқ тан олганимиз сари саноат ускуналарининг аҳамияти йўқолиб бормоқда. Қандай қилиб биз материаллар, озиқ моддалар, сув ва энергия даврларининг тўқимасидаги миллионлар организмлар,

биологик турлар ва жамоаларнинг ўзаро алоқасини тунишни бошлишимиз мумкин? Америка ва Англия (Charles J. Kibert, Jan Sendzimir, G. Bradley Guy) экологлари бу масалани тизимлар нуқтаи назаридан муҳокама қилишади. Улар бизга бу ғояларни инсон бош панасини яратиш, фойдаланишга тиклаш ва ҳаётга қайтариш жараёнини бошқаришда ишлатишни таклиф этишни ўрнига, тизимлар (экологик ва бошқалар) қандай қилиб қурилиш ва вайронада бўлиш даврида сақланиб қолиши ҳақидаги фикрлар хилма-хиллигини таклиф этишади⁹.

Қуйидаги эколог олимлар фанлар тизимидағи табиий ва инсон тизимларини тушунишни қўлланишига ноёб тажрибани олиб киришди.

Н.Т.Одум метеорология ва геокимёдан бошлаб, бугун экология тизимлари аталмиш фанга асосларни солган. Н.Т.Одум "...охирги эллик йил давомида тизим фикрлашига қандай интизомларни киритмаганини билиш талабчан топшириқ бўларди." дейди. Оддийлик ва равшанлик билан ораста ишлайдиган ёндашишга тўқнашаётган кўп соҳалар бир авлод экологлар тараққиёти учун фундаментал бўлиб, чуқур ва ҳар томонлама тушунишни акс эттиради.

Жеймс Кей қандай қилиб, тизимлар ўз тузилмаларини турли сифат энергияларнинг оқимлари ва қайта алоқалари функцияси сифатида ривожлантириши ҳақидаги назарияни илгари суриши учун ишламоқда ва бундай ғояларни тажрибага асосланиб бошқаришдаги худудий ерларни ривожлантиришда қўллади.

Тим Аллен тизимлар қандай ривожланиши ва ўзгариши ҳақида тест сифатида ўсимликлар устида тажрибалар олиб борган ва кўп корхонали (кўп даражали кўрсаткич) тизимлар тузилмасини тушунтириш учун шажара (иерархик) назариясини ривожланишига етакчи ҳомий бўлган.

Гарри Петерсон олов қандай қилиб ўрмон ландшафтининг нақшларини шакллантиради ва қандай қилиб ҳайвонлар нақшларга жавобан ҳаракатланишининг ғоясини текшириш учун компьютер моделлаштиришни ишлатади. Унинг моделлаштириш иши Флоридадаги (АҚШ) узун баргли қарағай ўрмон тажрибага асосланиб бошқарувнинг турли ғоялари учун синов майдони бўлган.

Қурилиш экологиясининг аниқланиши¹⁰. Сунъий атроф-муҳитнинг қурилиши ва фойдаланиши табиий атроф-муҳитга иқтисодиётдаги ўрнига қараганда номутаносиб таъсир ўтказади. Гарчи бу АҚШнинг ялпи ички маҳсулотининг 8% ташкил этса ҳам, қурилиш соҳасида қазиб чиқарилган материалларнинг 40% сарфлайди. Умумий ерга қўмиладиган чиқиндиларнинг учдан бирини чиқаради ва ўзининг иши учун миллий энергия истеъмолини 30% ташкил этади. Саноат соҳасининг мувозанатини сақлаш манбалари ишлатиш йўлларининг фундаментал ўзгаришларга ва қурилиш фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган саноат жараёнларининг

⁹ Charles J. Kibert, Jan Sendzimir, and G. Bradley Guy (Edited by 2003) Construction ecology: nature as the basis for green buildings. London and New York p. 303. (p. 29-35)

¹⁰ Charles J. Kibert, Jan Sendzimir, and G. Bradley Guy (Edited by 2003) Construction ecology: nature as the basis for green buildings. London and New York p. 303. (p. 5-12)

чиқиндилариға тааллуқли паст тан нархли маҳсулотларга боғлиқдир. Қурилиш бошқа саноат турлари каби табиий тизимларнинг метаполис хатти-харакатини қузатишдан ютиб, мувозанатни сақлаш элементларининг мураккаб йиғиндинсининг хусусияти бўлади. Табиатни ўз саноати учун ўрганаётган, пайдо бўлаётган саноат экологиясининг соҳаси сунъий атроф-муҳитни ёки мувозанатли қурилишнинг маъносини англаш қобилиятини беради. Бу китоб қурилиш соҳасини ва материалларни қўллаб-қувватлайдиган, мувозанатни идеалларига яқинроқ қилиш учун бизга табиий ва саноат экологиясидан ташкил топган қурилиш экологияси тушунчасини, саноат қурилишларининг турларини таклиф этади. Бундан ташқари қурилиш экологияси бизни ҳамма нарсалар билан таъминлайдиган табиий тизимларни ўзи чига оладиган йирик масштабли биоҳудудий “**яшил инфратузилма**”ни ўз йўлида ичига оладиган симбиотик, синэнергетик, сунъий атроф-муҳит, табиий атроф-муҳитнинг кенг қамровли алоқаларини ўз ичига олади.

Экотизимлар инсон фаолиятини мувозанатли йўлга ўтказиша жуда муҳим намуна сифатида манба бўлади. Жумладан:

- ◆ табиий жараёнлар кўпроқ даврий бўлади;
- ◆ қуёш нурлари энергиясининг оқимидан ва органик омборлардан ишлайди;
- ◆ пастги қисмларнинг функцияларининг бажарилишини турли тусга киритиб, ҳар бир чегарадаги эгувчанликни қўллаб-қувватлайди;
- ◆ турли хил чегаралардаги функцияларни ортиги билан бажариб, ҳар бир чегарадаги мувозанатни қўллаб-қувватлайди;
- ◆ мураккаб жамоаларнинг кооператив алоқаларини ривожлантириб, материалларнинг самарали фойдаланишини қўллаб-қувватлайди;
- ◆ ташқи атроф-муҳитнинг ўзгаришларига жавобан мосланувчан ва тараққий этиш учун етарли турли хил маълумотларни ҳамда функцияларни қўллаб-қувватлайди.

Инсон фаолияти саноатнинг қуи тизимиға табиий тизимларни лойиҳалаштириш тартибларини қўлланилишининг турли хил йўлларини кўриб чиқади. Тикланмайдиган ресурслардан фойдаланишга асосланган иқтисодиётнинг ҳаракатланишини қайта лойиҳалаштиришни олиб боради.

Саноат тизимларини режалаштириш экологик тизимларнинг моделларини мослашишига асос бўлиб, шакланаётган саноат экологияси янги-янги интизомдир. Экологик саноатнинг хусусиятларини тасвиrlайдиган саноат симбиозини¹¹, атроф-муҳитнинг дизайнини, саноат метаболизмини, экологик тоза ишлаб чиқаришни, экологик самарадорликни ва бошқа янги терминларни ўз ичига олиш учун охирги изланишларда саноат экологияси қайта кўрилиб кенгайтирилмоқда. Технологик воситалардан яна ҳам кенгроқ фойдаланиш учун ҳозирги мавжуд саноат чиқиндиларининг оқимини бошқа саноат жараёнларига манба сифатида ишлатиш учун саноат симбиози экотизимни қузатишдан ҳосил бўлганларни дарс машғулотларида

¹¹ Симбиоз – икки хил организмнинг муайян бир муҳитда бир-бирига фойда ёки зарар келтириб, бирга яшashi.

фойдаланишга эътибор қаратади. Махсулот материалининг таркибий қисмларини қайта ишлатиш ва ишлашда пайдо бўлаётган интизом, атроф-муҳитни режалаштириш инсон лойиҳалаштириш жараёнини ўзгартиради. Манбаларни ишлатиш фойдалилигини кўпайтиришни кўзлаб, манбаларни ишлатиш ва саноат чиқиндиларини ишлаб чиқариш ҳақида тушунчаларни олиш учун саноат метаболизми саноатнинг кириш, жараён ва чиқишлирини кўради. **Материалларни ишлатишнинг тизимли қисқариши ва назорат қилиш ҳамда махсулот ҳаётининг охирига қадар хом ашё сифатида фойдаланишдан саноат жараёнларининг занжири бўйлаб ифлосланишнинг олдини олиш экологик тоза ишлаб чиқаришдир.** Экологик самарадорлик ишлаб чиқариш компанияларини товар ва хизматларга материал ва энергияни ишлатишни камайтиришга, заҳарли чиқиндиларни камайтиришга, материалларни қайта ишлаб чиқариш хусусиятига эга қилиб чиқаришга, материалларнинг мувозанатли ишлатишни кўпайтиришга, махсулотнинг чидамлигини кўпайтиришга ҳамда хизмат кўрсатиш қизғинлигини оширишга чақиради.

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти (Organization for Economic Cooperation and Development (OECD)га кирадиган давлатлар, бу дегани асосий саноатлаштирилган давлатларда сунъий атроф-муҳитни қуриш ва ишлатиш барча иқтисодиёт соҳаларидан материал ва энергия манбаларининг ишлатилиши энг катта ҳажмини ташкил этиб, табиий тизимли моделларни ишлатишдан энг катта фойда олиши мумкин демакдир.

Ҳар иккала бўғим (сегмент)да янги биноларни ташкил этадиган қурилиш материалларини ишлаб чиқарилишини ва ҳозирги мавжуд биноларни бузиб, қурилиш материалларини янги ва қайта лойиҳалаштирилаётган биноларда қўлланилишини, қандай қилиб саноат мувозанатликга эришишини тушунтирадиган қурилиш саноати яхши хизмат қилиши мумкинлигини саноат экологияси ичидаги қурилиш экологияси аниқлади. Бошқа саноат тизимлари каби қурилишда ўтказиш қобилиятини аниқлаш йўли орқали, яъни “метаболизм”ни аниқлаш билан ёрдам кўсатилади. Таъкидланган маълумотда, иккита табиий тизим ва ривожланаётган саноат экологиясидан олинган маълумотларни ичига олиш учун аввало олинган материалларнинг даврларини, аммо кенг миқёсда худудий энергетик ва материал оқимларининг қурилиш саноатидаги имконияти кўриб чиқилади. Шунингдек, унинг табиий атроф-муҳитга бўлган муносабатини ўрганади. Кўпинча муносабатларда қурилиш саноати бошқа саноат тармоқларидан фарқланмайди. Бироқ шунга қарамай етарлича фарқлар мавжуд бўлиб, уларнинг узоқ ҳаётий даври ва материалларнинг хилма-хиллиги алоҳида эътиборни талаб қиласди. Шундай қилиб, экологияни бу соҳасига қўллаш ва унинг метаболизмини тушуниш ҳаракатлари бошқа саноат тармоқларига туташмаган ноёб муаммоларга олиб келади.

Бугунги тараққиёт даврида экология ва қурилиш индустрисининг тўқнашуви янги илмий йўналиш “қурилиш экологияси”нинг шаклланишига асос бўлди.

Қурилиш экологиясининг пайдо бўлиши экология фанининг янги

қирраси бир томондан қурилиш фаолияти атроф-мухит ифлосланишининг энг йирик манбаси ва сайёранинг қайта тикланмайдиган ресурсларини сезиларли истеъмолчиси сифатида қолаётгани давом этаётган бўлса, бошқа томондан эса экологик кризисдан чиқиш ва бошқа иқтисодиёт тармоқлари каби қурилиш тармоғига ўтиш барқарор ривожланиш йўлининг кескин заруриятини юзага келтирди.

Қурилиш экологиясининг муҳим асосий вазифаси инсонга ва табиий экотизимларга қурилиш технологияларининг салбий таъсирини тадқиқ этиш, экологик хавфсиз қурилишнинг барқарор ривожланиш қонун ва қоидаларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Қурилиш экологиясининг хусусиятига “қурилиш – табиий атроф-мухит” тизимиغا ўзаро таъсири жараёнларини ҳар томонлама ўрганишга хизмат қиласди.

Қурилиш экологиясининг услугий асоси қурилиш фаолияти ва бошқариш қарорларини огоҳлантириш учун ахборот таъминоти ёки салбий таъсири камайтириш билан боғлиқ бўлган антропоген хавф-хатарни таҳлил ва олдиндан маълум қилиш ҳисобланади.

Қурилиш экологияси умумий ва амалий экология, архитектура қурилиш фанлари, кимё, физика, мухандислик геологияси, тиббиёт, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа фанлардан билимларга тизимли асосда таянади.

Қурилиш экологияси ўзининг мақоми бўйича амалий экологиянинг бир хил тармоғидан ва мухандислик экологиясининг бир хил тизим остидан ҳисобланади.

Қурилиш экологияси экологик фанлар тизимида янги йўналиш сифатида фақат охирги 22 йилда жадал суръатларда ривожланмоқда. 1994 йилда АҚШнинг Тампе шаҳрида барқарор экологик қурилиш бўйича биринчи халқаро анжуман бўлиб ўтди. 1997 йилда Франциянинг Париж шаҳрида иккинчи ва 2002 йилда Норвегиянинг Осло шаҳрида учинчи халқаро анжуман бўлиб ўтди. Ушбу халқаро анжуманларнинг қарорларида барқарор қурилиш қайта тикланмайдиган ресурсларни энг қулай ишлатиш йўли билан ҳаётнинг сифатини таъминлаш ва қайта тикланадиган ресурсларни доимий қўллаш мақсади билан соғлом иқтисодиётни қўллаб-куvvatлашга, шунингдек биологик хилма-хиллик ва табиий атроф-мухитга етказиладиган зарарни камайтиришга йўналтирилган бўлиши кераклиги таъкидланган.

Қурилиш технологиялари билан боғлиқ ҳолда атроф-мухит ва саломатлик учун хавф-хатарни ҳар томонлама ўрганиш мақсади 1997 йилда Швецияда Қурилиш экологияси институти ташкил этилди. Ушбу институт ҳузурида 1998 йилда қурилиш бўйича Халқаро кенгашнинг Бутун дунё конгресси ташкил этилди.

1998 йил 7-12 июнь кунлари Швецияда “Қурилиш ва атроф-мухит” шиори остида қурилиш бўйича Халқаро кенгашнинг Бутун дунё конгресси бўлиб ўтди. Ушбу Бутун дунё конгрессида қуйидаги асосий муҳим муаммолар муҳокама этилди:


- ◆ экологик хавфсиз қурилиш материаллари ва технологиялари;
- ◆ қурилиш конструкцияларининг ишончлилиги ва умрибоқийлиги экологик мезон сифатида;
- ◆ қурилиш барқарор ривожланиш омили.

2002 йилда қурилиш индустриясининг Европа федерацияси қурилиш фаолияти жараёнида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича комплекс чоратадбирларни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу чоратадбирларда экологик хавфсиз қурилиш материаллари ва технологияларни фойдаланувчи қурилиш компаниялари учун имтиёзли шароитларни яратиш кўзда тутилган.

2.2. Қурилиш экологиясининг асосий йўналишлари.

Экология яқин вақтгача тирик организмларнинг ва организмларнинг атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро боғлиқлигини ва уларнинг яшаши кабиларни ўргатувчи биология фанининг асосий қисми сифатида кўриб чиқилаётган эди. Ҳозирги вақтда экология табиий атроф-муҳитни ва инсон фаолияти билан унинг ўзаро боғлиқлигини ўргатувчи бўлган илмий фанлар комплексини аниқлаштиради.





2-расм. Қурилиш экологиясининг асосий йўналишлари

Ҳозирги замонавий даврда табиий-илмий билимларнинг ривожланиши барча фанларнинг экологикилиги билан тавсифланади. Экологик билимлар алоҳида аҳамиятли бўлган биологик фанга тўхталиб қолмаслиги билан илм-фанда инсоннинг табиий атроф-муҳит таъсирига ҳамда ушбу антропоген жараённи юмшатиш усусларига ўзгартериади. Геология, кимё, тиббиёт, физика, қурилиш фанлари ва б.к. билан экологиянинг тўқнашувида янги турдаги билимларни, яъни геоэкология, урбоэкология, мухандислик экологияси, қишлоқ хўжалиги экологияси ва ш.к. яратади.

Шунинг учун амалий экологиянинг тутган ўрнида мухандислик экологияси, геоэкология, шаҳарсозлик экологияси ва б.к. фанлар мавжудлигига ҳақлидир.

Ҳозирги вақтда экологиянинг қурилиш билимлари билан тўқнашувида яна бир янги илмий йўналиш – қурилиш экологияси пайдо бўлишига асос бўлди.

Қурилиш экологиясининг асосий йўналишларига қурилиш обьектининг ҳаётий даври, биосферага қурилишнинг салбий таъсири, салбий таъсиrlардан мухандислик экологик ҳимоя, турар жой ва жамоат биноларининг экологик хавфсизлиги, қурилишда энергия ва ресурс тежамкорлик, пойдевор қурилиши ва экология, экологик мониторинг ва б.к. киради (2-расмга қаранг).

Назорат саволлари:

1. Қурилиш экологиясининг ривожланиш тарихи қачондан бошланган ва унга тушунга беринг?
2. Америка ва Англия олимлари фанлар тизимидағи табиий ва инсон тизимларини тушунишни қўлланишига қандай тажрибани олиб киришган?
3. Қурилиш экологияси қандай аниқланади?

4. Экотизимлар инсон фаолиятини мувозанатли йўлга ўтказишида қандай муҳим намуна сифатида манба бўлади?
5. Экологик тоза ишлаб чиқаришга таъриф беринг?
6. Экологик самарадорлик қандай ишларни амалга оширишга чақиради?
7. Қурилиш экологиясини шаклланишига нима асос бўлиб хизмат қилди?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Charles J. Kibert, Jan Sendzimir, and G. Bradley Guy (Edited by 2003) Construction ecology: nature as the basis for green buildings. London and New York - p. 303.
2. David C. Coleman (2010) Big ecology: the emergence of ecosystem science. University of California Press. Berkeley, Los Angeles, London - p. 236.
3. И.А.Каримов. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. – Москва : Издательский дом “Дрофа”, 1997. – 318 с.

5-МАВЗУ: Грунтларни кимёвий ва физик-кимёвий мустаҳкамлашнинг экологик жиҳатлари.

РЕЖА:

- 4.1. Ўзбекистон ҳудудидаги фойдали қазилмалар тўғрисида умумий маълумотлар.

Таянч иборалар: Атроф-муҳит, вольфрам, газ, ёқилғи-энергетика, ер усти ва ер ости бойликлари, калий, кумуш, қурилиш материаллари, кўмир, лигнин, майдон, марганец, маъдан, металлар, минерал хом-ашё, нефт, олтин, плавик шпат, рух, сув, темир, торф, фойдали қазилмалар, фосфогипс, фосфор, чиқиндилар.

4.1. Ўзбекистон ҳудудидаги фойдали қазилмалар тўғрисида умумий маълумотлар.

Фойдали қазилмалар гуруҳига маъданли ва маъдансиз металлар, нефт, газ, кўмир, торф ва ер ости сувлари киради. Улар инсоният учун ёқилғи ва энергия манбалари ҳисобланади. Улардан фойдаланиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Агар сўнгги 25 йил мобайнида дунёда кўмирга бўлган талааб

2 маротаба, калий, марганец ва фосфор тузларига 2-3 маротаба, темирга 3 маротаба, нефт ва газга 6 маротаба ошган бўлса, шу давр мобайнида аҳолининг ўсиши 40% ни ташкил этди.

Ҳозирги пайтда дунё миқёсида йилига 150 млрд. тонна минерал хомашё қазиб олинмоқда.

Табиий нураш оқибатида денгиз ва океанларга дарёлар орқали йилига 15 млрд. тонна тоғ жинслари оқиб қўшилмоқда ва 3-4 млрд. тонна тоғ жинслари атмосфера ҳавосига кўтарилимоқда. Инсон ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида йилига 1500-2000 млрд. тонна тоғ жинсларини бир жойдан иккинчи жойга кўчиради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига қараганда, йилига дунёда 2,6 млрд. тонна нефт, 3,6 млрд. тонна хром маъдани, 3-4 млрд. тонна қўроғшин маъдани, 6 млрд. тонна темир маъдани, 7,3 млрд. тонна мис маъдани, 32 млрд. тонна кўмир, 1,2 млн. тонна уран, симоб, молибден, никел, кумуш, олтин ва платина маъданлари, 120 млн. тонна фосфатлар ва 159 млн. тонна туз қазиб олинмоқда. Агар қазилма бойликлардан ҳозирги тезлик билан фойдаланилса, олтин захиралари 35 йилда, рух 36 йилда, калий 40 йилда, уран 47 йилда, мис 66 йилда, сурма ва симоб захиралари 70 йилда нефт, газ ва кўмир захиралари эса 150 йилда тугаб қолиши мумкин. Шунинг учун кўпгина ривожланган мамлакатларда (Япония, Англия, Германия, Италия, Голландия, Белгия ва б.к.) хомашё ва ер ости бойликларининг этишмаслиги туфайли иккиласми чиқиндиларни қайта ишлаб, бошқа мамлакатларнинг бойликларидан фойдаланмоқдалар.

Ҳозирги пайтда олимлар янги-янги конларни кашф қилишга мажбур бўлмоқдалар. Япония олимларининг маълумотларига қараганда, океан тубидаги металлар концентрациялари ҳисобига дунё саноатини ҳозирги истеъмол даражаси мис билан 2000 йил, марганец билан 14000 йил, никел билан эса 70000 йил таъминлаш мумкин. Ҳозирги пайтда ушбу бойликлардан дунё саноати эҳтиёжлари учун 1% дан 20% гача фойдаланмоқдалар, холос. Бундан ташқари, ер ости бойликлари кўпчилик ҳолатларда 1-2 турдаги металлар ҳисобига қазиб олиниб, қолган қисми эса атроф-муҳитга чиқинди сифатида ташлаб юборилади. Масалан, 100 тонна гранитдан 14 кг ванадий, 17 кг никел, 30 кг хром, 80 кг марганец, 0,5 тонна титан, 5 тонна рух, 8 тонна алюминий ажратиб олиш мумкин.

Исрофгарчилик, айниқса, нефт, газ, кўмир, калий тузлари, қурилиш материаллари, қора ва рангли металлар, тоғ кимёвий хомашёларини қазиб олишда рўй бермоқда. Дунёдаги нефт конларидан 50-60% нефт қазиб олинмоқда. Ҳар йили 150 млрд. тонна маъданлар қазиб олинади ва ундан керакли элементлар ажратиб олиб, қолган 95-98% атроф-муҳитга чиқариб ташланади.

Қазилма бойликларни қидириб топиш, уларни ташиш ва қайта ишлаш жараёнида хосилдор ерлар кўлами қисқаради, ўсимликлар нобуд бўлади, тупрок эрозияси тезлашади, натижада яроқсиз ерлар майдони ошади. Бундай яроқсиз ерлар майдони XXI асрга келиб 5-6 маротаба ошиши мумкин. Бир тонна темир олиш учун 5-6 тонна маъданлар, 1 тонна рух олиш учун 80-100

тонна маъданлар, 1 тонна мис олиш учун эса 100-140 тонна маъданлар ишлатилади. Ҳозир ер юзида миллионлаб тонна металлургия тошқоллари, иссиқлик электр станцияларидан чиққан кўплаб чиқиндилар атроф-муҳитни ифлослантирумокда. Ҳисоб-китобларга қараганда, сўнгги юз йил давомида дунёда 200 млрд. тоннадан кўпроқ тошқоллар, 3 млрд. тонна куллар, 17 млрд. тонна маргимуш, 1 млн. тонна никел, 1 млн. тонна кобалт ва бошқа фойдали ва нодир элементлар чиқинди сифатида тошқоллар ва куйқумлар билан бирга чиқариб ташланган.

Ўзбекистон азалдан ер усти ва ер ости бойликларининг кўплиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Республикаизда 94 та минерал хомашё турларининг 850 та конлари топилган. Ёқилғи-энергетика конлари, тоғ маъданлари, кимёвий хом-ашёлар, қурилиш материаллари ва ер ости сув конларининг аниқланган захиралари асосида 370 та нефт ва газ конлари, шахталар, карьерлар ва 290 тадан ортиқ ер ости чучук сув оловчи иншоотлар ишлаб турибди.

Кўқдумалоқ нефт газ конденсат конининг табиий газ захираси 143,7 млрд. m^3 , нефт захираси 54,2 млн. тонна, конденсат захираси эса 67,4 млн. тоннани ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводлари йилига мос равишда 2,5 млн. тонна ва 3,5 млн. тонна нефтни қайта ишлаш қувватига эга. Муборак газни қайта ишлаш заводининг қуввати 24 млрд. $m^3/йил$ бўлиб, 8,9 млн. тонна нефт (конденсат билан биргаликда) ва 55,5 млрд. m^3 табиий газ қайта ишланади.

Республикаизда углеводород хом-ашёларининг умумий захиралари қўйидагича ташкил этади:

- ➡ газ – 1828 млрд. m^3 (башоратлар бўйича 2970 млрд. m^3);
- ➡ конденсат – 136 млн. тонна (башоратлар бўйича 175 млн. тонна);
- ➡ нефт – 103 млн. тонна (башоратлар бўйича 145 млн. тонна)

Республикаиз миқёсида 20 дан ортиқ тошқўмир конлари аниқланган бўлиб, уларнинг умумий захиралари 3499 млн. тонна деб башорат қилинмоқда. Уларнинг саноат аҳамиятига молик бўлган захиралари Ангрен, Шаргун ва Бойсунда жойлашган. Ангрен тошқўмир конининг захираси 1885 млн. тонна бўлиб, ундан йилига очик ҳолда 5 млн. тонна тошқўмир қазиб олинмоқда ва келгусида 10 млн. тоннага етказиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Шаргун ва Бойсун тошқўмир конларининг захиралари мос равишда 50 млн. тоннани ташкил этади.

Фарғона вилоятидаги Гаднауз қўнғир қўмири конининг захираси 30-35 млн. тонна деб башорат қилинмоқда.

Ёнувчан сланецларнинг ресурси 47 млрд. тонна деб башорат қилинмоқда. Уларнинг таркибида 0,04-0,164% молибден, 0,15-0,38% ваннадий, шунингдек, барий, стронций, кобалт ва бошқа нодир элементлар мавжудлиги аниқланган.

Республикаизда 33 та нодир металлар ва 32 та рангли металлар конларининг хом-ашёлари ҳисобига 16 та тоғ металлургия корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимиз миқёсида 27 та олтин ва кумуш

конлари мавжуд бўлиб, шундан 16 та олтин ва 3 та кумуш конлари аниқланган. Ҳозирги пайтда Мурунтов, Маржонбулоқ ва Камокқир каби 7 та олтин конлари ишлатилиб келинмоқда. Собиқ Шўролар даврида ер қаъридан олинадиган жами олтин миқдорининг 25,2% Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келарди. Факат Мурунтов олтин конидан йилига 50-55 тонна соф олтин олинади. Нодир металларнинг аниқланган захиралари ишлаб турган корхоналарнинг 20-30 йил ишлашини таъминланиши мумкин. Ҳозирги пайтда Қизилқум ва Тошкент атрофидаги иқтисодий минтақаларда қидирув ишлари олиб борилмоқда.

Олмалиқ тоғ металлургия комбинатининг асосий хом-ашё базасини Калмақир, Саричеку, Учкулоч, Кўрғоншикан ва бошқа мис-молибден ва қўрғошин-рух конлари ташкил этади. Ушбу конларнинг маъданлари таркибида мисдан ташқари олтин, кумуш, молибден, селен ва бошқа нодир элементлар мавжудлиги аниқланган.

Ҳозирги пайтда 5 та аниқланган вольфрам конларидан 2 таси (Койтош ва Ингичка конлари) ишлатилмоқда. 2 та вольфрам конлари (Саритау ва Саутбой конлари) ва 2 та қалай кони (Карнаб ва Зирабулоқ-Зиёутдин конлари) очилди.

Олимларимизнинг башоратларига қараганда, фосфоритларнинг захираси (асосан фосфор ангидрид) 100 млн. тонна деб баҳоланмоқда. Фосфорли ўғитлар ишлаб чиқарувчи заводлар Қозогистоннинг Коратау маъдан конларидан келтираётган хом-ашёлар ҳисобига ишламоқда.

Республикамиздаги тоғ жинсларининг комплекси ва яратилган минерал хом-ашёлари қурилиш материаллари (мармар, гранит, цемент ва б.к.)ни ишлаб чиқариш имконини беради.

Республикада минерал иссиқ сув ва саноат сувларининг захиралари мавжуд. Ҳозирги пайтда 32 та минерал сув захиралари аниқланган бўлиб, уларнинг 12 тасида дам олиш масканлари ташкил этилган. Халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондириш мақсадида 9 та сув қадоқлаш заводлари ишга туширилди. Минерал сув захиралари 8208 минг м³/суткани ташкил этмоқда. Юқори ҳароратли иссиқ сув масканлари Фарғона водийсида, Бухоро, Самарқанд ва бошқа вилоятларда топилган.

Республика миқёсида саноат сувларининг йирик захиралари (Устюрт, Жанубий Орол, Бухоро-Қарши, Сурхондарё, Фарғона артезиан ҳавзалари) очилган, уларнинг таркибида йод, бром, бор, цезий, рубидий, стронций каби элементлар мавжудлиги аниқланган. Бухоро-Қарши артезиан ҳавзасининг саноат сувлари энг истиқболли ҳисобланади.

Назорат саволлари:

1. Фойдали қазилмалар гуруҳига нималар киради?
2. Мамлакатимизда нечта нефт ва газ конлари ва уларни қайта ишлаш заводлари мавжуд?
3. Республикаимизда нечта минерал хом-ашё турлари ва уларнинг конлари мавжуд?
4. Республикаимизнинг углеводород хом-ашёлари ва уларнинг умумий

захиралари ҳақида маълумот беринг?

5. Республикаиздаги тошкўмир конлари ва уларнинг захиралари ҳақида маълумот беринг?

6. Республикаиздаги нодир металлар конлари ҳақида маълумот беринг?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. – Москва : Издательский дом “Дрофа”, 1997. – 318 с.

2. Ёрматова Д. Саноат экологияси. – Т.: 2007, – 256 б.

3. <http://www.eco.uz>

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот:

Экологик модел ва архитектура. Яшил архитектура. (2 соат)

Экологик моделлар асосида келажакда инсонлар ўзгартирувчи вакил сифатида табиатга мослашган архитектурани ривожлантиради. Чуқур таҳлилларга асосланган мужассамланган архитектура ернинг табиий қонунларига бўйсинувчи иншоотларни қуришни кўзда тутади.

Ҳар бир ёндашув ўзида конструктив¹² экологияга оид муҳим саволларни кўтаради. Иншоотлар мослашувчан бўлиб, унда яшайдиган инсонлар томонидан тўғри бошқариладиган, юқори ривожланиши бўлиши керакми? Ёки қояга ўхшаб қўзгалмас ва мослаштириб бўлмайдиган инжиқ ва универсал бўлиб, табиат жараёнига қўп заарар беришни давом этиши керакми?

Экологик дизайн – табиий экологик тизимни сунъий муҳитда, яъни архитектура, лойиҳалаш ва жамиятни жойлаштиришни жамлаган ҳолда барпо этишни кўзда тутади¹³.

Табиий тизим экологияси гамма спектрида топилган молекулалар бирлашмасидаги микробиология клеткаларидан тортиб, бизни ўраб турган бутун бир борлик космос астрофизиканинг намуна топилмалари гача шуғулланиб келади. Экологияга физик ва биологик таълимотлар тўлдирилган бўлиб, биргалиқда ўз ичига физик масштабдаги 10^{-22} метрдан 10^{24} метр масофагача ҳамда атом электрон заррачаларда ўлчанадиган наносекундлардан тортиб, галактикага оид бир неча ёруғлик йили ўлчамигача қамраб олади. Шу маънода экология – бу “табиатнинг кучи катта эканлиги”. Бугунги кунга келиб экологик рух кенгайиб, таълимнинг барча соҳалари гача чуқур кириб бормоқда ва мураккаб тизим назарияси кичик намуналарни бирлаштириб катталаштириб юбориши, доимий равишда Григорий Батесон (Gregory Bateson) айтганидек “боғланувчи андозаларни” очиб ташламоқда.

Лойиҳачилар сунъий муҳит дизайнни учун табиий тизим моделларини кашф этишда жуда катта маълумотларга эга бўлишмоқда. XIX асрда яшаб ижод этган романтик инглиз ёзувчиси Жохн Рускин (John Ruskin) архитектура музлатилган мусиқа каби деб таъкидлайди, Америкалик архитектор Луис Сулливан (Louis Sullivan) ўша шаклларни маълум вазифаларни бажаришини кўрсатиб берди. XXI аср архитектура дизайнни эса мусиқа ва шакл ҳамоҳангли асосида ғоя остида қурилиши мумкин.

Энергия оқими, модда ва инсон фаолияти парадигмалари гача қараб лойиҳалашда олдинга интилар эканмиз, айни дамда ўтмишдаги жойга нисбатан мослашувлик, динамик мураккаблик, жойлашувчанлик ва

¹² Архитектурада иншоотларнинг соддалиги, эҳтиёжга мослиги, тежамли бўлишига интилганлиги билан тушунилади.

¹³ Charles J. Kibert, Jan Sendzimir, and G. Bradley Guy (Edited by 2003) Construction ecology: nature as the basis for green buildings. London and New York - p. 231-247.

шаклланиш каби омилларга алоҳида аҳамият берамиз. Ёқилғи билан ишлайдиган иситиш, совитиш ва ёритиш воситаларидан аввалги пайтларда, ички ва ташқи муҳит боғланиш – архитектура шаклланишининг асосий манбаси ва тартиби ҳисобланган. Бундай бинолар анъана ва маданий хусусиятларни ўзида мужассам қилган бўлиб, фақатгина ўша ҳудудгагина хос бўлган. Бироқ, бугунги кунга келиб, энергия алмашиниши ва метаболизм¹⁴ – бинонинг шакли ва жойлашуви ўша жойнинг иқлимий инжиқликларига мослашувчанликдан кўра инсонларнинг жисмоний эҳтиёжларининг қондирилиши асосий восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Экологик ўйлашнинг мазмун моҳияти – амалий жиҳатдан барча инсонлар оқимлар ҳолати ва ўзгаришида қандай қилиб тўғрилашни қабул қилиши ҳисобланади.

Табиатнинг дизайнни мослашувчан дизайн ҳисобланади. Узоқ вақт оралиғида мослашувчан дизайн ривожланишга, қисқа вақт оралиғида эса ўзгаришлар ва маҳсус инновацияларга мослашишга тенглашади. Бинонинг экологик дизайнни кенг кўламдаги мослашувчан стратегияларни ҳамда интилиш, макон ва инсонлар билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади. Бунга қуидагиларни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин:

- ➡ ландшафтларнинг ўзгариши ва глобал исиш;
- ➡ тармоқлардаги муаммоларни ечиш учун бошқарувда буйруқ усулидаги бошқаришга ўтиш;
- ➡ марказлашган энергия манбаларидан тармоқланган (ёқилғи, энергетика ва ш.к.) манбаларга ўтиш.

Экологик дизайн бу худди замонавий ёки конструктивизм руҳидаги архитектура каби шунчаки ғоя, мода ва услугуб эмас. **Экологик дизайн – бу лойиҳалаш муаммосини ечиш учун илмий изланишларнинг давоми ҳисобланади.** У янги услугуб сифатида илм-фандан кутилган очиқ изланишлар жараёнини чуқур таҳлил қилишга ва танқидий фикрлашга интилади. Лойиҳаланаётган ҳар бир бино инсонлар ва макон ҳақидаги потенциал равишда текширилган гипотезалардан ўтган бўлади. Агар буюртмачи тугалланган лойиҳадан мамнун бўлса, танқидчи яратилган биноларни мақтаса ва лойиҳа қандайдир мукофотга лойиқ деб топилса – у ҳолда архитекторлар ўзларини омадли деб ҳисоблашлари мумкин.

Экологик дизайн жараён сифатида ҳеч қандай илмий услугубий қоидаларга бўйсунмайди, лекин ўта қийин тирик тизимлар архитектура харитасини тузиш бўйича ишлаш жараёнида кўплаб маълумотларга эга бўлиш имконини беради. **Экологик дизайннинг мақсади – бино ва муҳитни “экоморфик” қилиб яратишдир, яъни унинг ички тузилмасини ўхшатиш ва табиий тизим билан яхлит ҳолга келтириш ҳисобланади.** Экоморфизм табиатдан бевосита олинган архитектуравий шакл эмас. Масалан, қуш қанотига ўхшаш қилиб қурилган кўприк ёки Наутилус

¹⁴ 1) Организм яшashi учун зарур жараёнлар йиғиндиси: (анаболизм) клеткали моддалар ишлаб чиқарилиши ва бошқа моддаларнинг энергия ҳосил бўлиши учун парчаланиши (катаболизм). 2) Тирик организмларнинг яшаб қолиш жараёнида энергиядан фойдаланиши.

малюскаси қобиғига ўхшаган уйлар. Булар “биоморфизм” намуналари бўлиб, тўғридан-тўғри табиатдан кўчириб олинган шакллардир. Экоморфизм – бу архитектуравий жараёнларга чуқурроқ ёндашиш ва кенг масштабда табиатга мослашишдан иборатдир.

Архитекторлар оддий қузатишга асосланган бир неча экологик усуллар билан лойиҳаланган намуналарни яратади: бунда архитектура динамик равиша замон, макон ва инсонларга мослашган бўлади. Бу оддий чуқур маъноли иборада архитектура ушбу учта муҳим шаклларни шакллантиришга жавоб беради, лекин ҳозирги замон архитекторлари мазкур жараёнларни сезиларли даражада эътиборсиз қолдирмоқда. Кўпгина замонавий бинолар қисқа муддатли иқтисодий дастурларга асосан ва корпоратив буюртмачилар томонидан қурилади, унинг лойиҳаси эса ўзларининг архитекторлари кўрсатмасига кўра бўлади. Инсонлар охирида бино фойдаланувчилари ва эгалари бўлиб, биноларга миқдорий жиҳатдан омил сифатида киради холос, аксинча сифат юзасидан ҳамкор яратувчи, ҳақиқий истиқомат қилувчи ёки қурилиш шаклини ўзгатира оладиган агент сифатида кирмайди. Қисқа муддали ва тор ўйланган иқтисодий дастур лойиҳалашда ва лойиҳалаш жараёнида устунлик қиласи.

Бинолар мустаҳкам ўрнатилган обьект сифатида эмас, балки энергия, материаллар ва ҳолат натижасида ишлатилиш миқдорига қараб доимий равиша ўзгариб туради. Аммо, мавжуд биноларга кўп ўзгартиришлар киритишининг асосий сабабчиси бу – инсонлардир. Стюарт Брандинг (Stewart Brand) “Бинолар қандай ўрганилади: Улар қурилгандан сўнг, нималар содир бўлади” (1994 йил) асарида – “гарчи лойиҳачилар мустаҳкам ва ташки кўринишини ўзгартириб бўлмайди деб ўйлаган биноларни ҳам инсонлар доимо ўзгартиришга йўл топишади” деб таъкидлайди. Экологик лойиҳалаш жараёнига “профессионал бўлмаган” бино фойдаланувчилари ва эгаларини лойиҳалаш жараёнида фаол иштирок этиш учун таклиф қилинадилар. Экологик бинолар инсонларнинг талаб ва эҳтиёжлари, афзал қўришлари ва ёқтирмасликларига қараб мослаштириб лойиҳалаштирилади.

Ҳозирги глобаллашув даврида арzon ва мўл-кўл энергия ва материалларнинг борлиги жойнинг аҳамияти йўқдек туйилиши мумкин. Айтайлик жой топиш, аниқлаштириш муаммо эмас. Бир жой иккинчиси билан ўзаро ўрин алмашиши мумкин. Агарда биз дунёning ҳар қандай йирик шаҳарларининг марказида бўлсак, биз биламизки қаердадир марказда бўлдиқ, лекин қаерда? Архитекторлар ва уларнинг буюртмачилари томонидан бир жойни бошқасидан маданий ва моддий ҳолатига кўра фарқланувчи ҳолатларини ҳисобга олмай туриб, “яхши бўлмаган география” яратилди. “Жамият” сўзи жуда кўп ишлатилган ва ноаниқ сўздир. Бундан фарқли ўлароқ “жой” – сўзи экологик алоқалар, оқимлар, даврлар ва тармоқларнинг барчаси моддий ва маданий хусусиятларга ишора беради. Биом эса жамиятга ва экотизимга алоқадор ўзига хос хусусиятдир. Экологик юксак салоҳиятли лойиҳанинг асоси ҳам “жой” учун лойиҳалашни кўзда тутади.

Жой шаклланишининг оқими. Архитекторлар Сим Ван дер Райн ва

Кован (Cowan) 1996 йилда жой шаклланишининг оқими ҳақидаги қүйидаги фикрларни билдиришади.

Дизайн – материя, энергия ва жараёнларни шакллантириш орқали ҳоҳиш ёки талабни қониқтиришда аниқланиши мумкин. Бу халқа материаллар, энергия оқимлари, ерни фойдаланиш усуллари алмашинуви йўли орқали табиатни ва маданиятни бирлаштиради. Кўпгина ҳолларда экологик кризис – бу дизайн кризиси ҳисобланади. Бу нарсаларни қандай яратилгани, бинолар қандай қурилгани ва ландшафтлар қандай ишлатилгани натижасининг оқибатидир.

Табиатнинг доно безаги ва инсоннинг соғлом фикрли қобилияти дизайн ҳақидаги билимларни кенгайтириш учун манба бўлиб хизмат қиласди. Маълум бир жойдаги ривожланган мослашув механизми, ўсимлик ва ҳайвонот жамоалари жамиятни қандай қуриш кераклиги тўғрисида барча маълумотларни сездирмай айтиб туради. **“Табиат – бу фақатгина ишлатилиши керак бўлган манбалар омбори бўлибгина қолмай, у инсонларни дизайн бўйича дуч келиши мумкин бўлган барча масалалар ечими моделидир”**.

Барча тирик мавжудодлар атроф-муҳит шароитларига ўзларининг фаол ҳаётини мослашиши бўйича маҳсус стратегиялардан фойдаланадилар. Улар тадрижий равишда жойлашиб, ўзлари яшайдиган ҳудудда шаклланишади ва мавжудодларга хос бўлган модда ва энергия алмашишади. Масалан, чўлдаги ўсимликлар ва ҳайвонлар хаво ҳароратининг кескин ошишига, қуёш нури ва намлика мослашиши учун маҳсус стратегияларни ўзларида ривожлантиради. Палос верде (самбиттол) дарахтининг яшил мум танаси, шохлари ва бурама барглари ҳар бир очик жойдан фойдаланиб, қуёш нуридан энергия олиш учун ўз юзасини мослаштиради, аммо бундан у намликни йўқотади. Кўп учрайдиган калифорния қорадумли қуёни ўзининг ривожланган узун қулоқлари ёрдамида нафақат гўштхўр душманларини аниқлашда фойдаланади, балки ўз баданидаги ортиқча иссиқликни атроф-муҳитга тарқатиб, иссиқлик мувозанатини сақлаб туришда ёрдам беради. Ушбу мавжудодлардан бу белгиларни олган ҳолда, чўлнинг экологик лойихаланган тузилмасини ўхшаш мослашишга қўллаш мумкин, яъни бинонинг ташки юзасидан қуёш нурини электр токига айлантиришда ёки иситиш радиаторлари ва совитиш минораларини бинонинг муҳандислик коммуникация тизимлари билан интеграциялашда фойдаланиш мумкин. Дизайн учун бу ғояни ҳудди табиат бажарганидек, яъни ҳар бир қисм учун кўплаб функцияларни топиб, тизимга энг қулай шароитни яратишидир.

Инсонлар ҳам экологик мослашувга маҳсус мослашув стратегиялари билан жавоб қайтаради. Инсон умуман олганда оз муддат бўлсада яшаб қола олади, аммо ердаги кескин муҳитда инсонга фақат оддий бўлиб қолган кийим, бошпана ва олов зарур бўлади. Шунга қарамай, инсон ривожланган жамият мавжудоди сифатида, унга доимий катта тузилма керак бўлади. Бу тузилмалар экологик омиллар туфайли ҳосил бўлган кескинликларни камайтиришга йўналтирилган доимий ҳаракатдаги жараёнлар орқали ривожлантирилади. Ҳудди биологик ривожланиш каби бу мослашув жараёни

кичик масштабда илдамлик билан ҳаракатланаётган шамолнинг, қуёш нурининг энергияси ва ёғиргарчиликларнинг жўшқин оқимларида вужудга келади. Ҳар бир мослашув қадами мавжуд материаллар ва технология билан боғлиқ ҳолда ажралиб туради ва аниқ мақсадга йўналтирилган усулда бўлади.

Вақт давомида, шакл инсон мақсадлари ва маданий муҳит билан бирлашиб кетади. Шаклнинг худди сувдаги тош каби табиатга бирлашиб кетиши инсон фаолияти, маданий ривожланиш ва экологик кучлар оқимлари таъсирида шаклланади. Вақт ўтиши билан биноларнинг шакли, жойнинг ва маданиятнинг мақсадидан ажратиб бўлмайдиган ҳолатда бўлади.

Энергияни айлантириш ҳамма вақт ҳам қиммат турган. Бинонинг шакли ва юзасини қайта ишлаш, таққослаш, мўлжалга олиш, қурилиш турган жой билан боғлиқ техник таклифнинг стратегиясини ишлаб чиқишида атроф-муҳитга мослашиш, шинамлик ва функционал энг қулай шароит яратиш ҳар доим устун восита бўлган. Мисол учун, АҚШнинг жанубий-гарбдаги чўлида Пуебло аҳолиси учун атроф-муҳит таъсиrlарини камайтиришда катта тош ва дараҳтзорли ер ташкил этилган бўлиб, унда фойдали қуёш нурлари ва шамол оқимлари таъсиридан энг мақбул равишда фойдаланадиган қишлоқ қурилган.

Саноат ва технологиялар туфайли яратилган, ёқилғи талаб қиласидан машиналар ёрдамида ишлаб чиқарилган иссиқлик ва ёруғлик биноларнинг дизайнида асос бўлиб, уларни қайта шакллантириди. Биноларни қуришда қуёш нури, шамол ва ёруғлик анъанавий равищда бинонинг шакли, ташкил этувчилари ва тартибининг асосий манбаси бўлиб келган. Механик воситалар ёрдамида иситиш, совитиш ва ёритиш биноларни лойиҳалашда катта қуёш панеллари ихтиёрига ўтди. Метаболизм иқлим ҳолатига мослашишнинг бош омиллари бўлган жойлашув ва шаклни ўрнини ўзгартириб юборди. Бунинг бир оқибати шу бўлдики, дунё бўйича ёқилган ёнилғиларнинг учдан бири биноларга сарфланган. Мослашмаган биноларни иситиш, совитиш ва ёритиш учун ёқилган ёқилғилар атмосферага қўшимча оғир юқ сифатида углерод ва карбонат ангидрит миқдорларини кўпайтирмоқда.

Яхши дизайн жой ҳақидаги учта оддий саволларга жавоб излашдан бошланади. Беррий (Berry, 1987 йил) таъкидлаганидек, яхши дизайн – “Бу ер қандай? Табиат бу ерда нималарга имкон беради? Табиат қандай ёрдам беради? деб сўраш ва бирор бир стратегияни қўллашдан аввал жойнинг хусусиятлари ва жавобгарлигини яхшилаб тушуниш лозим. Бу эса диққат билан кузатиш, чукур ўйланган саволларга жавоб топиш ҳамда маҳаллий мужассамликни ва соғлом фикрли қобилиятни тўғри баҳолай олишни талаб этади. Бу саволларга жавоб, бунёд этилган биноларнинг ўша жой билан бирлашиб кета олиши ва хусусиятларида ҳамда инсонлар яхши яшаётган ўша муҳитда акс этади.

Яхши лойиҳаланмаган бинолар нафақат атроф-муҳитга заарли таҳдид солади, балки инсонларнинг соғлиғи ва хурсандчилигини ҳам емиради. Инсонларнинг табиий ва физиологик эҳтиёжлари физик кўрсаткичларнинг тор ўлчамигача камайтирилиб, иш ҳаракати охирги тортишув натижасига кўра ўлчанади.

Лойиҳалаш жараёни жамоатчилик учун ўз фикр ва ғояларини тақдим этиш имконияти бўлиб, у архитектуравий шаклда қандай намоён бўлишини хохлади.

Пульс: Оқим ва метаболизм. Биз метаболизм синоними сифатида “пульс” сўзини ишлатамиз, бу – физик ва кимёвий давр ҳамда оқимнинг организмда ҳаётни таъминлаб туришидир. Барча материаллар, тизимлар ва ўсимлик маданияти ҳам мажмуа ҳолда пульсга эга бўлади. Биноларнинг экологик лойиҳасида ёрдамчи стратегия бу табиий тизим модели ҳисобланади. Экологлар бу тизимнинг энергия ва модда алмашиниш тартибини, яъни метаболизмини ўрганишади. **Экологик модел**, яъни бир табиий тизимнинг модели ғояси ҳали тадқиқ қилинмаган янги ғоядир.

Экологик дизайн маҳсус дизайнерлик танловларни бир-бирига боғлаб, табиий тизимга таъсир қиласи ва бу жараён орқали унданда фарқли дизайннерлик танловлари ва фарқли дизайннерлик ечимлари келиб чиқади.

Британия архитектори Франк Дуффий (Frank Duffy, 1990 йил) биринчилардан бўлиб, бинолар ва пульс ичига аҳамият берган. Унинг кузатишича замонавий бинолар камида беш қатламли тизимлардан ташкил топган: жой; тузилма; сервис; ташқи юза ва материаллар; ҳар бирининг жадал ҳаётий даври ва метаболик нисбати мавжуд. Бу қисмлар турли нисбатларда эскиради. Уларнинг турлича пульси қуидаги омиллар таъсирида бўлади:

- ➡ технологик;
- ➡ маданий ўзгариш (янги лойиҳа ва ихтиrolар);
- ➡ атроф-муҳит ва об-ҳаво (оксидланиш ва ультрабинафша нурида нурланиш);
- ➡ геотехник ва экотизим (зилзила, тошқин, шаҳар жойларининг тутатилиши ва янгиланиши).

Биноларни метаболизм ва пульсини ҳисобга олиб лойиҳаланганда, учта муҳим стратегия қўлланилади: ҳаёт даврининг қиймати, декарбонизациялаш, ва дематеризациялаш.

Карбонат ангидридни чиқарилишини камайтириш, глобал исишни олдини олишда муҳимдир. Бунинг аниқ ечими эса энергия тежами ва иқлимий мослашган лойиҳалардир. Ноаникроқ ва кўпроқ қизиқарлиси бу бинонинг карбон кемаларини барпо этиш, яъни бинонинг иккинчи ташқи тирик қавати карбонат ангидридни ва бошқа токсик моддаларни ютади. Ўттиз-қирқ йиллик эскириб қолган металл ва ойнали деворлар ўрнига икки қаватли иссиқлик қайтарадиган, энергия манбаси бўлган юқори сифатли ойнавандлар қўйиш ва ташқи қаватни карбонат ангидридни ютадиган ўсимликлар ўстириш мумкин. Шаҳарга хос бўлган сунъий боғлар ўрнига ўрмонлар билан алмаштирасак бўлади. Шу орқали декарбонизациялаш стратегияси “шаҳарни кўкаламзорлаштиришда” ҳақиқий маъно касб эта бошлайди.

Дематериализация – материал ва фойдаланишни камроқ бажариб, юқори лойиҳалаш салоҳиятига эришиш мумкинлиги кўп вақтлардан бери муҳим бўлиб келмоқда.

Замонавий материаллар – пластик, алюминий, пўлат ва композитцион аралашма материаллар юқори ички энергияга эга. Агар улар қайта ишлаб чиқариш ва қайта фойдаланадиган қилиб лойиҳалаштирилса, уларнинг бошланғич метаболизми ва ҳаёт муддати ошади.

Архитектура бу санъат, лекин маданиятда санъат машҳурлик билан синоним бўлган ҳолда, архитектура санъати ўз мазмунини йўқотади.

Экологик лойиҳалаш асоси тежамкорлик ёки барқарор ҳолда сақлаб қолиш эмас. У ички ҳаракатланувчи рух – тирик дунё юрагидир.

Яшил архитектура. Ер юзидағи ҳаёт туганмас тажриба манбаидир. Аммо, Алдо Леопольд (Aldo Leopold) сўзларини батафсил шарҳлайдиган бўлсак, инсоният ер юзида унинг барча қисмларини тўла тушунмай туриб, табиат билан ўз билганича муносабатга кириша бошлади ва ўз билганича унинг устидан тузатувчи дурадгор каби уста бўлиб олди. Она ернинг пайдо бўлганига 5 млрд. йилдан ошди, бироқ инсоният пайдо бўлганига атига 3 млн. йил бўлди холос. Ер мавжуд бўлиб келган 99,94% қисмida инсоният иштирок этмаган. Кейинги 10000 йиллар давомида (қишлоқ хўжалиги инқилоби туфайли), инсонлар тахминан 5 млн. дан 7 млрд. гача кўпайди¹⁵.

Буни қарангки, 3 млн. йилда атиги 5 млн. дан кейинги 10000 йил ичida инсонлар сони 1200 мартадан ортиқ кўпайдиб кетди. Агар биз XXI аср ўрталаригача бу сонни 11 млрд. га етади деб тахмин қилсан, у ҳолда бу воқеа ер сайёраси учун чинданда катта ларзага келтирувчи оғир юқ бўлиб, ернинг табиий сифими, инсониятни таъминлай олиш қобилиятини йўқотишига олиб келади. Инсонлар ўз ақл идроки ва яратувчанлиги билан сайёрамиздаги бу юкни енгиллатиш учун кўплаб технологиялар ва техникалар яратади. Биз қаерга бормайлик, табиатнинг ажабтовур мўжизаларини топамиз. Ернинг ҳозирги геологик даври бўлмиш Кайназой эрасида, унинг ривожланиши учун энг муҳим ўзгаришлар кетма-кетлигини ўз ичига олади. Ер сайёраси ўзининг биологик ҳамда физик қонунларига эга, инсон эса бу қонунлардан алоҳида бўлиб яшашга ҳаракат қилиб келади. Ресурсларни тўхтовсиз истеъмол қилишни давом этиш ва уларнинг ўрнини чиқиндиларга тўлдириб ташлаш охир оқибат ернинг инсониятни бокув сифими қобилиятидан ўзиб кетади ва ёмон оқибатларга олиб боради.

Инсонларнинг ўйламай қилган ҳатти-ҳаракати туфайли заҳарли ва чиримайдиган моддалар ишлаб чиқарилмоқда, тупроқни заарлантириб, ҳосилларни нобут бўлишига, ҳаддан ортиқ балиқларни овлаш, саноатни ривожлантириш, манзара ва шамолларни тўсиб қўядиган улкан бинолар, яшилликдан асар ҳам йўқ жонсиз йўллар ва автомобил тураг жойлари, кимёвий ўғит ва пестисидлар ҳамда жуда кўп ичимлик суви ҳисобига сақланиб турган нотабий ландшафтлар, буларнинг ҳаммаси она сайёрамизга бевосита ҳамда тўғридан-тўғри ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Биргина АҚШнинг ўзида олсак, CO₂ чиқинди газининг 35% бинолардан чиқади.

¹⁵ Charles J. Kibert, Jan Sendzimir, and G. Bradley Guy (Edited by 2003) Construction ecology: nature as the basis for green buildings. London and New York - p. 269-283.

Кўпчилик замонавий жамиятнинг ўйламай қилаётган ҳаракатидан огоҳлантирумокда. Рейчл Карсон (Rachel Carson's) “Сокин Баҳор” (Silent Spring, 1962 йил), Паул Эхрлихс (Paul Ehrlich's) “Ўсиш суръатининг портлаши” (The Population Bomb, 1968 йил) китобларида ва Дунё кузатув давлат институти томонидан муаммолар ва тенденциялар ҳақида ахборотлар берилди, яъни дунё давлатлари йиллик баёнотида кўпчилик эътибор бермаган ёки мўжизавий равишда технологик инновациялар билан ўз ечимини топишини хоҳлаган кўплаб муаммолар ва оғишлар аёвсизларча очиб ташланди. Агар бу муаммоларнинг қанчалик жиддий экани ҳис қилиниб англаб етилганда ва бу муаммолар нафақат шахсий балки кўпчилик бўлиб, ҳал этилиши лозим эканлиги тушунилганда эди, ўшанда инсон шахсий ҳамда профессионал ҳаётида атроф-муҳитга нисбатан вижданан ҳаракат қилган бўлар эди. **Бинони ташкил этувчиликарининг ҳаётий даври** – унинг материаллари, бино турган ер майдони, нима мақсадда лойиҳалангандигига қараб, маҳаллий ҳарорат, ёғингарчилик, қуёш, шамол, ташки муҳитнинг инсоний муносабати, ўзгаришларга мослашиш ва ўзининг функционал ҳаёти охирида сақланиб қолиниши ёки унинг бутунлигича ёки айрим қисмлари қайта ишланишининг барчаси шубҳасиз – курувчилик, лойиҳаловчилик, ривожлантирувчилик (обод қилувчилик) ва ушбу бино эгаларининг кўлидадир.

Шу каби хусусиятларга қарамасдан бинолар қурилиши давом этмоқда, гўёки улар учун талаб этиладиган материалларни, чиқиндиларни ва ифлосланишини таъминлайдиган ресурслар чексиздек. Шаҳар атрофи посёлкаларини яратишида фойдали ўрмонларни ва қишлоқ хўжалиги ерларини текислаб, йўқ қилиш давом этмоқда ва уларнинг ўрнига тупроқни жонсиз ҳолга солиб қўювчи сунъий ландшафтлар барпо қилинмоқда. Ўта кетган ёмон бир мисоллардан бири – бу баҳона тариқасида “эътибор” деб аталмоқда, аммо кўплаб эътибор жамоатчиликнинг сифатли ҳаёт тарзи учунnochор ерларни таъсирига қаратилмоқда.

Барқарор ривожланишининг инкор этиб бўлмайдиган омили шундаки, инсонлар бутунлай яшил дунёга – яшаш учун тирик ўсимликларга боғлиқ ҳисобланади. Ўсимликлар бирламчи озуқа ҳисобланади, унга барча организмлар боғлиқдир. Тупроқ, сув ва ўсимлик микроорганизмлари сайёрани биокимёвий ва гидрологик даврини таъминлайди. Буларсиз, озиқ-овқат, кийим бош ва бошқача айтганда ҳаёт ҳам бўлмайди. Бошқа томондан эса, ўсимликлар яшashi учун инсонлар каби мураккаб организмларга муҳтож эмас. Айни ҳақиқатки, улар инсонларсиз ҳам гуллаб яшнаб ривожлана олади. Архитектуранинг бир намунаси сифатида шуни қўриш мумкинки, инсонларни бошпанга билан таъминлаш учун ернинг бошланғич қатламидан фойдаланган ҳолда бинолар ёрдамида инсоний муҳитга эришиш мумкин.

Грунт сувларидан юқорида жойлашган табиий ҳамда сунъий ясси тепаликлардаги ер ости иншоотлари ҳамда денгиз соҳилининг кўтарилиши эҳтимолидан вужудга келаётган табиий ландшафтлар инсон ва яшил ўсимликларнинг биргаликдаги эҳтиёжларига жавоб беради. Инсонлар ақлга

сиғмас даражада мослашувчандир. Қадимги даврларда инсонлар табиий күчлар томонидан бунёд этилган ғорларда яшаган. Бу ҳолатни қайта мослашиш ёки табиат билан ҳамкорликда яшаш деб номлансада, замонавий курилиш жамияти қарийб барча нарсалардан қайта фойдаланиш ва қайта ишлаб чиқариши ўргатиши мумкин.

Компьютер моделлари ҳатто қуёш бурчакларини, иссиқлик оқимини, куннинг босқичларини ҳамда ҳаётий даврнинг асосий ва бошқарув сарф қийматлари тан нархини ҳисоблай олади. Материал ишлаб чиқарувчи заводлар заарли чиқараётган газлар миқдори ва ички муҳитни яратиш учун ишлатиладиган синтетик аралашмалардан чиқаётган чиқинди газларни ҳисоблай оладилар. Ер юзини яшиллик ўрнига қора ранг қоплаганидаги ҳолатга таққослаб кўрганда – бу ҳаракатларнинг бари худди сўлиб бораётган яшил сояни сақлаб қолишга уринишдек. Табиий ўрмонларни йўқотиб, ўрнига ҳаддан ташқари кўп йўллар қуриш, маҳсулдор экотизим асосларига тўғри келмайдиган ҳеч қайси экологик “яшил” бинолар қуриш стратегиялари бу мувозанатни тиклай олмайди.

Дунё миқёсдаги умумий қурилиш фаолияти ҳали унчалик даражада жиддий эмас. Ҳозирги кунда ҳам дунёning айрим жойларида юқори сифатли ҳаётни сақлаб қолища етарлича яшил ер майдонлари мавжуд. Аммо, дунёning кўплаб жойлари ҳозирги пайтда кўплаб йўқотишларга чида бекемоқда ва бундан кейин ҳам бошқа ҳудудлар кўпроқ йўқотишларни бошидан кечириши мумкин.

Инсон ўзининг ҳаётини яхшилаб борган сари ўсимликлар ва ёвойи ҳайвонот дунёсига ачинмай қолади. Ҳар куни инсонни сақлаб турган атроф-муҳит ўзининг турли тоифадаги муаммоларга тўлиб бораётганини кўрсатмоқда. Ҳар куни инсон буларнинг турли белгиларини кўриб бормоқда. Бунга жиддий эътибор қаратилмаса, атроф-муҳитни “кўкаламзорлаштириш”га бўлган уриниш кенг миқёсда тўхтовсиз бўлиб боради.

Назорат саволлари:

1. Малcolm Веллснинг “Нафис архитектура” китобида қандай фалсафа кенг ёритилган?
2. Экологик дизайн нималарни кўзда тутади ва дизайн қандай аниқлаши мумкин?
3. Жоҳн Рускин ва Луис Сулливан архитектурани қандай таърифлашади?
4. Экологик ўйлашнинг мазмун моҳияти нима ҳисобланади?
5. Бинонинг экологик дизайнни қандай жараёнларни ўз ичига олади ва экологик дизайннинг мақсади нима ҳисобланади?
6. Экоморфизм ва метаболизм деганда нималарни тушунасиз?
7. Стюарт Брандинг “Бинолар қандай ўрганилади: Улар қурилгандан сўнг, нималар содир бўлади” асарида нима таъкидланган?
8. Яхши дизайн қандай саволларга жавоб излашдан бошланади?
9. Экологик модел қандай ғоя?

10. Франк Дуффий таърифи бўйича пульс қандай омиллар таъсирида бўлади?

11. Алдо Леополд сўзларини шарҳлаб беринг?

12. Бинони ташкил этувчиларининг ҳаётий даврига нималар киради?

13. Барқарор ривожланишнинг инкор этиб бўлмайдиган омили нима ҳисобланади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Charles J. Kibert, Jan Sendzimir, and G. Bradley Guy (Edited by 2003) Construction ecology: nature as the basis for green buildings. London and New York - p. 303.

2. David C. Coleman (2010) Big ecology: the emergence of ecosystem science. University of California Press. Berkeley, Los Angeles, London - p. 236.

3. И.А.Каримов. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. – Москва : Издательский дом “Дрофа”, 1997. – 318 с.

4. <http://www.blackwellpublishing.com>

2–амалий машғулот:

Жаҳонда энергия ва ресурс тежамкорлик бўйича умумий ҳолат. Бино ва иншоотларда энергия талаби ва иссиқлик таъминотини сақлаш. (2 соат)

Хорижий ва маҳаллий мутахассисларнинг баҳолаши бўйича дунёда экологик аҳволнинг яхшиланиши ва аҳолининг саломатлигини сақланишининг асосий йўналишларидан бири табиий энергетик ресурсларни истеъмол қилиш даражасини пасайтириш ҳисобланади.

Бино ва иншоотлар қурилиши соҳаси – мамлакатимизда ва хорижий давлатларда ҳам асосий энергия истеъмолчиларидан биридир. Мамлакатимизнинг ёқилғи-энергетик ресурслари бўйича бир йилдаги барча талабининг 15-20% шартли равишда мамлакатимиздаги бино ва иншоотлар мажмуаларининг талабига сарфланади. Жаҳонда энергия танқислиги ва энергия ташувчининг нархи ўсишининг кучайиб бораётган шароитида энергия талабини пасайтирилиши барқарор ривожланиш қоидаларига, яъни экологик барқарор (ўз-ўзини қувватлаш) ижтимоий-иктисодий ривожланишга тўлиқ жавоб беради.

Энергия тежамкорлик – энергия ресурсларини ниҳоятда тежаб-тергаб сарфланишини кўзда тутади. Тасодиф эмаски, шунинг учун 1992 йил Рио-де-Жанейро шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўтказилган конференциясида ва кейинги саммитларида жаҳон миқёсида энергияни тежаш ва уни юқори даражада самарали ишлатилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Энергия тежамкорлик жамиятни барқарор ривожланишининг асосий йўли ҳисобланади. Бу қуйидаги бир неча сабаблар билан тушунтирилади:

1. Табий органик энергия ресурсларининг тугаётгани;
2. Табий энергия ресурсларининг баҳоси кескин кўтарилиши;
3. Табиат мажмуаларига ва табий экологик тизимларга салбий антропоген таъсирнинг сезиларли кучайишида энергия талабининг ўсиши кузатилади.

Европа, АҚШ, Япония ва бошқа давлатлар 1970 йилларда жаҳондаги энергия танқислигидан кейин мамлакатни иқтисодий ривожланишида энергия тежамкорлик муаммоларига юқори даражада эътиборни қаратишиди. Муҳимлик даражаси сифатида янги энергия ресурсларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эмас, балки энергия тежамкорликга йўналтирилган концепция эътироф этилди. Ушбу концепцияни амалга ошириш натижасида 1990 йилларнинг ўрталарида Европа, АҚШ, Япония давлатларида йиллик энергия сарфи ўртача 30-40% га пасайди.

Энергиянинг нархи кескин ошиши билан энергия тежамкорлик бўйича ташкилий жараёнлар бошланди. Энергия тежамкорлик мамлакатларнинг энергетик стратегиясида асосий йўналиш сифатида расмий эътироф этилди. Шу боис, 1997-1998 йиллардан бошлаб иқтисодий ривожланган хорижий мамлакатларда ва республикамизда энергия тежамкорлик бўйича узок муддатларга мулжалланган мақсадли дастурлар қабул қилинди.

Маҳаллий турар жой қурилиш мажмуаларида бир неча кўринишда энергия ташувчилар ишлатилади, жумладан органик ёқилғи, электр энергия ва иссиқлик энергияси. Энергиянинг жиддий йўқолиши ишлаб чиқариш ишларининг барча босқичларида, яъни ёқилғини юклашдан бошлаб, қурилиш ва майший турар жой мақсадларида унинг ишлатилишигача кузатилади. Масалан, майший турар жой секторида ишлатилаётган марказий иссиқлик таъминотининг эскирган технологияси энергия ташувчиларни сезиларли йўқолишига олиб келади.

Қурилиш тармоғида энергиянинг йўқолиши таҳлил қилинганда, газни йирик истеъмолчиларидан бири қурилиш материаллари саноати энергия тежамкорликнинг чекланмаган имкониятларини кам ишлатмоқда. Масалан, шиша ишлаб чиқариш бўйича заводларнинг фойдали иш коэффициенти кўпинча 35-40% дан ошмайди, ғишт заводларида ва керамик буюмларни ишлаб чиқариш бўйича корхоналарнинг куритиш қурилмаларида иссиқлик йўқотилиши 52% ва қиздириш қўрасида 63% га етиб боради. Цемент клинкерини (куйдириб тошга айлантирилган цемент) нам усулдаги технология бўйича олишда жуда катта микдордаги иссиқлик чиқаётган газлар билан биргаликда атроф-муҳитга кетади.

Ҳозирги пайтда қурилиш соҳасидаги ишлаб чиқаришнинг деярли барча турлари учун энергия тежамкор, иссиқликни фойдаланишга тиклаш қурилмалари ишлаб чиқилган. Қурилиш тармоғи ва уй-жой коммунал хўжалиги корхоналарининг энергия самарадорлик даражаси ва бошқа иссиқлик ўтказмайдиган чоралари қабул қилинган.

Жаҳон амалиётида мамлакатнинг индустрисал ривожланиши шуни кўрсатмоқдаки, энергия талаби фақат турар жой секторига жиҳозларни ва материалларни ишлатиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг энг янги

технологияларини жорий этиш орқали ҳеч бўлмаганда икки мартага қисқартирилиши мумкин.

Қурилиш соҳасида энергияни самарасиз йўқолишини аниқланишининг асосий омилларига қуйидагилар киради:

- ◆ қурилиш индустряси ва қурилиш материаллари саноатида кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга ва энергия йиғувчи материалларни (ғишт, керамзитли бетон ва б.к.) ишлатишга йўналтириш;
- ◆ бинонинг иссиқлик ўтказмайдиган даражаси паст бўлган тўсиқ конструкцияларни қўллаш;
- ◆ бинонинг мухандислик жиҳозлари ва иссиқлик таъминоти техник тизимларининг номукаммаллиги;
- ◆ ҳажмий лойиҳалашни, конструктив қарорларни ва шаҳарсозлик усулларини самарасиз ишлатиш;
- ◆ энергия таъминоти тизимишининг ноанъанавий ривожланиши етарли даражада эмаслиги.

Энергия тежамкор ишлаб чиқаришга ўтиш нафақат иқтисодий муносабатларни ва технологияларни такомиллаштиришни ислоҳ қилиш, балки барча ҳаёт кўринишини ўзгартиришни ва янгича фикрлашни ривожлантиришни талаб этади. Жаҳонда ҳозирги экологик ҳолат ҳисоби билан энергия ва ресурс тежамкор технологияларнинг муқобили мавжуд эмаслигини доим эсда тутиш лозим.

Бино ва иншоотларда энергия талаби ва иссиқлик таъминотини сақлаш. Архитектура ва қурилиш амалиётида бино ва иншоотларни иссиқлик билан таъминлашга сарфланадиган иссиқлик-энергия ресурсларини иқтисод қилиш муаммосига жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Кўпчилик иқтисодий ривожланган мамлакатларда бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини оширишга катта имконият мавжуд. Бино ва иншоотлар учун энергия ресурслари харажатларининг ўсаётган таърифлари жиддий иқтисодий юқ бўлиб юзага келмоқда. Айнан шунинг учун кўпгина давлатларнинг ривожланиш дастурида бино ва иншоотларда энергия талаби ва иссиқлик таъминотини сақлаш муҳим мавзу бўлиб қолди¹⁶.

Замонавий бино ва иншоотлар иссиқлик самарадорлигини ошириш бўйича жуда катта захираларга эга бўлмоқда.

Ўтган замонларда бино ва иншоотларнинг энергия талаби аниқловчи кўрсаткич бўлмаган бўлиб, лойиҳа сифатининг устун мезони бўлган. Ўтган вақт оралиғида бино ва иншоотларда энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш ўзгартирилди ва кенгайтирилди. 1990 йиллар бошланишига қадар, энергия самарадор бино ва иншоотларни қурилиши бошидан бошланишида энергияни иқтисод қилиш бўйича тадбирларни ўрганиш асосий қизиқишига эга бўлган. 1990 йилларнинг ўрталарида эса микроиқлим сифатини бир вақтнинг ўзида оширишга ёрдам берган энергия

¹⁶ Биноларни энергия самарадорлиги соҳасида Ўзбекистон-Норвегия хамкорлиги доирасида “Ўзбекистонда биноларни энергия аудити” ва “Кадрлар салоҳиятини ривожлантириш бўйича – натижалар ва мақом Норвегия дастури” ахборот семинарининг материаллари. Тошкент, 05.03.2014. www.eenor.uz, www.ensi.no.

тежамкор қарорларга муҳимлик даражаси берилган.

Қурилишда энергия самарадор ва экологик тоза технологияларнинг турли концепциялари асосида лойиҳалаштирилган ва қурилган микро туманлар, ҳаттоқи архитектура қурилиш майдонлари ҳамда катта миқдорда бино ва иншоотлар пайдо бўлди. Ушбу концепциялар ўзининг номланиши белгиланган. Улардан энг кўп таниқли бўлгани қўйидагилар ҳисобланади:

- энергия самарадор бино ва иншоотлар;
- энергия талаби паст бўлган бино ва иншоотлар;
- энергия талаби ультра (ўта) паст бўлган бино ва иншоотлар;
- энергиядан фойдаланиш нол бўлган бино ва иншоотлар;
- суст бино ва иншоотлар;
- биоиклимий архитектура;
- бақувват бино ва иншоотлар;
- “ақлий” бино ва иншоотлар;
- заковатли бино ва иншоотлар;
- юқори технологияли бино ва иншоотлар;
- экологик холис бино ва иншоотлар.

Адабиётларда ушбу концепцияларнинг ҳар бирiga аниқлик киритишга ҳаракат қилинган. Қийинлиги шундаки, битта қурилиш обьектида қоидага мувофиқ, бир вақтнинг ўзида бир неча ҳар хил концепцияларни амалга оширилаётганини кўрсатиш мумкин. Бу ерда, адабиётлардаги маълумотларга асосланган ҳолда юқорида қайд этилган концепциялар бўйича энергия самарадор ва экологик тоза бино ва иншоотларни аниқлашга уриниб кўрамиз.

Энергия самарадор бино ва иншоотлар. Бино ва иншоотларда энергия ресурсларини самарали ишлатилиши техник амалга ошадиган, иқтисодий асосланган, ижтимоий ва экологик нуқтаи назардан мақбул ҳамда дастлабки ҳаёт кўринишини ўзгартирмайдиган инновация қарорларини қўлланилиши ҳисобидан эришилади. Энергия самарадор бино ва иншоотларга паст энергия талаб қиласидиган ва нол энергия талаб қиласидиган бино ва иншоотлар тегишли бўлиши мумкин.

Энергия талаби паст бўлган бино ва иншоотлар. Ушбу бино ва иншоотларда анъанавий манбалардан энергия талабини пасайишига сезиларли таъсир кўрсатадиган ноанъанавий (қайта тикланадиган) энергия манбаларини қўлланилиши бўйича маҳсус тадбирлар кўзда тутилган.

Энергия талаби паст бўлган бино ва иншоотларнинг қоидалари: ноанъанавий (қуёш, грунт ва ш.к.) энергия манбаларини ишлатилиши, тўсиқ конструкцияларни супер изоляцияси, сўриб олинадиган ҳавонинг иссиқлигини ва канализациядан оқиб тушадиган иссиқликни фойдаланишга тиклаш, умумий майдоннинг энергия талаби кўпи билан $15 \text{ Вт}/\text{м}^2$.

Биоиклимий архитектура. Архитектуранинг йўналишларидан бири ёрқин ифодаланган ойнали муфассаллик ишлатилганлик ҳисобланади. *Биоиклимий архитектура* – қурилишда нисбатан кўриниши ёшdir. *Биоиклимий архитектуранинг асосий қоидаси* – табиат билан ўзаро мослиги ва уй-жой биноларини табиатга яқинлаштиришга интилишdir.

Бақувват бино ва иншоотлар. Ушбу бино ва иншоотларнинг муҳимлилик даражасига энергия тежамкор технологияларни танлашда техник қарорлар, яъни бир вақтнинг ўзида экологик тоза қурилиш материаллари қўлланилганлиги билан қурилган биноларни микроиқлимини яхшилашга ва атроф-муҳитини муҳофазалашга ёрдам бериш ҳисобланади.

Ақлий бино ва иншоотлар. Ушбу бино ва иншоотларнинг муҳимлилик даражасига компьютер технологияларини қўллаш асосида хоналарда ва тўсиқ конструкцияларда иссиқлик ва масса оқимларини оптималлаштириб, иссиқлик таъминоти ва иқлим яратилганлиги ҳисобланади.

Юқори технологияли бино ва иншоотлар. Ушбу бино ва иншоотларда энергия иқтисодига, микроиқлим сифатига ва экологик хавфсизлигига кучли фикрлаш қоидалари ва ноу-хауга асосланган техник қарорларнинг ишлатилиши ҳисобидан эришилади.

Яшовчан бино ва иншоотлар. Ушбу бино ва иншоотлар атроф-муҳит ва инсон билан экологик мувозанатда жойлашган бўлади. Яшовчан бино ва иншоотларнинг таърифлари 1-, 2- ва 3-чизмаларда кўрсатилган.

Яшовчан бино ва иншоотлар экологик тоза қайта тикланадиган энергия манбаларини ишлатилиши имкониятини, талаб этиладиган энергияни энг мақбул ишлатилишини, сув ресурсларини сақланишини, такроран ишлатиладиган қурилиш материалларини қўлланилишини, инсонни ўраб турган атроф-муҳит сифатини яхшилашни ўрганишни ўз ичига олади.



1-чизма. Энергетик холис бино ва иншоотлар.

1) Энергетик холис бино ва иншоотлар – талаб этиладиган энергиянинг сони ва сифати атроф-муҳит ҳолатини сезиларли бузилишини келтириб чиқармайди.



2-чизма. Суви холис бино ва иншоотлар.

2) Суви холис бино ва иншоотлар – талаб этиладиган сувнинг сони ва сифати атроф-муҳит ҳолатини сезиларли бузилишини келтириб чиқармайди.



3-чизма. Холис қурилиш материалларидан бино ва иншоотлар.

3) Холис қурилиш материаллари: ишлаб чиқарилиши атроф-муҳит ҳолатини сезиларли бузилишини келтириб чиқармайди; хонанинг микроиқлим нисбатига таъсири экологик тоза ҳисобланади; такроран ишлатилиши мумкин.

Бироқ, ушбу муаммоларнинг алоҳида жиҳатларини ўрганиш етарлича эмас бўлиб кўринади. Жумладан: бинони ва атроф-муҳитни ҳамда уларнинг экологик ва энергетик ҳолатини тўлиқ мажмууда ўрганиш зарур. Бу эса қурилишнинг назарий ва амалий бош мақсади ҳисобланади.

Ушбу ўрганишнинг натижасида ҳар қандай шароитда қурилиш тармоғини бузадиган баъзи бир “чегаравий ҳолат” аниқланиши мумкин. Бу “чегаравий ҳолат” сув ресурсларининг талаби ва ифлосланиши, “иссиқхона самараси”га келтирадиган газларни чиқарилиши, қурилиш ва майший чиқиндилар ва ҳ.к.ларни ўз ичига олади. Мазкур кўрсаткичлар турар жой

тумани лойиҳаларининг экологик ва энергетик самарасини баҳолашда аниқловчи бўлади.

Замонавий бино ва иншоотларни лойиҳалаш концепциясининг асосига инсоннинг ҳаёти сифатига бевосита таъсир кўрсатадиган атроф-муҳит инсонни ўраб турган сифатга уй каби ва худди шу каби инсоннинг иш ўrniga ёки умумий фойдаланадиган жойларга шаҳар ва туманларнинг асосини ташкил этувчи ғояси сифатида ётади.

Бундай ижтимоий жиҳатларни ажратилиши инсонларнинг маънавий ва моддий талаблари асосида архитектура ва қурилиш ривожланаётганинг эътироф қилингани ҳисобланади.

XXI аср архитектураси ва қурилиши учун энг асосий ғоя – инсон фаолиятида табиат пассив муҳит эмаслигини тушунишdir. Бунинг натижасида қурилиш учун энг юқори шинам қўрсаткичларга эга янги табиий атроф-муҳит яратилиши мумкин ва худди шу вақтда бино ва иншоотларнинг иқлими тизими учун энергетик манба бўлади.

Назорат саволлари:

1. Жаҳонда энергия ва ресурс тежамкорлик бўйича умумий ҳолат қандай?
2. Энергия тежамкорлик қандай сабаблар билан тушунтирилади?
3. Қурилиш соҳасида энергияни самарасиз йўқолишини аниқланишининг асосий омилларига нималар киради?
4. Қурилишда энергия самарадор ва экологик тоза технологияларнинг турли концепциялари қандай номланган?
5. Энергия самарадор бино ва иншоотларга таъриф беринг?
6. Энергия талаби паст бўлган бино ва иншоотларга таъриф беринг?
7. Биоиклимий архитектура деганда нимани тушунасиз ва унинг асосий қоидаси нимадан иборат?
8. Бақувват бино ва иншоотларга таъриф беринг?
9. Ақлий бино ва иншоотларнинг муҳимлик даражаси нима ҳисобланади?
10. Юқори технологияли бино ва иншоотларга қандай эришилади?
11. Яшовчан бино ва иншоотлар қандай таърифланади?
12. XXI аср архитектураси ва қурилиши учун энг асосий ғоя деганда нимани тушуниш керак?

Фойдаланилган адабиётлар:

5. Charles J. Kibert, Jan Sendzimir, and G. Bradley Guy (Edited by 2003) Construction ecology: nature as the basis for green buildings. London and New York - p. 303.
6. David C. Coleman (2010) Big ecology: the emergence of ecosystem science. University of California Press. Berkeley, Los Angeles, London - p. 236.
7. И.А.Каримов. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. – Москва : Издательский дом “Дрофа”, 1997. – 318 с.

З-амалий машғулот:

Қурилиш жараёнидаги талаблар. Қурилиш тизимлари ва техногенези түғрисида асосий тушунчалар. Бино ва иншоотларга иқлим таъсири ва умрибоқийлик. (4 соат)

XIX аср бошларида ер шарыда 750 шаҳар бўлган бўлиб, 1950 йилда уларнинг сони 276000 дан ошиб кетди. Шаҳарларда аҳолининг яшаси 1950 йилда 30% ва 2015 йилда эса 50-70% кўпайиши кузатилган.

Қурилиш экологиясида лойиҳалаштириш, қурилиш ва қурилиш объектларини фойдаланишда экологик қарорларни илмий асосда амалиётда қўлланилиши талаб этилади.

Қурилиш – моддий ишлаб чиқаришнинг йирик тармоқларидан бири бўлиб, турли мақсадлардаги бино ва иншоотларни қуриш ва қайтадан таъмирлаш, фойдаланиладиган ҳудуд билан бирга қурилаётган бино ва иншоотлар кенг маънода яратувчанлик жараёнидир.

Тугалланган ва фойдаланишга топшириш учун тайёрланган ишлаб чиқариш корхоналари, тураг-жойлар, жамоат бинолари, иншоотлар ва бошқа объектлар қурилиш маҳсулотлари ҳисобланади.

Дунё бўйлаб жуда кўп иншоотларнинг табиий шароитини ҳисобга олмасдан қурилиши натижасида, бир неча фалокатларнинг рўй бериши, айrim иншоотларнинг эса табиатга кучли салбий таъсири оқибатида қатор экологик муаммоларнинг юзага келиши лойиҳаларнинг экологик экспертизадан ўтказиш шартлигини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикасида ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб, йирик иншоот ва объектларнинг лойиҳалари экологик экспертизадан ўтказила бошланди. Йирик иншоотлар қурилишининг майдони 250-500 гектарни ташкил этади. Транспорт воситалари учун меъёр бўйича бир томонлама ҳаракат қиласидан йўлнинг кенглиги 3,5 метр, икки томонлама ҳаракат қиласидан йўлнинг кенглиги эса 6 метр бўлиши керак. Транспорт воситалари қайтадиган йўлнинг радиуси 10 метр ва бошқа катта ҳажмли автомобиллар учун 12 метрдан кам бўлмаслиги лозим.

Қурилиш жараёнини ташкил этиш талаблари қуйидагилардан иборат:

- ➡ **ёнма-ён** – қурилиш жараёнида иштирок этадиган барча омилларнинг бир вақтнинг ўзида бўлиши;
- ➡ **тежсаиш** – қурилиш жараёнида керак бўлмаган ҳаракатларни ва усулларни қисқартириш. Масалан: ишчилар сони, машина ва механизмлар, асбоб-ускуналар ва х.к.;
- ➡ **узлуксизлик** – қурилиш жараёни иштирокчиларининг вақт бўйича узлуксиз тартибда ўз вазифасини бажариши билан баҳоланади. Буни таъминлашни иш унумдорлигининг ошишига олиб келади;
- ➡ **режсалаштирмоқ ва огоҳлантирмоқ** – бунда асосий ва қўшимча ишларни қатъий тартибини ва вақтини белгилайди;

► иичи ва унинг ҳаракатланишига қулай ҳолат – бу меҳнат физиологияси қонуниятларига асосланади;

► иичининг бажарадиган ишига мувофиқ келиши – бу ишчининг руҳий, малакавий, касбий билимлари бўйича бажарадиган иш табиатига мос келишидир. Амалиётда касбига меҳр қўйиш деган ибора ишлатилади. У айни юқоридаги талабдан келиб чиқиб қўлланиладиган тушунча;

► меҳнат тезлигининг энг қулайлиги – бу бирлик бажариладиган ишга энг кам ақлий ва жисмоний энергия сарфини ишлатиш билан эришилади, маҳсулот етиширади ва ш.к.

Қурилишга майдон танлаш бўйича қуидагиларга аҳамият берилиши лозим:

- табиий (топографик, геологик, иқлим) шароит;
- транспорт шароити;
- ишлаб чиқариш билан асосий ва технологик боғланиш;
- қурилиш учун яроқли ер майдони танланиши;
- қурилиш майдонининг баланд-пастликлари, геологик ва гидрологик (грунт, сизот сувларининг мавжудлиги, эҳтимолий сув босиши, сув тошқини, ер кўчишлар) сув ва энергия таъминоти;
- қурилиш майдонини магистрал транспорт йўллари билан боғловчи йўллар мавжудлиги;
- қурилиши мумкин бўлган бинонинг ривожланиши ва истиқболи.

Қурилиш майдони учун ер ажратиш икки босқичда амалга оширилади. Олдиндан обьектнинг жойлашиши ва мўлжалланган ўлчамлар асосида майдон келишиш учун белгиланган тартибда расмийлаштирилади, бу лойиха қидирав ишларини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Ундан сўнг тасдиқланган лойиха асосида қурилиш бошланишидан олдин ер майдонларини ажратиш тўғрисида якуний қарор расмийлаштирилади.

Лойиҳалаш иши. Лойиҳалаш ишини бажарилиши таърифи бўйича лойиҳа олди ва лойиҳа босқичларига бўлинади. Қурилишнинг лойиҳа олди босқичида моддий ресурслардан комплекс фойдаланиш чизмалари, техник иқтисодий асослаш ёки техник иқтисодий ҳисоб амалга оширилади. Лойиҳа ишлари босқичи техник иқтисодий асослаш ҳисобини тузиш ва тасдиқлагандан кейин амалга оширилади. Техник иқтисодий асослаш буюртмачининг топшириги бўйича бош лойиҳачи ташкилот томонидан амалга оширилади. Бош лойиҳачи барча тегишли (қизиқувчи) ташкилотларнинг ижобий хulosасини олиши лозим. Лойиҳанинг қисмлари аниқ ва тугалланган бўлиши керак.

Қурилиш лойиҳаси қуидаги қисмлардан иборат бўлади:

- тушунтириш ёзуви;
- табиий шароит;
- иқтисодий қисм;
- асосий иншоот;
- қурилишни ташкил этиш;
- смета ҳужжатлари;
- лойиҳа паспорти;

- ➡ ишга тушириладиган комплекслар.

Тасдиқланган лойиҳа ишчи хужжатларни ишлаб чиқишида объектларнинг қурилиш архитектура қонун-коидалари аниқлаштирилади, қурилишни бажариш хужжатлари кенгайтирилади. Қурилиш амалиётида ва лойиҳалашда кўпроқ наъмунавий лойиҳаларни ишлатишга ҳаракат қилинади, чунки бунда лойиҳалаш ишларининг қиймати маълум даражада камаяди. Бу умумий қурилиш ишларида тахминан 90-95 % ташкил этади.

Лойиҳалашнинг умумий қоидалари бўйича аҳоли яшаш жойи қуйидаги функционал зоналарга бўлинади: сел олиш, саноат-коммунал, ташки транспорт.

Объект ёки мухандислик иншооти жойлашган ҳудуд тўғрисидаги маълумотларда қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

1. *Объект ёки иншоот тўғрисидаги маълумотлар.*

- ➡ объект иншоотининг майдони, баландлиги, чуқурлиги, қисмлари, қурилиш муддатлари, фаолияти, маҳсулоти, хом-ашёлари. Масалан, объект фойдали қазилма кони бўладиган бўлса қуйидаги маълумотлар тақдим этилади: фойдали қазилма турлари, захираси, майдони чуқурлиги, қазиб олиш усуллари (очик, ёпик);

- ➡ чиқиндилар ҳажми ва улар эгаллайдиган майдон, ёрдамчи иншоотларнинг жойлашиши, шахтанинг йиллик қуввати (млн.тонна);

2. *Табиий географик маълумотлар.*

- ➡ объект ёки мухандислик иншооти ҳудудининг географик жойлашиши;

- ➡ ҳудуднинг геологик тузилиши, яъни мазкур жойда тарқалган тоғ жинслари;

- ➡ ҳудуд ер юзасининг тузилиши, асосий паст-баландлиги (рельеф) шаклларининг жойлашиши;

- ➡ ер ости сувлари, уларнинг сатҳи ва уларнинг шўрлиги;

- ➡ ер юза сувлари (дарё, қўл, ботқоқ ва ш.к.), уларнинг сув сарфи, меъёри, минераллашиш даражаси, ҳудуднинг иқлими, ҳудудда тарқалган асосий тупроқ қатламлари, уларнинг шўрланиш даражаси;

- ➡ ўсимлик қоплами ва уларнинг турлари, ҳайвонот дунёси, асосий ландшафт турлари.

3. *Иқтисодий географик маълумотлар.*

- ➡ объект ёки мухандислик иншооти ҳудудининг иқтисодий жойлашиши, яъни йирик транспорт йўлларига яқин ёки узоқлиги;

- ➡ ҳудуд аҳолисининг сони, жойлашиши;

- ➡ ҳудуднинг табиий ресурслари ва улардан фойдаланиш даражаси;

- ➡ ҳудудда жойлашган саноат корхоналари;

- ➡ ҳудудий қишлоқ хўжалиги, асосий дәхқончолик экинлари, яйловлар, ҳудуд транспорт, ёкилғи ҳамда электр энергия, сув таъминоти.

4. *Экологик муаммолар.*

- ➡ табиий мұхитнинг ифлосланишига таъсир этадиган омиллар;

- ➡ табиий омиллар (шамол, сурима, зилзила, сел, сув тошқинлари ва ҳ.к.), сунъий омиллар (завод, фабрика, коммунал хўжалик корхоналари, қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган ўғит, пеститсидлар ва ш.к.);
- ➡ атмосферага чиқариладиган чиқиндишлар;
- ➡ сувнинг ифлосланиш даражаси;
- ➡ тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёсининг ўзгариши;
- ➡ аҳоли саломатлиги, кенг тарқалган касалликлар ва уларнинг сабаблари.

Қурилишда хавфсизлик. Вақтинчалик ўтказилган электр кабелларининг ерга кўмилиши, бунинг иложи бўлмаган тақдирда иш жойларида 2,5 метр, ишчилар ўтадиган жойларда эса 3,5 метр ва транспорт воситалари харакатланадиган жойларда эса 6 метр баландликка кўтарилиши лозим.

Қурилиш жараёнида амал қилиниши лозим бўлган баъзи хавфсизлик чоралари қўйидагилардан ибрат:

- ➡ қурилиш бошланмасидан олдин майдон атрофини тўсиқлар билан ажратиш;
- ➡ қурилишдан олдин ходимларни техника хавфсизлик қоидалари билан таништириб чиқиш;
- ➡ қурилиш майдонини 24 соат назорат қиласидан қоровулнинг бўлиши;
- ➡ қурилиш ходимларининг бошини ҳимоя қилувчи бош кийимларни кийиши;
- ➡ қурилиш жараёнида ходимларнинг маҳсус уст ва оёқ кийим кийишлиари;
- ➡ монтаж жараёнида маҳсус белбоғларни тақиши;
- ➡ мухандислик коммуникация ва техника хавфсизлигини таъминлаш;
- ➡ ишчи ходимлар учун овқатланиш жойи (ошхона) мавжудлиги ва Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази талабларига тўлиқ жавоб бериши;
- ➡ ишчи ходимларнинг ишдан сўнг ювениш хонасининг, кийим алмаштириш хонасининг мавжудлиги ва талабларга жавоб бериши;
- ➡ қурилиш майдонидаги автотранспорт ва уларнинг резина камерали ғилдиракларини ювадиган маҳсус жойлар бўлиши;
- ➡ қурилиш майдонига вояга етмаган фуқароларнинг ва тегишли гувоҳномаси бўлмаган бегона машиналарнинг киритилмаслиги ҳамда бунинг назорат қилиниши;
- ➡ фавқулотта вазиятлар учун керакли миқдордаги дори-дармон кутиларининг мавжудлиги.

Қурилиш жараёнида сув сарфи ҳақида тушунча. Қурилиш соҳасида сувлар асосан гидротехника иншоотлари мажмуалари, сув йўллари, каналлар орқали амалга оширилади¹⁷.

Қурилишда сув сарфи деб, қурилиш жараёни даврида сув йўлидан

¹⁷ Neil S. Grigg (2003) Water, wastewater, and stormwater infrastructure management. USA - p. 243.

ўтиб турадиган сув сарфи тушунилади. Қурилиш сув сарфини ўтказиш чораларини белгилашга бир қанча омиллар таъсир этади. Жумладан, жойнинг гидрогеологик, геологик, литологик шароитлар, дарё сувидан комплекс фойдаланиш, иншоот материали, қурилиш муддати, иншоотлар жойлаширилиши, иншоот турлари ва уларнинг жойлашиш сатхлари, сув босими.

Қурилишда сув сарфини ўтказиш услублариға қуйидагилар киради:

1. Дарёлар ўзанидан ташқарида жойлашган ташлама иншоотлар – новлар, доимий ёки муваққат каналлар ва тунеллар ҳамда қувурлар орқали ўтказиш;
2. Асосий иншоотлар ва тўсиқлар – тош ташлама ва ҳар хил сув ташлаш тешиклари орқали ўтказиш;
3. Иншоотни тасдиқлаб қуришда дарё ўзанининг бир қисми орқали ўтказиш.

Қурилишда сув сарфини ўтказиш услублариға таъриф қуйидагича:

1. Сув сарфини ўтказиш катта бўлмаган ўрта ва кичик дарёлар учун қўлланилади. Уларни қурилишнинг қулайлиги бир мартада қуриб битказиш имконининг мавжудлигидир.
2. Новлар орқали қурилиш сув сарфини ўтказиш дарё ўзанини торайтириш имконияти кам ва мақсадга мувофиқ бўлмаган, сув сарфини кўп бўлмаган ($30 \text{ м}^3/\text{сек}$) ва тор ўзанли жойларда қўлланилади.
3. Сув ўтказиш каналлари топографик ва геологик шароити қулай бўлган жойларда қурилиш сув сарфини ўтказиш учун қўлланилади. Улардан фойдаланиш сув сарфи $2000 \text{ м}^3/\text{сек}$ бўлган дарёларда синаб кўрилган.

Қурилишда тўсиқлар. Қурилиш майдони аввал ташқи муҳитдан тахта тўсиқлар ёрдамида ажратилилади. Тўсиқларнинг баландлиги 1,6 метрдан паст бўлмаслиги, кириб-чиқиши учун дарвоза ўрнатилиши лозим. Чунки қурилиш жараёни ташқи муҳитга зиён етказмаслиги керак.

Қурилиш обьектида инсонлар ўтадиган жойлардаги пойдевор ётқизиш учун қазилган чукур ва чуқурликлар бирор бир кишининг тушиб кетмаслиги учун тўсиқлар билан ўралади. Кўприк ён томонларидағи тўсиқларнинг баландлиги 1 метрдан паст бўлмаслиги лозим.

Омборлар. Қурилиш майдонида қурилишга келадиган материал – техник ресурсларни қабул қилиш, уларни сақлаш, тақсимлаш ва ишлаб чиқаришга бериш мақсадида омбор хўжалиги ташкил этилади. Омбор бажарадиган вазифаси ва сақланадиган ресурсларнинг хусусиятларига боғлиқ ҳолда марказий (базис) обьект махсус ва оралиқ турларга бўлинади. Базис омборлари бутун қурилиш обьекти учун хизмат қиласи. Унда сақланадиган нарсалар кўп миқдорда сақланиши мумкин. Объект омборлари жорий ишлар, қурилишлар учун хизмат қиласи. Махсус омборлар ёқилғи портловчи моддаларни сақлаш учун хизмат қиласи. Йирик қурилиш омборлари асосан темир йўл атрофига ташкил этилади ёки алоҳида темир йўл тармоғи киритилади.

Қурилиш транспорти турлари. Қурилиш ташқи транспорти марказий

юк омборидан, дарё ва денгиз қўшилмаларидан шунга ўхшаш жойларга ташиш киради. Ташки транспортни танлашда автомобиллар 100 км гача қабул қилинганда самарали ҳисобланади. Қурилиш ички транспорти қурилиш майдонида ҳаракатланади. Масалан: иншоотлар, цехлар ўртасида. Технологик транспорт тури корхона ичida ҳаракатланади.

Қурилиш тизимлари ва техногенези тўғрисида асосий тушунчалар. Қурилиш ишлаб чиқариш жараёни ҳар хил босқичларининг барча мажмуасига қурилиш тизимлари деб аталади, ишлаб туришида якуний натижа сифатида тугалланган қурилиш обьекти хизмат қиласди. Қурилиш тизимлари обьектларига фуқаро, саноат, энергетика ва бошқа иншоотлар, мухандислик коммуникация, саноатда ҳар хил тоғ жинслари ва минералларнинг бир-бирига ёпишувидан ҳосил бўлган ғовак тўплам ҳамда қурилиш маҳсулотининг бошқа кўринишлари киради. Қурилиш обьектлари чизмада ўзининг жойлашуви бўйича ихчамлиги (бино, тўғон, кўприк ва ш.к.), чизиқлиги (темир йўл, узатувчи қувурлар ва ш.к.) ва кенглигига (шаҳар, сув омбори, саноат комплекси ва ш.к.) бўлинади.

Қурилиш жараёни – бу нафакат ҳар хил иншоотларни лойихалаш, яратиш ва фойдаланиш, балки қурилиш материаллари ва конструкцияларни тайёрлаш билан боғлиқ ишлаб чиқариш жараёнидир.

Қурилиш индустряси ёки қурилиш материаллари саноати деб номланган ушбу тармоқга темир бетон буюмлари ва пўлат конструкциялар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар, ғишт ишлаб чиқариш заводлари, енгил тўлдиргич ва минерал момик плиталар ишлаб чиқариш бўйича заводлар, шиша ва гипс ишлаб чиқариш заводлари, асбоцемент буюмлари ишлаб чиқариш бўйича корхоналар киради. Шунинг учун баъзи мутахассислар қурилиш жараёни эмас, балки саноат қурилиш жараёни деб айтишни тўғри ҳисоблайдилар.

Табиий атроф-муҳит билан ўраб олинган қурилиш обьекти таъсирининг барча мураккабликларини қайтарувчи тизим табиий техникавий деб аталади. Ушбу тизимнинг техникавий қисми бино ва иншоотлар ва бошқа ташкил этувчилари эса табиий, аниқ, геологик муҳит (тоғ жинслари, ер ости сувлари, биота) ҳисобланади. Қурилишни лойихалаш масаласи шундан ташкил топганки, ушбу ҳар хил турдаги (тизим ости) материаллардан ягона табиий техникавий тизимни яратишидир.

Табиий техникавий тизим – бу геологик муҳит қисми билан майдонда унинг таъсири ягона мухандислик иншоотлари тизимиdir.

Сўнгги пайтларда қурилиш жараёнининг тавсифи учун кўпчилик “қурилиш обьектининг ҳаётий даври” терминини ишлатишади, бунинг остида хронологик ифодаланган кетма-кетлик босқичларида унинг яратилиши ва утилизацияси¹⁸ тушунилади.

Қурилиш обьектининг ҳаётий даври босқичларининг кетма-кетлиқда ажратилиши мамлакатимизда ИСО халқаро стандартларни жорий этилиши бошланиши билан боғлиkdir. Бунда қурилиш обьектини лойихалашдан

¹⁸ Фойдаланишга тиклаш.

утилизациягача (халқаро ИСО 14040 қаранг) барча ҳаётай даври бўйича қурилиш маҳсулотларини олдинга ҳаракатланишидан мажбурий тезкор назоратни яратиш кўзда тутилади. Қурилиш обьектининг ҳаётай даври атроф-муҳитга таъсирида экологик шароитни баҳолаш ИСО 14042 стандартда ифодаланган. Қурилиш обьектининг ҳаётай даврини алоҳида босқичларга ажратилишининг мақсадга мувофиқлиги, ушбу даврни битта ташкил этувчиси, яъни қурилиш материалларини ишлаб чиқариш мисолида келтириш мумкин. Хорижий мутахассислар маълумотига кўра, **қурилиш материалларининг ҳаётай даврини баҳолашга** қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган табиий хом-ашёни қазиб олиш жараёнида атроф-муҳитга таъсирини экологик баҳолаш, унинг ишлаб чиқарилишининг экологик хавфсизлигини баҳолаш, қурилиш материалининг хоссаси ва таркибини баҳолаш кириши зарур, шунингдек уни қайта ишлаш ва обьектда утилизация қилишда такроран ишлатилишига имконият бўлиши лозим.

Қурилиш фаолиятининг таъсири остида табиий шароит ва табиий мажмуалар ўзгариши жараёнларидаги тўплам **қурилиш техногенези номини олган**.

Қурилиш техногенези биосферанинг барча таркибий қисмларига антропоген таъсирнинг кучли омили ҳисобланади. Ҳар қандай иншоот қурилиши ва фойдаланилиши доимо табиий экологик мувозанат ҳолатидан у ёки бу оғиши келтиради. Барча қурилиш ишлаб чиқариш меъёр ва қоидаларига диққат билан ўзида риоя қилинишида ҳам ҳаттоқи табиий шароит бузилиши юзага келиши муқаррардир. Қурилиш тармоғи табиий ресурслардан йирик фойдаланувчи ҳисобланади, бу эса кўпинча уларни камайишига олиб келади. Олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики, млрд. тонна ўлчанадиган маҳсулотлар, яъни қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш антропоген фаолиятининг материал сарфланиш ҳажмининг энг катта кўриниши ҳисобланади. Дунёда фақатгина бетон ишлаб чиқариш¹⁹ учун йилига бир неча миллион тонна цемент, чақиқ тош, қум ва бошқа тикланмайдиган табиий ресурслар сарфланади.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда қазиб олинадиган табиий ресурсларнинг умумий ҳажмидан 50% гача қурилиш индустрясининг заруриятига кетиши ҳисобланган.

Қурилиш техногенезининг биридан бир хавфли кўриниши ҳаво муҳитини ифлослантириши ҳисобланади. Етарлича белгилаш мумкинки, фақатгина бир тонна цемент ишлаб чиқариш атмосферага 1 тонна CO₂ чиқаришини келтиради²⁰. Дунёда цемент ишлаб чиқариш билан боғлиқ умумий CO₂ ташламаси 1,2 млрд. тоннадан ошиб кетади. Энергетика ташламаси (шовқин, инфратовуш, тебраниш, ион ҳосил қилувчи нурлар ва ш.к.) анчагина хавфли ҳисобланади. Цемент заводлари ва қурилиш индустрясининг бошқа корхоналарининг ишлашида қаттиқ чиқиндилар ва

¹⁹ Йилига 1 млрд. m³ дан ортиқ ишлаб чиқарилади.

²⁰ Проф. Т.Бремнер (Канада) маълумоти асосида.

йирик ҳажмдаги оқова сувларнинг пайдо бўлиши кузатилади.

Тўлиқ таъкидлаш зарурки, замонавий қурилиш техногенези табиий мажсмуалар ва экотизимларда содир бўладиган жараёнларга, биосферанинг барча таркибий қисмлари: атмосфера, гидросфера, литосфера ва биотиклар дунёсига ниҳоятда жиоддий равишда салбий таъсири кўрсатади.

Қурилиш техногенезининг салбий таъсири табиий техник тизимлар ҳаракатининг бир кўриниши бўлиб, табиий экотизимлар барқарорлигининг йўқолишига ва таназзулга боришига йўл қўймаслик бўйича экологик мувозанатни қўллаб-қувватлашда маҳсус чора-тадбирларни қабул қилишни талаб этади.

Бино ва иншоотларга иқлим таъсири ва умрибоқийлик. Қурилиш материалларининг умрибоқийлигининг асосий омилларидан бири иқлим ҳисобланади. Иқлим қурилиш материалларининг хизмат қилиш муддатини бошқаради. Қурилиш материалларининг умрибоқийлигига иқлим қуйидаги ҳолатларда таъсири кўрсатади.

- ◆ Күёш радиацияси.
- ◆ Ҳарорат.
- ◆ Ҳавонинг босими.
- ◆ Ҳавонинг намлиги.
- ◆ Шамол ва ёмғир.
- ◆ Кимёвий моддалар.

Күёш радиацияси. Күёшнинг ультрабинафша нурлари органик материалларнинг ҳолатини ёмонлаштиради, яъни материалнинг ичида кимёвий реакцияларни содир қиласди ва оксидланишини келтириб чиқаради. Бундай таъсири тоғли худудларда кучлидир, яъни ультрабинафша нурларнинг жадаллиги юқори ва жануб томонга силжиши бўйича ошиб боради.

Ҳарорат. Эски қоидалар шуни кўрсатадики, ҳароратнинг ҳар 10°C кўтарилишида кимёвий реакцияларнинг тезлиги икки марта ошади. Жуда юқори ҳарорат органик материалларнинг ёмонлашишини оширади. Ҳароратнинг ҳар 7°C кўтарилишида ёғоч қипиқли плитадан карбамид асосидаги елим ёрдами билан формальдегид чиқиши икки марта ошади. Худди шунингдек, иссиқлик қуёш радиацияси, кислород ва намлик билан бирикишида қурилиш материалларининг ёмонлашиш жараёнини кучайтиради. Пластик, резина, каучук ва бошқа турдаги қурилиш материаллари паст ҳароратда музлайди ва майдаланади. Шимолий Европада ташки қўриниши ғовакли бўлган ғиштни паст ҳароратда пишириш икки қиши даврига чўзилади ва тарихда худди шундай ғиштни Қадимги Римда пишириш 2000 йилга чўзилган. Айниқса ғовакли минерал материаллар учун ҳал қилувчи омил – музлатиш ва эритиш даври ҳисобланади. Шимолнинг қирғоқ бўйидаги иқлими жуда ҳам заарлидир. Ҳароратнинг кескин ўзгариши ва ҳатто совуксиз ҳарорат ҳам материалларнинг шаклини ўзgartиради ҳамда унинг ёмонлашишига олиб келади.

Ҳавонинг босими. Ҳавонинг босими материалларнинг ёпик тузилмадаги ғоваклари ичидаги кучланиш ва ҳажмига таъсири кўрсатади. Масалан, ғовак ойна ва ҳар хил пластик ҳимояловчи материаллар

Шунингдек, ҳавонинг босими герметикли (зич беркитилган) деразага ҳам таъсир кўрсатади, яъни ўлчамларининг ўзгариши содир бўлади ва ҳароратнинг ўзгаришида худди шундай таъсир бўлади.

Ҳавонинг намлиги. Намликнинг ўзгариши материалларнинг кучланиши ва ҳажмининг ўзгаришига ҳамда ёмонлашишига таъсир кўрсатади. Кўтарилиб кетган намлик материалларнинг ейилишини оширади. Ҳаво намлигининг таркиби доимий бўлган биноларда фақатгина мусиқавий асбоблар, фортепиано ва гижжак ишлаб чиқариш мумкин. Худди шундай шароит бошқа интеръер материаллар, яъни пардоз қоплама материалларни ейилишини камайтириш ва тозаланишини яхшилаш учун ҳам кўлланилиши зарур. Намликнинг нисбатан 30-70% кўтарилиши билан ёғоч қипиқли плитадан карбамид асосидаги елим ёрдами билан формальдегид чиқиши икки марта ошади.

Шамол ва ёмғир. Қачонки шамол ва ёмғир бир вақтда биргаликда келиши энг ёмон ҳисобланади. Бундай ҳолат қурилиш материалларида намликнинг йўналишини мажбурлайди ва ёмонлашиш жараёнини бошлайди. Кучли шамол материалларда босимни келтиради, ҳатто материалларнинг бузилиши ёки кескин сусайишига олиб келиши мумкин. Шамол қумлар билан бирикишида баъзи бир қурилиш материалларининг бузилишига таъсир кўрсатади. Қорнинг оғирлиги ҳам қурилиш материалларининг тузилмасини бузиши мумкин.

Кимёвий моддалар. Қирғоқ бўйидаги тузнинг миқдори ҳавода металлар, пластмассалар ва баъзи бир фойдали қазилмаларнинг чиришини келтириб чиқариши мумкин. Саноатлашган ва бинолар қурилган ҳудудларда ҳамда йўллар бўйида емирувчи газлар (диоксид серий ва б.к.) кўпдан-кўп ҳар хил қурилиш материалларини бузиши мумкин. Ўраб олинган емирувчан муҳитда кальций таркибининг бузилиши бетонга жиддий таъсир кўрсатади. Бундай ҳолат баъзи бир қурилиш материалларида ҳам содир бўлади. Табиий тош – замонавий ифлосланишдан кўпчилик қадимий ёдгорликлар ва маданий мерос объектларини ёмонлашаётганини тасдиқлайди.

Келажакда бутун ер шарининг исишида қурилиш материалларининг умрибоқийлиги. Бутун ер шарида иқлимининг ўзгариши энг катта хавф эҳтимоли ҳисобланади. Иқлим ўзгаришига асосан 3 та антропоген манба таъсир кўрсатади.

1. Энергия ишлаб чиқариш.
2. Кимёвий саноат.
3. Кераксиз жараёнлар.

Ушбу манбалардан энергия ишлаб чиқариш манбаси нисбатан устунлик қиласи. Улар асосан транспорт соҳасида ва электростанцияларда ёқилғини ёнишидан содир бўлади. Ернинг усти қатламининг мумкин бўлган қисмида табиий пайдо бўладиган элементлар 1-жадвалда кўрсатилган.

Органик моддалар учун ўзгарувчанлик таснифи

| Тури | Ҳароратнинг қизиши, °C |
|---|------------------------|
| Ўзгарувчан органик бирикмалар | > 250 |
| Ярим ўзгарувчан органик бирикмалар | 250-380 |
| Органик бирикмаларга боғлиқ бўлган зарралар | < 380 |

Бутун ер шарининг исиши қурилиш материалларининг кўринишини аҳамиятли даражада ўзгартиради. Кўпгина худудларда ҳароратнинг кўтарилиши, хусусан жуда фавқулотда юқори ҳарорат даврининг бошланиши кутилмоқда. Кўпгина худудлар жуда муҳим бўлиши мумкин. Бу ҳолат шимолий Европа ва Осиёнинг шимолий қисмларида шамолнинг аралаш кўпайишида тез-тез содир бўлади. Шунингдек бу худудларда музларнинг эриш даври бошланади. Бу вазият ғовак тошларни, бетонларни ва материалларни бўлиниб кетишига олиб келади. Скандинавияда кейинги юз йиллик вақт оралиғида тупроқда органик материаллар 50% га кўпайиши кутилмоқда. Металларнинг чириш меъёри ошади (Noah's Ark, 2007 йил).

Бошқа томондан эса, жанубий Европада дифференциал иссиқликнинг кенгайишидан ва материалларнинг органик ва ноорганик таркибларининг қисқаришидан қурилиш материалларининг қуриши бузилиш ҳолатини оширади. Ушбу худудлардаги биноларда термит²¹ туридаги емирадиган ҳашоратларнинг жойлашиши янги муаммоларни юзага келтиради. Баъзи худудларда иқлимининг ўзгариши камайтирилган хавфни олиб келиши мумкин. Марказий Европа ва Буюк Британияда иқлимий кескинликда қурилиш материалларида ҳеч қандай катта ўзгариш кутилмайди.

Кейинги омил сув тошқинларининг кўтарилиш эҳтимоли тупроқларнинг кимёвий асосининг ҳолатига таъсир кўрсатади. Денгиз сатхининг кўтарилиши ва сув тошқини кенг тарқалган намликтининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. XXI аср ичидаги дунё океанларининг исиши давом этади. Шимолий ярим ер шарининг тропик ва субтропик худудларининг юза қатламларида океанларнинг 95% дан кўпроқ майдонида ҳарорат сезиларли даражада кўтарилиш эҳтимоли мавжуд. Денгиз сатхиларининг кўтарилиши атмосферадаги CO₂ ташламалари йўналишига боғлиkdir. Келгусидаги баҳолашга асосан, бутун дунёда сув қирғоқлари чизиқларининг тахминан 70% бутун ер шарини қамраб олган ўртача кўрсаткич ўзгаришидан ± 20% оралиқда денгиз сатхи кўтарилади. Шу боис, келгусида қурилиш материалларининг танлови уларнинг қуриши жиҳатидан кўриб чиқилиши зарур ҳисобланади (Escarameia, 2007 йил).

Шундай қилиб, ҳар қандай ўзига хос худуд учун бино ва унга ишлатиладиган қурилиш материаллари бўйича қарор қабул қилишда иқлимининг ўзгариш тартиби эътиборга олиниши лозим. Ҳудудий иқлимий ўзгаришларнинг эҳтимоли олдиндан айтиб бўлмайдиган юқори даражада

²¹ Чумолисимон ҳашарот – ёғоч зааркунандаси.

кatta бўлиши мумкин. Бирок, умумий қоидага мувофиқ, органик материаллар яхши ҳимояланган бўлиши керак ва қурилишда жуда соғлом қурилиш материаллари зарур бўлади.

Назорат саволлари:

1. Қурилишда тўсиқлар нима учун керак бўлади?
2. Қурилиш майдонидаги омборларнинг мақсади нимадан иборат?
3. Қурилиш майдонида транспорт ҳаракатлари тўғрисида маълумот беринг?
4. Қурилиш жараёнида атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатувчиларни ва қурилиш жараёнида бўладиган таъсирларни камайтириш учун нима қилиш керак?
5. Қурилиш жараёнида экологик муаммоларнинг олдини олиш учун қандай чора-тадбирларни қўллаш лозим?
6. Қурилиш жараёни биосферанинг таркибий қисмларига салбий таъсирларини камайтиришда нималар талаб этилади?
7. Қурилишдаги қувурларнинг ерга таъсири қандай?
8. Тупроқни мухандислик коммуникация тармоқлари тизимлари таъсирида ифлосланишидан сақлашда нималарга амал қилиш лозим?
9. Қурилиш чиқиндиларини қурилиш майдонида қайта ишлашнинг афзаллик ва камчилик томонлари нималардан иборат?
10. Қурилиш тизимлари деганда нимани тушунасиз?
11. Қурилиш жараёни деганда нимани тушунасиз?
12. Табиий техникавий тизим деганда нимани тушунасиз?
13. Қурилиш объектининг ҳаётий даври деганда нимани тушунасиз?
14. Қурилиш материалларининг ҳаётий даврини баҳолашга нималар киради?
15. Қурилиш техногенезига ва унинг салбий таъсирига таъриф беринг?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Neil S. Grigg (2003) Water, wastewater, and stormwater infrastructure management. USA - p. 243.
2. Charles J. Kibert, Jan Sendzimir, and G. Bradley Guy (Edited by 2003) Construction ecology: nature as the basis for green buildings. London and New York - p. 303.
3. Пачаури Р.К., Мейер Л.А. Иқлим ўзгариши, 2014 йил. Иқлим ўзгариши бўйича Хукуматлараро эксперталар гурухининг умумлаштирилган маъruzasi. Женева, Швейцария, 2015 йил, 163 б.

4-амалий машғулот:

Минерал хом-ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни мухофаза қилиш муаммолари. (2 соат)

Охирги йилларда чоп этилган маълумотларга қараганда, ҳозирги пайтда дунёдаги нефт захиралари 10^5 млн. тонна деб баҳоланмоқда. Шундан Саудия Арабистони 25,3%, Ироқ 9,9%, Бирлашган Араб Амирлиги 9,6%, Кувайт 9,4%, Венесуэлла 5,8%, МДҲ 5,8% ва Мексика 5,6% нефт захираларига эга.

Олимларимизнинг фикрича, республикамизнинг 60% худуди нефт ва газ қазиб олиш учун истиқболли ҳисобланади ва хом-ашё захираларининг қиймати таҳминан 1 триллион америка долларига тенг деб баҳоланмоқда.

Охирги йилларда республикамизда нефт ва газ қазиб чиқариш, бензин, керосин, дизел ёқилғилари, мазут ва нефт мойлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсди. Масалан, 1998 йилда 8,1 млн. тонна нефт ва конденсат, 54,8 млрд. m^3 табиий газ қазиб олинди, 7,1 млн. тонна нефт ва конденсат, 37,4 млрд. m^3 газ қайта ишланиб, 270 минг тонна олтингугурт ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий баҳоси 137,5 млрд. сўмни ташкил этди. Аммо республикада яратилган ёқилғи-энергетикаси ва минерал хом-ашё ресурсларидан имконият ва зарурият даражасида фойдаланилсада, бу жабҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Вужудга келган иқтисодий, экологик ва технологик муаммоларга қуйида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

1. Республикаизда мавжуд 65 та нефт ва газ конларидан 35 таси ишлатилинмоқда. Нефт ва газ конларидан чиқинди сувларнинг таркибидан йод, бром, цезий, рубидий, стронций, бор каби нодир элементлар етарли даражада ажратиб олинмаяпти.

2. Полиметаллар, стронций, плавик шпат, табиий тузлар, фосфорит конлари ўзлаштирмай қолмоқда. Кумуш конларидан биронтаси ишга туширилмаган.

Плавик шпат сувсиз ишқорли алюмосимикат бўлиб тоғ жинслари таркибида кўпроқ учрайди. Плавик шпат 2 хил бўлади:

► Енгил плавик шпат ($CaSO_4$). Унинг зичлиги 2850-3000 кг/ m^3 атрофида бўлиши мумкин.

► Оғир плавик шпат ($BaSO_4$). Унинг зичлиги 4450-4530 кг/ m^3 атрофида бўлиши мумкин.

Плавик шпат кимёвий барқарор модда бўлиб, унинг таркибида қуйидаги элементлар мавжуд: кремний оксиди (SiO_2 – 67,8%), алюминий оксиди (Al_2O_3 – 19,4%), натрий оксиди (Na_2O – 7%), калий оксиди (K_2O – 3,8%), калций оксиди (CaO – 1,7%), темир оксиди (Fe_2O_3 – 0,08%).

Плавик шпат инсон соғлиги учун хавфли эмас.

3. Фойдали қазилмаларни қазиб олишда юз берадиган исрофгарчиликлар қўлланиладиган технологиялар тизимининг унумдорлигига боғлиқдир. Фойдали қазилмалардан тўлароқ фойдаланиш очиқ қазиб олиш йўли билан амалга ошириш мумкин. Аммо Ангрен тошкўмир конидан юқори кулли ва кам қувватли қўмирларни тўлиқ қазиб

олиш ҳозирча таъминланмай келинмоқда. Масалан, кам қувватли кўмир ва юқори кулли кўмирларнинг умумий исрофи мос равища 20,5-23,8% ва 12,5-13,1% ташкил этмоқда.

4. Қаттиқ ёқилғиларни газлаштириш – уларни чуқур технологик қайта ишлаб, улардан сунъий газсимон ёқилғи ва кимё саноати учун хом-ашё, металлургия саноати учун қайтарувчи газлар олишдан иборат. Газлаштириш жараёнини газ генераторларда $1000\text{-}1300^{\circ}\text{C}$ да ҳаво, кислород, сув буғлари ёки уларнинг аралашмалари ёрдамида амалга оширилади ва натижада водород ва углерод оксидлари, метан ва азот олинади.

Қаттиқ ёқилғиларни бевосита ер остида (казиб олмасдан) ёкиб газлаштириш катта истиқболли технологиялардан ҳисобланади. Иқтисодий ва экологик нуқтаи назардан олиб қараганда, бунда ишчи кучи тежалади ва ер усти чиқиндилар билан ифлос бўлмайди. Ер остига оралиғи 15-20 м тенг бўлган иккита қудук (скважина) қазилиб, биридан ҳаво, кислород ёки сув буғлари берилиб, иккинчи қудукдан газ олинади. Бу усулнинг камчилиги – асосий олинадиган газ компонентларининг кам чиқишидир: 12-16% H_2 ва 6-10% CO олинмоқда.

Республикамиздаги “Подземгаз” станциясида ер ости кўмирнинг газлаштириш самарадорлиги ҳозирча унча юқори эмас. Қазиб олинадиган маҳсус кўмирнинг умумий миқдоридан атиги 10% ГРЭСлардаги маҳсус кулларни йиғиб олишга сарфланади, қолган қисми ёқилғи кўмир сифатида ишлатилади.

5. Ер ости бойликларини қазиб олишда жуда катта нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда. Масалан, Шарғун кўмир конида номукаммал технологияларни қўллаш туфайли қазиб олинаётган кўмирнинг 25% исроф бўлмоқда. “Калмақир” ва “Сари-Чеку” маъдан конлари, “Олтин топган” кўрғошин-рух конлари хом-ашё базаларининг ҳолати ҳозирги замон саноат кондицияларига ва тоғ жинсларини туйилтириш техник-иқтисодий кўрсатгичларига жавоб бера олмаяпти. “Олтин топган” ва “Пайбулоқ” ер ости кўрғошин-рух конларида режадан ташқари 3-6% гача маъданлар исроф бўлмоқда.

Ер бағридан қимматбаҳо элементларни қазиб олишда исрофгарчилик юқорилигича қолмоқда. “Ингичка” маъдан шахтасида кон захиралари эски камера-устун тизими асосида ишланиб, ер остидан 88,5-90% гача маъдан ажратиб олишга эришилмоқда.

6. Республикада йилига 100 млн. тоннадан зиёдроқ чиқиндилар пайдо бўлиб, улардан ярмини заҳарли чиқиндилар ташкил этмоқда. Ушбу чиқиндиларнинг бир қисми халқ хўжалигига иккиласми хом-ашё сифатида қўлланилади, асосий массаси эса, турли чиқинди йигничларда жойлаштирилади. Чиқиндиларнинг умумий миқдори 2 млрд. тоннани ташкил этмоқда.

Чиқиндиларнинг асосий миқдори (1,3 млрд. тонна) тоғ жинсларини қазиб олиш саноатига ва қайта ишлаш комплекслари улушкига тўғри келмоқда. Ҳар йили қарийб 50-60 млн. тонна чиқиндилар (тоғ жинслари, флотацион бойитиш думлари, турли тошқоллар, сунъий тош (клинкер) лар) атмосфера ҳавосига чиқарилиб ташланади. Улар 10000 гектар майдонни

эгаллаб турибди.

“Мурунтов” олтин кони атрофида чиқиндилар ташланадиган майдон 5200 гектар ерни ташкил этади. Ушбу майдон ҳозирги кунда чиқиндилар билан тўлиб тошган бўлиб, иккинчи майдони 6200 гектар ерни ташкил этмоқда. Чиқиндиларнинг таркибида кобалт (0,25 мг/л), рух (0,5 мг/л), маргимуш (2,5 мг/л), қўрғошин (3 мг/л), мис (5,5 мг/л), темир бирикмалари (9 мг/л), молибден (17 мг/л), никел (17 мг/л), алюминий (25 мг/л) ва натрий цианити (150 мг/л) мавжудлиги аниқланган.

Ҳозирги пайтда Зафаробод маъдан қазиб олиш марказий бошқармаси 170 минг гектар майдонда уран маъданларини қазиб олиш ишларини олиб бормоқда. Мазкур майдон яроқсиз ҳолатга келиб қолган ва унинг иккинчи навбати учун ажратилган майдон 16 минг гектар ерни ташкил этади.

Ер ости сувлари таркибидаги туз миқдори 10-50 баробаргача ва радиоактив моддаларнинг миқдори рухсат этилган меъёридан 10-20 баробарга ошган.

“Навоийазот” комбинатидан чиқариладиган заҳарли чиқиндиларнинг ҳажми 570 минг м³ ни ташкил этмоқда. Ушбу чиқиндилар 50 гектар ер майдонини эгаллаб турибди. Уларнинг таркибида полимерлар 25%, радионитлар 10% ва бошқа қаттиқ аралашмалар мавжуд. Бундан ташқари, чиқиндиларнинг таркибида цианитлар (50 мг/л), аммиак (150 мг/л), сульфат тузлар (15000 мг/л) ва мис (25000 мг/л) мавжудлиги аниқланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, цианит (Al_2OSiO_4) табиий, ялтироқ шишиасимон минерал бўлиб, унинг ранги оқ, кўк, яшил ёки жилосиз бўлиши мумкин. Зичлиги 3660 кг/м³ тенг бўлиб, сувга эримайди. Унинг суюқланиш ҳарорати 1810°C дан юқорироқ бўлиши мумкин. Резиналардан тайёрланадиган маҳсулотларнинг мустаҳкамлигини ошириш учун цианитлардан тўлдиргич сифатида қўлланилади. “Навоийэлектрокимё” заводи чиқиндиларининг ҳажми 7 млн. 800 минг. м³ ташкил этади ва улар 125 минг гектар майдонни эгаллаб турибди. Уларнинг таркибида органик бирикмалар мавжудлиги аниқланган.

7. Кимё саноатининг асосий чиқиндилари фосфогипс, лигнин, марганец куйқумлари, олtingугурт кеки, шунингдек ишлаб чиқариш оқова сувлари ҳисобланади. Ҳозирги пайтда қаттиқ чиқиндиларнинг умумий миқдори 100 млн. тонна деб баҳоланмоқда, шу жумладан 60 млн. тоннани фосфогипс ва 15 млн. тоннани лигнин ташкил этмоқда. Суюқ чиқиндиларнинг ҳажми эса қарийб 10 млн. м³ ташкил этади. Йиғилган чиқиндиларнинг умумий майдони минг гектар ерни ташкил этмоқда. Ушбу чиқиндиларнинг ниҳоятда кичик қисми (1% фосфогипс ва 50-60% лигнин) халқ хўжалигига қўлланилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фосфогипс калций сульфати гидратларининг қукунсимон аралашмаларири (CaSO₄·1/2 H₂O, CaSO₄·H₂O, CaSO₄·2H₂O), CaO, P₂O₅ ва HF. Фосфогипс эритувчиларда эримайди, аммо сувда қисман эрийди. Унинг зичлиги 2310-2330 кг/м³ атрофида бўлиб, қукунлари поливинилхlorид асосида композицион материаллар (масалан, ленолиум) ишлаб чиқариш учун тўлдиргич сифатида кўпроқ ишлатилади.

Лигнин ёғочнинг таркибий қисми (25-35%) бўлиб, ёғоч таркибидаги

целлюлоза толаларининг қовуштирувчи табиий полимердир. Табиий лигнин органик эритувчиларда эримайди, аммо сувли ишқорларда қиздирилганда эридиди.

Гидролизланган лигнин прессланган тахта ва плиталар ишлаб чиқариш учун тўлдиргич сифатида қўлланилади. Ёғоч қириндилари таркибидаги табиий лигниндан ванилин олинади. Лигносульфон кислоталари сопол (керамика) ва майда донадор қаттиқ материаллар (абразив) олишда, цементга қўшимча сифатида, бетонинг юмшатувчи қўшимча сифатида кенг қўлланилади. Сульфит спиртли қуйқа бурғилаш пайтида лой эритмасининг реологик хоссаларини яхшилашда, кўмир чангларини брикетлашда ва йўл қурилишида кенг ишлатилади. Сульфит спиртли қуйқа чармни ошлаш учун кенг қўлланилади. Ишлаб чиқариш оқова сувлари бошланғич тозалашдан кейин қисман айланма сув таъминотида қўлланилади.

8. Ангрен кўмир конидан кўмир билан бирга йилига 6 млн. тонна каолин қазиб олинади. Шундан 600-800 минг тоннаси истеъмолчиларга етказиб берилади, қолган қисми чиқинди бўлиб қолмоқда. Ҳолбуки, республиканинг каолинга бўлган эҳтиёжи 2,0-2,5 млн. тоннани ташкил этмоқда.

Каолин ($\text{Al}_2\text{O}_3 \cdot 2 \text{SiO}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$) – гидратланган алюминий силикатдир. Унинг зичлиги $2580 \text{ кг}/\text{м}^3$ га тенг бўлиб, таркибида қуйидаги элементлар мавжуд: $\text{SiO}_2 - 45,4\%$, $\text{Al}_2\text{O}_3 - 38,8\%$, $\text{Ti}_2\text{O}_3 - 1,5\%$, $\text{CaO} - 0,5\%$, $\text{Fe}_2\text{O}_3 - 0,3\%$, $\text{Na}_2\text{O} - 0,1\%$, $\text{K}_2\text{O} - 0,1\%$ ва сув – $13,8\%$.

Каолин нафақат пластмасса ва резиналар учун тўлдиргич сифатида, балки чинни заводлари учун оқартирувчи хом-ашё сифатида ҳам кенг қўлланилади.

9. Қора ва рангли металларни ишлаб чиқариш жараёнида темир терсаклар пайдо бўлиши кўпчиликка маълум. Уларни қайта ишлаш жараёнида йилига 350 минг тонна тошқоллар пайдо бўлади. Шу билан бирга, машинасозлик корхоналарида, иссиқлик энергетикаси, озиқ-овқат ва енгил саноат ишлаб чиқариш корхоналарида вужудга келаётган турли таркиб ва физик-кимёвий хоссаларга эга бўлган чиқиндилар ўз қўлланиш соҳаларини топа олмай қолмоқда. Республикамизда заҳарли чиқиндиларнинг фойдаланишга тиклаш саноати ташкил этилмаган.

10. Шифобахш ер ости минерал сувларнинг исрофгарчилик даражаси юқорилигача қолмоқда. Республикамиз ҳудудида аниқланган 17 та минерал сув захираларидан 27 та шифо масканларида фойдаланилади. Ўзиоқар минерал сувларнинг исрофи 28%, баъзи шифохоналарда эса 50% дан ошиб кетмоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган асосий муаммоларнинг самарали ечими қуйидагиларга чамбарчас боғлиқ:

Биринчидан, жаҳон андозаларига мос, янги техника ва замонавий технологияларни шунингдек, чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологияларни ишлаб чиқариш корхоналарида жорий этадиган ва бошқара оладиган етук, юқори билимли мухандис-технологларни тайёрлаш;

Иккинчидан, илм-фан ютуқларини, хусусан, республикамиз миқёсида, яратилаётган янги ишланмалар, лойиҳа ва технологияларни амалга тадбиқ

етиш учун иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиши;

учинчидан, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида кўпроқ хорижий инвестицияларни ишлаб чиқариш корхоналарида жалб этиши;

тўртинчидан, табиий захиралардан самарали фойдаланиши, исрофгарчиликларга чек қўйиши, чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологиияларни амалга жорий этиши, мавжуд технологиияларни модернизация қилиши, ишлатилмаётган ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, экологик меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш иқтисодий ривожлантиришнинг асосий гаровидир.

Назорат саволлари:

1. Республикаизда вужудга келган иқтисодий, экологик ва технологик муаммолар ҳақида маълумот беринг?
2. Нефт ва газ конлари, уларнинг чиқинди сувлари таркиби ҳақида маълумот беринг?
3. Плавик шпат, фосфогипс ва коалин ҳақида маълумот беринг?
4. Қаттиқ ёқилғиларни газлаштириш технологиясини тушунтиринг. Бу технологияни экологик аҳамияти ва камчилиги нимадан иборат?
5. Ишлаб чиқариш чиқиндилари, уларнинг таркиби ва кўлами ҳақида маълумот беринг?
6. Чиқиндилар таркибидан олинган цианитлар, фосфогипс, лигнин ва уларнинг қўлланиш соҳалари ҳақида маълумот беринг?
7. Вужудга келган муаммоларнинг ечиш йўлларини кўрсатинг?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Charles J. Kibert, Jan Sendzimir, and G. Bradley Guy (Edited by 2003) Construction ecology: nature as the basis for green buildings. London and New York - p. 303.
2. И.А.Каримов. Узбекистан на пороге ХХI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. – Москва : Издательский дом “Дрофа”, 1997. – 318 с.
3. Сатторов З.М., Акбаров Д.Б. Получение экологически чистых строительных материалов на основе сельского хозяйства. // Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар – мамлакат тараққиётининг муҳим омили. XIII республика илмий-амалий конференция материаллари. II-қисм. // Самарқанд, СамДАҚИ, 29-30 апрель 2016 й. – 31–34 б.

5-амалий машғулот: Чиқиндиларни қайта ишлаш. Иккиламчи ресурслардан фойдаланишнинг экологик асослари. (2 соат)

Минтақаларни ривожлантиришда, ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштиришда олиб борилиши лозим бўладиган ишлар қаторида экологик масалаларга ҳам эътибор берилиши лозимлиги белгиланган. Жумладан, қурилиш материаллари ва инфратузилма соҳасини тараққиётнинг устивор йўналиши сифатида белгилаш, қурилиш саноатини ривожлантириш, яъни юқори технологик қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқаришда энергия ва ресурс тежамкор экологик тоза қурилиш материалларини яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш жараёнида қурилиш индустряси соҳасидаги лойиҳа-қидирав институтлари, илмий-тадқиқот лабораториялари ва ихтисослаштирилган корхоналар томонидан қуидаги талабларга эътибор қаратиш тавсия этилади:

► қурилиш материаллари ва буюмлари устида олиб бориладиган илмий изланишлар ҳамда тажриба-синовларнинг хусусиятини эътиборга олиб, қурилиш материалларини физик-механик ва кимёвий таркиби, қурилиш буюмларини иқлимий шароити ва физик хусусиятини аниқлаш жараёнида экологик жиҳатдан тозалигига ҳамда атроф-муҳит учун мақбуллигига эътибор қаратиш;

► юқори технологик қурилиш материаллари ва буюмларини янги турларини яратиш жараёнида ер ресурсларидан оқилона ва самаради фойдаланиш ҳамда такрор кўпайтириш, статистик маълумотларни тахлил қилиш ва баҳолаш, табиатни муҳофаза қилиш;

► қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқаришда экологик жиҳатдан тозалигини белгиловчи меъёрий базани такомиллаштириш ва яратиш;

► юқори технологик қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарни ривожлантириш ва технологияларни модернизация қилиш жараёнида инсонлар ҳаёти ва соғлигига хавф солиши мумкин бўлган вазиятларни кузатиб бориш ва эрта олдини олиш, аниқлашнинг самарали тизимини яратилишини таъминлаш;

► юқори технологик қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини тадбиқ этиш орқали энергия тежамкор биноларни намунавий лойиҳалашда ери геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойланиш ва муҳофаза қилиш, бузилган ерларни қайта тиклаш;

► қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар объектларида экологик назорат ўтказилганда кузатувчи сифатида иштирок этиш.

Энергия ва ресурс тежамкор экологик тоза қурилиш материалларини яратишда асосан саноат чиқиндиларини қайта ишлаш муҳим ҳисобланади. Саноат чиқиндиларини қурилишда ишлатилиши хом ашё ресурсларига бўлган эҳтиёжни 40% қоплашга имкон беради. Қурилиш материалларини

тайёрлашда табиий ресурслардан ишлаб чиқариш билан таққослаш бүйича саноат чиқиндиларини қўлланилиши 10-30% харажатларни камайтиради, капитал қуолмаларни 35-50% гача иқтисод қилишга эришилади.

Саноат чиқиндиларининг барчасини иккита катта гурухга ажратиш мумкин.

1. Минерал (ноорганик) чиқиндилар.

2. Органик чиқиндилар.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун минерал чиқиндилар энг катта аҳамиятга эга. Уларнинг улуши саноат тармоғининг қазиб ишлаб чиқариладиган ва қайта ишланадиган барча чиқиндилари улушкининг кўпчилик қисмига тўғри келади.

Саноат чиқиндилари асосий технологик жараёнлардан ажралиш вақтида учта синфга таснифланиши мумкин:

Биринчи синф маҳсулотлари (карьер қолдиқлари ва фойдали қазилмаларда бойитишдан сўнги қолдиқлар) – тегишли төғ жинсларининг минералогик-кимёвий хоссалари ва таркибларига эга. Уларнинг қўлланилиши соҳаси физик-механик хоссалари, донадор ва кимёвий таркиблари, агрегат ҳолатлари билан ўзаро боғланган.

Иккинчи синф маҳсулотлари – сунъий моддалар. Улар кўпроқ юқори ҳароратда ёки оддий ҳолатда оқиб ўтадиган физик-кимёвий жараёнлар натижасида қўшимча маҳсулот сифатида олинади. Биринчи синф маҳсулотларига қараганда, ушбу саноат чиқиндисининг қўлланилиш кўламининг имконияти кенг.

Учинчи синф маҳсулотлари – төғ жинси уйилмасидан оқиб ўтадиган физик-кимёвий жараёнлар натижасида ҳосил бўлади. Бундай жараёнларга ўз-ўзидан ёниши, тошқоллар емирилиши ва кукун ҳосил бўлиши киради. Ушбу синф чиқиндиларининг аниқ вакилига ёнган (куйган) жинслар киради.

Асосий чиқиндилар массаси тошқол ва кул кўринишида металлар олиниши ва қаттиқ ёқилғиларни ёнишида ҳосил бўлади. Тошқол ва кулдан ташқари метал ишлаб чиқаришда майда зарраларга бўлиниб сочилган сувли эритма (суспензия²²) – қуйқумлар кўринишидаги чиқиндилар катта миқдорда ҳосил бўлади.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун қимматли ва кенг тарқалган минерал хом ашё сифатида ёнган жинслар ва сараланган кўмир чиқиндилари, очилган фойдали қазилма жинслар ва бойитилган руда чиқиндилари ҳисобланади.

Минерал боғловчи материаллар ишлаб чиқаришда тошқолларнинг қўлланилиш соҳаси энг самарали ҳисобланади. Тошқолли боғловчиларни куйидаги асосий гурухларга бўлиш мумкин:

1. Тошқолли портландцементлар.

2. Сульфат-тошқолли боғловчилар.

3. Оҳак-тошқолли боғловчилар.

²² Бирор модданинг бошқа суюқ модда ичидаги майда зарра ёки томчи ҳолида сузиб юрадиган эритмаси.

4. Тошқол-ишқорли боғловчилар.

Тошқолларни ва кулларни тайёрланган хом ашё сифатида кўриш мумкин. Уларнинг таркибидаги кальций оксиди (CaO) ҳар хил кимёвий боғловчиларни боғлаган, жумладан икки кальцийли силикат қўринишида – минераллардан бири цемент клинкери (тошқол). Тошқол ва кулларни қўлланилишида хом ашё қоришмасини тайёрлаш даражасининг юқорилиги печларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошишини ва ёқилғини иқтисод қилишни таъминлайди. Гилларни домен тошқоллари билан алмаштирилиши оҳак ташкил этувчилар (компонентлар) таркибини 20% камайтиради, клинкерни қуриқ усулда ишлаб чиқаришда хом ашёнинг солиштирма сарфини ва ёқилғини 10-15% камайтиради ҳамда печларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини 15% оширади.

Доменли ва феррохромли – кам темирли тошқоллар ва эритиш шароитида тикланиши яратиладиган электр печларида оқ цементлар олинади. Феррохром тошқоллари асосида метал хромининг оксидланиши эритмасида клинкерни, уларнинг ишлатилишида текис ва чидамли бўёқ билан цементлар олиш мумкин.

Сульфат-тошқолли цементлар – бу доменли донадор тошқолларни биргаликда майнин майдаланишида ва сульфат қўзғатувчи қотишида – унча кўп бўлмаган ишқорли кучайтиргич қўшимча: оҳак, портландцемент ёки куйдирилган доломит (минерал) билан гипс ёки ангидрид олинадиган, гидравлик боғловчи моддадир. Сульфат-тошқолли гурухдан энг кўп тарқалгани гипс тошқолли цемент ҳисобланади. Унинг таркибида 75-85% тошқол, 10-15% қўшсуви гипс ёки ангидрид, 2% гача кальций оксиdi ёки 5% гача портландцемент клинкери мавжуд. Юқори фаоллаштириш 700°C атрофидаги ҳароратда куйдирилган ангидрит ва асосий тошқолларда юқори алюминий оксиdi ишлатилишида таъминланади. Сульфат-тошқолли цементнинг фаоллиги майнин майдаланишдан жиддий боғлиқдир. Боғловчининг юқори солиштирма юзаси ($4000-5000 \text{ см}^2/\text{г}$) нам тортилиш ёрдами билан эришилади. Мақбул таркибда етарлича юқори майнин майдалашда сульфат-тошқолли цементнинг мустаҳкамлиги портландцемент мустаҳкамлигидан қолишмайди. Сульфат-тошқолли цемент бошқа тошқолли боғловчилар каби 7 кунда катта бўлмаган иссиқлик сувланишига эга. Бу эса, яхлит гидротехника иншоотларини яратилишида ишлатиш имкониятини беради. Шунингдек, юмшоқ сульфат сув таъсирига унинг юқори мустаҳкамлиги ёрдам қиласи. Сульфат-тошқолли цементнинг кимёвий мустаҳкамлиги тошқолпортландцементга қараганда юқори ҳисобланади, бу унинг ҳар хил емирувчи шароитда қўлланилиши аниқса мақсадга мувофиқ бўлади.

Оҳак-тошқолли ва оҳак-кулли боғловчи цементлар – бу оҳак ва иссиқлик электр марказларининг куллари ёки доменли донадор тошқоллар кукун билан биргаликда олинадиган гидравлик боғловчи моддалардир. Уларни M200 маркадан кўп бўлмаган қурилиш қоришиналарини тайёрлаш учун қўлланилади. Ушбу моддаларни тайёрлашда уларнинг қотиши муддатлари ва бошқа хусусиятларини яхшилашни бошқариш учун 5% гача

гипс тоши қўшилади. Оҳак миқдори 10-30% ташкил этади.

Оҳак-тошқолли ва оҳак-кулли боғловчи цементлар мустаҳкамлиги бўйича сульфат-тошқолли цементларга йўл беради. Уларнинг маркаси 50, 100, 150 ва 200 бўлади. Қотишининг бошланниши 25 минутдан олдин бўлмаслиги керак, тугаши эса қотиши бошлангандан сўнг, 24 соатдан кечикмаслиги лозим. Айниқса 10°C дан сўнг, ҳароратнинг пасайишида мустаҳкамлигининг ўсиши кескин секинлашади ва тескариси, етарлича намлик муҳитида ҳароратнинг кўтарилишида жадал қотишига ёрдам беради. Ҳавода қотиши фақатгина намлик шароитида етарлича қотиши давомийлигидан (15-30 кун) сўнг мумкин бўлади. Бундай цементлар учун паст совуқقا чидамли, емирувчи сувларга юқори мустаҳкам ва кичик экзотермик хосдир.

Тошқол-ишқорли боғловчилар донадор тошқол майнин куқунлангандан (солиширма юзаси $\geq 3000 \text{ см}^2/\text{г}$), калий ва ишқорли метал натрий боғловчи – ишқорли таркибдан ташкил топган.

Тошқол-ишқорли боғловчиларни олиш учун ҳар хил минерал таркибли донадор тошқоллар мақбулдир. Уларнинг фаоллик шароитини ҳал қилувчи ишқор билан ўзаро таъсир этиш хусусиятига эга бўлган шиша қўринишидаги фазали ташкил этувчиси ҳисобланади.

Тошқол-ишқорли боғловчиларнинг хоссаси тошқолнинг минерал таркиби ва турига, унинг куқунинг майнинлигига, тошқолнинг ташкил этувчи қоришимасининг қўриниши ва қуюқланишига боғлиқ. Тошқолнинг солиширма юзаси 3000-3500 $\text{см}^2/\text{г}$ бўлганда, меъёрий қуюқликдаги қоришимани ҳосил бўлиши учун сув миқдори боғловчи массасининг 20-30% ташкил этади. Меъёрий қуюқликдаги қоришма намуналарини синашда тошқол-ишқорли боғловчининг мустаҳкамлиги 30-150 МПа ташкил этади. Улар учун бир ой ичida мустаҳкамлигининг жадал ўсиши, шу қадар қотиши муддатининг кейинги хусусиятидир. Шундай экан, агар портландцементнинг мустаҳкамлиги 3 ойдан сўнг мақбул шароитларда қотиши тахминан 1,2 марта маркасини ошиrsa, у ҳолда тошқол-ишқорли боғловчи 1,5 марта оширади. Иссиқлик намида қайта ишлашда қотиши жараёни портландцемент қотишига қараганда жадал тезлашади. Йиғма темир бетон технологиясида қабул қилинган оддий тартибдаги буғлашда, 28 кун ичida мустаҳкамлик маркаси 90-120% эришилади.

Тошқолнинг ташкил этувчилари таркибига кирадиган боғловчилар совуқга қарши қўшимча вазифасини бажаради, шунинг учун тошқол-ишқорли боғловчилар салбий ҳароратда ҳам етарлича жадал қотиради.

Тошқолли ва кулли чиқиндилар оғир ва енгил тўлдиригич бетонларни ишлаб чиқариш учун бой хом ашё таъминотига эга. Металлургия тошқоллари асосидаги тўлдиригичларнинг асосий турлари тошқолли чақиқ тош ва тошқолли кўпик тош ҳисобланади.

Енгил бетонлар учун тўлдиригичлар сифатида саноат кулини ишлатишни жуда катта самара беришини қурилиш материаллари индустряси корхоналаридаги тажриба исботлаб келмоқда. Шундай ишлардан бири шуни кўрсатдики, енгил бетондаги кварц қумини ўрнига

саноат кули қўшилса, цемент сарфи 15-20% камаяди ва бетонни ўртача зичлиги $100\text{-}150 \text{ кг}/\text{м}^3$ га енгиллашади. Бу эса, бетон қопламасини ва қурилиш буюмларини технологик хоссаларини яхшилайди. Енгил бетонга одатда саноат кулини $150\text{-}300 \text{ кг}/\text{м}^3$ атрофида қўшилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ёқилғи кули ва тошқолларидан ғовак тўлдиргичлар, яъни аглопорит, кулли шағал, тупроқ кулли керамзит ишлаб чиқарилади.

Республикамизда ғовак газбетон олишда кварц қуми ўрнига саноат кулини ишлатиш имкони яратилган. Бундай бетон олиш учун таркибида қуйидагилар киради, 1 м^3 да: цемент – 65-130 кг; оҳак – 75-215 кг; саноат кули – 400-430 кг; алюминий кукуни – 325 кг.

Юқори технологик қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини тадбик этиш орқали энергия тежамкор биноларни қурилиши баробарида арzon ва қulай ҳисобланган **ғиштга хом ашё сифатида** Ангрен ҳавзасидаги чиқиндилар (каолин тупроғи, кўмир орасидаги жинслар ва ш.к.) ишлатилиши мумкин.

Силикат ғишт ишлаб чиқаришда саноат кули, ғишт таркибига боғловчи ёки тўлдиргич сифатида қўшилади. 1000 дона ғиштга биринчи ҳолатда 500 кг, иккинчи ҳолатда 1500-3500 кг саноат кули қўшиш мумкин. Оҳак-кулли боғловчидаги саноат кули фақат фаол кремнезём қўшимча бўлиб хизмат қилмай, балки қоришли пластиклигини ва хом ғиштни мустаҳкамлигини 1,3-1,5 марта оширади. Бу эса ўз вақтида технологик ускуналарни яхши ишлашига имкон беради. Оҳак-кулли боғловчини солишишторма сирт юзасини ортиб бориши ҳисобига, қўшилаётган саноат кулини самараси ортиб боради. Силикат ғиштга қўшилаётган саноат кулини таркибида ёниб улгурмаган ёқилғи миқдори 5% ошмаслиги ва эриб кетадиган заррачалар миқдори 10% дан кам бўлмаслиги керак. Булардан ташқари, силикат ғишт ишлаб чиқаришда саноат кулини қўшиш, оҳак сарфини 20% ва буюмни сув шимувчанлигини камайтиради ҳамда совуққа чидамлилигини оширади.

Қурилиш саноатида атроф-муҳит муҳофазаси ва экологиянинг аҳамияти – қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқарилишида экологик жиҳатдан тозалиги ҳамда атроф-муҳит учун мақбуллиги, қурилиш материаллари индустрясини ривожланиши ва ишлаб чиқарилишида ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш ҳамда такрор қўпайтириш, табиатни муҳофаза қилиш, технологияларни модернизация қилиш жараёнида инсонлар ҳаёти ва соғлигига хавф солиши мумкин бўлган вазиятларни кузатиб бориш ва эрта олдини олиш, аниқлашнинг самарали тизимини яратилишини таъминлаш, қурилиш объектларида ернинг геологик жиҳатларини пухта ўрганишдан иборатdir.

Иккиласмчи ресурслардан фойдаланишнинг экологик асослари. Ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида жиддий муаммолардан бири чиқинди муаммоси ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам бу муаммо борган сари мурракаблашиб бормоқда.

Қазилма бойликларни қазиб олиш, рудадан соғ хом ашёни ажратиш

жараёнларида жуда ҳам кўплаб қоплама жинслар, рудадан бўшаган жинслар вужудга келади. Улар қайта ишланаётган массанинг 90-95 % ташкил қиласди. Конлардан олинаёттан рудаларда фойдали маъдан миқдори 1-5% (ранги металларда) ташкил қилиши мумкин, қолган бўш(пуч) жинслар чиқинди сифатида террикон (уюм)ларда йигилади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда 1,25 млрд. m^3 қоплама жинслар, чиқинди омборларида 1,3 млрд. тонна рудаларни бойитишда вужудга келган чиқиндилар тўпланган. Улар 30 минг гектар майдонни эгаллаган. Ушбу бўш тоғ жинсларига ҳар йили ўртача 25 млн. m^3 қоплама жинслар, 42 млн. тонна рудаларни бойитишда вужудга келган чиқиндилар, 300 минг тонна металлургия корхоналарининг тошқоллари қўшилиб боради. Чиқиндиларнинг бу тезликда кўпайиб бориши, атроф-муҳитнинг ифлослашига жиддий таъсир этади.

Кимё ва нефть кимёси саноатида чиқиндиларни асосан мис ва рух эритмалари оқоваси, аммиакли оқова сув, марганец шлами (кукунсимон модда), фосфогипс, лигнин, нефть қуйқаси ва бошқалар ташкил этади. Шунингдек, машинасозлик, иссиқлик энергетикаси, енгил ва озиқ-овқат саноатлари ишлаб чиқариш жараёнида кўп ҳажмда иккиламчи чиқиндилар вужудга келади. Уларнинг бир қисми заҳарли бўлиб, ер усти сувлари, ҳавони ифлослаши мумкин. Иссиқлик электр станцияларида кўмир ёқиши натижасида вужудга келган кулдан тошқолли блокларни тайёрлаш яхши натижа беради.

Вужудга келган саноат чиқиндиларининг тўпланиб бориши экологик ва иқтисодий жиҳатдан бутунлай заарли, уларни минералогик ва кимёвий таркибларига кўра турли соҳаларда фойдаланишни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Қаттиқ тоғ жинсларини радиоактивлик хусусияти бўлмаса майдалаб қурилиш материаллари сифатида фойдаланиш мумкин. Улардан сифатли чақиқ тош, шағал, кум, гил ва бошқа фойдали қурилиш материаллари ва буюмларини тайёрлаш имконияти мавжуд (З-расм). Тоғ жинслари жарлик, пасткамлик ва ботиқларни тўлдиришда аскотади. Баъзан қаттиқ, жинслар оҳактош, ангидрилар, гипс, лёсс, гил, каолин, бўр ва бошқа фойдали элементлардан иборат бўлиши мумкин, уларни қурилиш соҳасида ишлатишга имкон бўлади.

Чиқиндилар иккиламчи ресурс, факат улардан оқилона фойдаланиш йўлларини билиш, бекорга исроф қиласлиқ, атроф-муҳитга бўлган таъсирини борган сари камайтириб бориш устида изланишларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Назорат саволлари:

1. Саноат чиқиндилари асосий технологик жараёнлардан ажралиш вақтида нечта синфга таснифланиши мумкин ва уларга таъриф беринг?
2. Тошқолли боғловчилар нечта асосий гурухларга бўлиш мумкин ва уларга тўғрисида тушунча беринг?
3. Саноат кулини ишлатиш орқали қандай қурилиш материаллари олиниши мумкин?
4. Қурилиш саноатида атроф-муҳит муҳофазаси ва экологиянинг аҳамияти қандай ўрин тутади?

5. Иккиламчи ресурслардан фойдаланишнинг экологик асосларига нималар киради?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Charles J. Kibert, Jan Sendzimir, and G. Bradley Guy (Edited by 2003) Construction ecology: nature as the basis for green buildings. London and New York - p. 303.
2. И.А.Каримов. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. – Москва : Издательский дом “Дрофа”, 1997. – 318 с.
3. Сатторов З.М., Холмирзаев С.Т. Производства строительных материалов с использованием промышленных отходов. //Архитектура – қурилиш фани ва давр XXIII анъанавий конференция материаллари // Тошкент, ТАҚИ, 5 – 10 май 2014 й. – 164–166 б.
4. Сатторов З.М., Мухидов Ш.А. Утилизация отходов на строительных площадках. //Архитектура – қурилиш фани ва давр XXIII анъанавий конференция материаллари // Тошкент, ТАҚИ, 5 – 10 май 2014 й. – 167–169 б.
5. Сатторов З.М., Ихсанова Ш.З., Чориев И.Х. Широкая утилизация отходов в производстве строительных материалов требует решения научно-технических проблем. // Архитектура таълими ва инновация. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. // Тошкент, ТАҚИ, 30 март 2015 й. – 23–28 б.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Мини-кейс.

Қурилиш жараёнида қандай экологик қарорлар бўлиши мумкин?

Қурилиш жараёнида лойиҳалаштириш, қурилиш ва қурилиш обьектларини фойдаланишда экологик қарорларни илмий асосда амалиётда қўлланилиши талаб этилади. *Экологик қарорлар бўлишини ва илмий асосда уларни амалиётда қўлланилишини асослаб беринг?*

Мини-кейс.

Қурилиш майдонида қандай чиқиндилар пайдо бўлади?

Қурилиш жараёнида атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатувчиларни ва қурилиш жараёнида бўладиган бу таъсирларини камайтириш учун тўғридан-тўғри чора-тадбирлар қўлланиллади. *Бу салбий таъсир кўрсатувчиларнинг пайдо бўлиши нималардан боғлиқ равишда келиб чиқшии мумкин?*

Мини-кейс.

Қурилиш чиқиндиларини қурилиш майдонида қайта ишлашнинг қандай афзаллик ва камчилик томонлари мавжуд?

Ерлар эски ва хароба бинолардан янги бинолар қуриш учун текисланмоқда. Шу билан бирга ҳозирги вақтда бузилаётган бинолардан чиқаётган чиқиндилар муаммоси пайдо бўлмоқда. Қурилиш жараёнидаги чиқиндиларни қайта ишлаш. *Уларнинг афзалликлари ва камчиликлари нималардан иборат бўлиши мумкин?*

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишининг шакли ва мазмуни.

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзулари:

1. Саноат корхоналарининг атроф-мухитга таъсири.
2. Атмосферанинг ифлосланиши натижасида юзага келадиган ижтимоий-иктисодий зарар.
3. Ифлослантирувчи манбалардан атмосфера ҳавосига чиқадиган заарли моддалар.
4. Шаҳар ҳавосининг ҳолати. Шаҳар муҳитини транспорт шовқинидан химоялаш, микроклиматни яхшилаш.
5. Атмосферани саноат корхоналарининг газ-чанг чиқиндиларидан муҳофаза қилишининг ташкилий техник, технологик, санитар-гигиеник чоратадбирлари.
6. Ҳавони заҳарли газлардан, турли хил чанг зарраларидан тозалаш усуслари.
7. Ёпиқ айланувчи сув системалари ва сув тозалаш иншоотлари. Сув иншоотлари ҳолатини назорат қилиш усуслари ва мосламалари.
8. Саноат корхоналарида сувдан фойдаланиш, оқова сувларнинг ҳосил бўлиши, уларнинг таснифлари.
9. Сувнинг ифлосланишидан келиб чиқадиган иктисодий зарар.
10. Ўрмон, табиий ресурс, ўрмон муҳитининг экологик мувозанатини сақловчи биосферанинг зарурий компонентлари.
11. Саноатда чиқиндисиз ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг йўналишлари.
12. Чиқиндисиз технологияни ривожлантиришда қурилиш материаллари саноатининг ўрни.
13. Қурилиш материаллари ва буюмларига экологик талаблар.
14. Қурилишда экологик мониторинг.
15. Қурилишда экологик экспертиза тўғрисида.

16. Бино ва иншоотларда энергия талаби ва иссиқлик таъминотини сақлаш.
17. Қурилиш фаолиятини амалга оширишда экологик талаблар.
18. Экологик вазиятларнинг ривожланиш йўналишлари.
19. Қурилиш жараёнининг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш чоралари.
20. Қурилиш материаллари: цемент, керамзит, аглопорит, вермикулит, оҳак, гипс, табиий тош, ғишт, шиша, ёғоч, иссиқликни сақловчи материаллар, битум, линолеум ва ш.к. экологияси.

VII. ГЛОССАРИЙ

| Атаманинг ўзбек тилида номланиши | Атаманинг инглиз тилида номланиши | Атаманинг рус тилида номланиши | Атаманинг маъноси |
|---|--|---|---|
| Абиоген ландшафт | Abiogenous landscape | Абиогенный ландшафт | Тирик материянинг деярли таъсирисиз вужудга келган ландшафт. А.л. га шартли равишда (ҳаёт ер юзининг ҳамма жойида у ёки бу тарзда намоён бўлгани сабабли) Антарктиданинг марказий қисми, Гренландия муз қалқони, Ҳимолайнинг энг баланд чўққилари, лава кўллари киритилади. А.л. тирик организмлар таъсирида шаклланган биоген ландшафт билан таққосланади. |
| Абиотик муҳит | Abiotic environment | Абиотическая среда | [юн. а – инкор маъноси, bios – ҳаёт] – 1) тирик организмларни ўраб турган нотирик жисмлардан иборат муҳити; 2) тирик организмларнинг фаолияти билан боғлик бўлмаган табиат ҳодисалари. |
| Абиотик омил | Abiotic factor | Абиотический фактор | [лот. factor – қилаётган, ишлаб чиқараётган] – муҳитнинг физик ва кимёвий шароитларининг организмга (организмларга) кўрсатаётган таъсири. |

| | | | |
|------------------|--------------------|------------------|---|
| Агроценоз | Agrocenosis | Агроценоз | (агроэкотизим) –асосий функциялари (энг аввал маҳсулдорлик) агрономик тадбирлар (ерни шудгорлаш, унга ўғит, заҳарли кимёвий моддалар солиш ва ҳ.к.) йўли билан таъминлаб туриладиган сунъий экотизим (биогеоценоз). Табиий биогеоценозлардан соддалиги ва одатда, маданий ўсимликлар устуворлиги билан ажралиб туради. А. инсон фаолиятисиз тезда емирилиб, табиий ҳолатига қайтади. |
|------------------|--------------------|------------------|---|

| | | | |
|----------------------------|---------------------------------|-------------------------------|---|
| Антропоген ландшафт | Anthropogenous landscape | Антропогенный ландшафт | Хусусиятлари инсон фаолиятига боғлиқ бўлган ландшафт. Мақсадли ёки аввалдан мўлжалланмаган ўзгаришларига кўра атайин ўзгартирилган ва бехосдан ўзгарган ландшафтларга фарқланади (иккинчиси баъзан “антропик ландшафт” номи билан юритилади). Булардан ташқари, маданий ландшафтлар (ўз эҳтиёжларини қондириш учун инсоннинг хўжалик фаолияти туфайли онгли равишда ўзгартирилган ва керакли ҳолатда сақлаб туриладиган) ва норационал фаолият ёки қўшни ландшафтларнинг номақбул таъсири остида пайдо бўлган номаданий ландшафтлар мавжуддир (таназзулга юз тутган ландшафт бу қаторда энг охирги ўринни эгаллайди). |
| Антропоген омил | Anthropogenous factor | Антропогенный фактор | Инсон ва унинг фаолияти томонидан организмларга, биогеоценоз, ландшафт, биосферага кўрсатиладиган таъсир. |

| | | | |
|---|---|--|--|
| Антропоген, антропоген тизим | Anthropogenus, anthropogenous system | Антропоген, антропогенная система | [юн. <i>anthropos</i> – инсон ва <i>genos</i> – туғилиш] – Ернинг геологик тарихининг ҳозиргача давом этайдан, давомийлиги ҳар хил маълумотларга кўра 600 минг йилдан 3,5 млн. йилгача бўлган охирги даврларидан бири; плейстоценга (одам пайдо бўлиши даври) ва голоценга (муз даври тугашидан ҳозиргача бўлган давр) бўлинади. |
| Арид иқлими | Arid climate | Аридный климат | [лот. <i>aridus</i> – қуруқ] – атмосфера намлиги паст, ҳаво ҳарорати эса баланд ва сутка давомида катта тебранишларга монанд қурғоқчил ҳудудлар иқлими. |
| Аркология (экологик меъморчилик) | Arcology (architecture ecological) | Аркология (архитектура экологическая) | Меъморчиликнинг инсоннинг ижтимоий ва экологик эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда “ёввойи табиат”ни асраб қолувчи турар жойларни барпо этиш, ҳамда уларни оптималь равишда сунъий экинзорлар ва турли меъморий шакллар билан тўлдириш усулларини ишлаб чиқувчи йўналишларидан (бўлимларидан) бири. |

| | | | |
|--|--|---|--|
| Атмосфера | Atmosphere | Атмосфера | [юн. <i>atmos</i> – буғ ва <i>sphare</i> – шар] – ер ва бошқа фазовий жисмларнинг газсимон қобиғи. Ер юзасида у асосан азот (78,08%), кислород (20,95%), аргон (0,93%) сув буғи (0,2-2,6%), карбонат ангидрид газидан (0,03%) ташкил топган. |
| Атроф (инсонни қамраган) мухит | Environmental conditions (surrounding humans) | Окружающая (человека) среда | Одамларга ва уларнинг хўжалигига биргаликда ва бевосита таъсир этувчи абиотик, биотик ва ижтимоий муҳитлар мажмуаси. А.м. тушунчаси атроф табиий муҳит тушунчасидан бирмунча кенгроқдир, чунки у ўз ичига ижтимоий ҳамда техноген муҳитларни (уyllар, корхоналар, йўллар ва ш.ў.) ҳам қамраб олган тушунчадир. |
| Атроф- мухит ҳарорати | Ambient temperature | Температура окружающей среды | Атрофдаги ҳаво ёки бошқа муҳитнинг ҳарорати. |
| Атроф- мухит шароитини яхшилаш (тиклаш) | Improvement (recovery) of the environment | Улучшение (восстановление) окружающей среды | Атроф-муҳитнинг юқорироқ энергетик даражага ўтиши, автохтон ривожланиш ёки инсон фаолияти натижасида муҳит сифатининг яхшиланиши. |

| | | | |
|--|---|--|---|
| Атроф-мухитга кўрсатилаёт ган таъсир (атроф-мухитга кўрсатилаёт ган салбий антропоген таъсир) | Environmental impact (negative anthropogenic environmental impact) | Воздействие на окружающую среду (отрицательное антропогенное воздействие на окружающую среду) | Атроф-мухитда бевосита пайдо бўладиган ёки антропоген фаолиятни режалаштириш натижасида содир бўладиган ва атроф-мухитда салбий ўзгариш ва оқибатларга олиб келадиган ҳар қандай модда, энергия ва маълумотлар оқимлари. |
| Атроф-мухитга кўрсатилаёт ган таъсирнинг тавсифи | Characteristics of the environmental impact | Характеристика воздействия на окружающую среду | Таъсирнинг маълум турлари ва омиллари ҳамда улар учун ўрнатилган лимит ва меъёrlар қийматларини ўз ичига олган сифат ва миқдор кўрсаткичлари. |
| Атроф-мухитга келтирилган зарар ёки экологик зарар | Harm to the environment or damage ecological | Вред окружающей среде или вред экологический | Атроф-мухитдаги антропоген фаолият, атроф-мухитга кўрсатилаётган таъсир, атроф-мухитнинг ифлосланиши, табиий ресурсларнинг камайиб кетиши, экотизимларнинг бузилиши натижасида юзага келган ва инсон саломатлигига, моддий бойликларга аниқ тахдид соловчи салбий ўзгаришлар. |
| Атроф-мухитга таъсир қилувчи омил | Factor of the environmental impact | Фактор воздействия на окружающую среду | Атроф-мухитнинг салбий ўзгариши ва шунга ўхшаш оқибатларга олиб келувчи ҳар бир таъсир ёки унинг таркибий қисми (элементи). |

| | | | |
|--|---|---|--|
| Атроф-мухитга таъсир қилувчи манба | Source of the environmental impact | Источник воздействия на окружающую среду | Фазовий чегараланган ва атроф-мухитга ўтказилувчи таъсирнинг барча тавсифи тегишли бўлган ҳудуд. |
| Атроф-мухитни назорат қилиш | Environmental control | Контроль за окружающей средой | Инсон ва биота учун энг муҳим ва асосий бўлган атроф-мухит компонентларининг ҳолати ва уларнинг ўзгариши устидан назорат қилиш. |
| Атроф-мухитнинг ифлосланиши | Environmental contamination | Загрязнение окружающей среды | Тавсифи, жойлашган ери ёки миқдорига кўра атроф-мухит ҳолатига салбий таъсир қиласидиган моддаларнинг атроф-мухитда мавжудлиги. |
| Атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш | Environmental protection | Охрана окружающей природной среды | Табиий бойликларни сақлаш ва улардан унумли, оқилона фойдаланишга асосланган жамият ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлигини таъминлашга қаратилган давлат ва жамият томонидан олиб бориладиган тадбирлар тизими. |
| Ахлатхона (чиқиндихона) | Dump | Свалка | Ифлосланишни назорат қиласидиган маҳсус қурилмаларсиз қаттиқ чиқиндиларни ташлаш учун кўлланиладиган ҳудуд. |

| | | | |
|---------------------|------------------------|---------------------------|--|
| Биоген модда | Biogenic matter | Биогенное вещество | Организмлар ҳаётий фаолияти натижасида вужудга келган кимёвий бирикма (лекин айнан шу вақтнинг ўзида уларнинг жисми таркибида бўлмаслиги ҳам мумкин). |
| Биогенез | Biogenesis | Биогенез | [юн. bios – ҳаёт ва genes – туғилган] – тирик организмлар томонидан органик бирикмаларни ҳосил қилиш жараёни. Б. назарияси ердаги ҳаёт тирик мавжудотларнинг нотирик материядан пайдо бўлиши натижасида вужудга келганлигини инкор қиласи; Б. тўғрисидаги тасаввурлар асосида тирикликтининг нотириклик билан қарама-қаршилиги ва ҳаётнинг абадийлиги ғояси ётади. Так. Абиогенез. |
| Биогеоценоз | Biogeocenosis | Биогеоценоз | биогеоценологиянинг асосий изланиш обьекти. Б. – витасферанинг элементар биохорологик таркибий бирлигидир ва шу маънода фация, элементар ландшафт тушунчаларининг синонимидир, гарчи охиргиларидан фарқли ўлароқ, тирик модда тушунчасини ҳам ўз ичига қамраб олади. Б. тушунчаси экотизим тушунчасига яқин, аммо қейингиси аниқ биохорологик асосга эга эмасдир. |

| | | | |
|--------------------------|-------------------------|----------------------------|---|
| Биологик ҳовузлар | Biological ponds | Биологические пруды | Оқоваларни биологик усулда тозалашда қўлланиладиган ҳовузлар. Мустақил равишда тез оксидланувчи органик моддалар билан тўйинган оқоваларни микрорганизмлар ва сув ўтлари ёрдамида тозалашда ёки саноатнинг тозалаш иншоотлари ҳамда табиий сув қабул қилувчи ҳавзалар ўртасидаги оралиқ обьект сифатида фойдаланилади. Сувнинг ўзини-ўзи тозалаш хусусияти асосида ишлаб, қишлоқ хўжалигида ўғит, ёки ўғит ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида қўлланиладиган лойқасимон массани ийғадилар. |
| Биомасса | Biomass | Биомасса | [юн. bios – ҳаёт, massa – қўйма, палахса, парча] – фаол тирик модданинг майдон ёки ҳажм бирлигига нисбат миқдори; масса бирлигига ифодаланади. |
| Биота | Biota | Биота | [юн. biote – ҳаёт] – организмларнинг тарқалиш минтақаси умумийлиги туфайли бирлашиб, тарихан шаклланган туркуми. |

| | | | |
|--------------------------|-----------------------------|-------------------------------|---|
| Биотоп | Biotope | Биотоп | [юн. bios – ҳаёт, topos – жой] ҳудуднинг ўсимлик ва ҳайвонларнинг маълум турлари учун яшаш шароити ёки муайан биоценознинг шаклланиши учун мос бўлган бир жинсли қисми. Син.: Экотоп. |
| Биоценоз | Biocenosis | Биоценоз | [юн. bios – ҳаёт, koinos – умумий] – ўсимликлар, замбуруғлар, ҳайвон ва микроорганизмларнинг ўзига хос таркибга ҳамда ўзаро ва атроф-муҳит билан бўлган муносабатларга эга мажмуаси. Атама К.Мёбиус томонидан 1877 й. киритилган. Одатда, Б. бир биогеоценоз ва бир биотопга тегишлилиги назарда тутилади. |
| Глобал ифлосланиш | Global contamination | Глобальное загрязнение | Ифлосланиш манбаидан жуда узоқ масофада, сайёранинг деярли барча нуқталарида аён бўлувчи атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши. Ҳаво муҳитига хос. |
| Грунт | Ground | Грунт | [нем. grund – тупроқ, асос] – табиий жойлашишига кўра муҳандис-қурилиш фаолияти объекти ва тупроқшуносликда изланиш (мустахкамлиги, пластиклиги, таркиби ва б. хоссаларини ўрганиш) предмети бўлмиш тоғ жинсларининг йиғманоми. |

| | | | |
|--------------------------------------|--------------------------------|--|---|
| Гумус, гумус моддалар | Humus, humus substances | Гумус, гумусовые вещества | Тупроқдаги түкимали тузилишини йүқтөмөш, лекин тирик организмлар ва уларнинг қолдиклари таркибига кирмайдиган барча органик бирикмалар йиғиндиси. |
| Дренаж | Drain | Дренаж | [ингл. drain – қуритиш] – ортиқча намланган ерларни сувни маҳсус зовур ва ер ости қувурлари – дреналар ёрдамида бошқа жойга оқизиш йўли билан қуритиш усули. |
| Ер | Earth | Земля | Фазовий жисм, Қуёш тизимидағи сайёралардан бири, органик ва ноорганик материя бирлиги, инсон популяцияси рўй берадиган жой ва ижтимоий ҳаёт фаолиятининг макон асоси, ҳаёт воситалари ва ресурсларини қамраган, табиий технологиялар, флора ва фаунани ўз ичига олган, қишлоқ ва ўрмон хўжалигига меҳнат предмети ва ишлаб чиқариш воситаси. Макон, рельеф, иқлим, тупроқ қоплами, ўсимликлар, ер ости бойликлари, захиралар, сув билан тавсифланади. |

| | | | |
|----------------------------------|-------------------------------|--------------------------------|--|
| Ер ресурслари | Land resources | Земельные ресурсы | Табиий ресурсларнинг асосий турларидан бири – ишлаб чиқариш воситалари ва жамиятнинг турли хўжалик эҳтиёжларини қондириш манбай сифатида фойдаланилаётган, ёки фойдаланилиши мумкин бўлган ер массивларининг ийиндиси. |
| Ифлосланиш | Contamination | Загрязнение | Сув, ҳаво ва тупроққа кейинчалик фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келтирадиган концентрацияда микрорганизмлар, кимё моддалари, заҳарловчи моддалар, чиқитлар ёки оқава сувларни қўшиш. |
| Иқлим | Climate | Климат | Об-ҳавонинг маълум жой учун унинг жуғрофий ўрни билан белгиланадиган кўп йиллик статистик режими. |
| Кам чиқитли технологиялар | Low-waste technologies | Малоотходные технологии | Атроф-муҳитга ифлослантирувчи моддаларни маълум минимал миқдоргача камайтирувчи технологик операциялар (ишлаб чиқариш)нинг мажмуаси. |

| | | | |
|----------------------------|--------------------------|-----------------------------|--|
| Ландшафт экологияси | Landscape ecology | Ландшафтная экология | ландшафтларни ўсимликлар ва муҳит ўртасидаги экологик муносабатларни таҳлил қилиш йўли билан, табиий мажмуаларнинг тузилиши ва фаолиятини топологик миқёсда, табиий мажмуалар таркибий қисмларининг ўзаро муносабатлари ҳамда жамиятнинг ландшафтлар табиий таркибий қисмига кўрсатилаётган таъсирни модда ва энергия баланслари орқали таҳлил қилиш йўли билан ўрганадиган илмий йўналиш. |
| Литосфера | Lithosphere | Литосфера | [юн. lithos – тош ва sphaire – шар] – ернинг юқори “қаттиқ” қобиғи. Юзига ер қобиғи ва ер мантиясининг юқори қисмини қамраб олади. Л. қалинлиги 50-200 км ни ташкил қиласди. |

| | | | |
|--|--|--|--|
| Моддаларниң биологик айланиши (кичик доира) | Biological turnover of matters (small turnover) | Биологический круговорот веществ (малый к.в.) | Кимёвий элементларнинг тупроқ ва атмосферадан тирик организмларга уларнинг кимёвий шаклини ўзгартириб кириши, сўнг тупроқ ва атмосферага организмларнинг ҳаётий фаолияти жараёнида ва кейинчалик ўлганидан кейинги қолдиқлар билан қайтиши, ҳамда микрорганизмлар ёрдамида деструкция жараёнлари ва минераллашишидан кейин яна тирик организмларга қайтиши. М.б.а. бундай таърифи биогеооценотик даражага мувофиқ келади. |
| Муҳандислиқ экологияси | Engineering ecology | Инженерная экология | Саноат экологиясининг атроф-муҳитга кўрсатилаётган таъсирни мувофиқлаштириш, ш.ж. оқова сувларни ва чиқиб кетаётган газларни тозалаш, чиқиндиларни рециклилаштириш, рекуперациялаш, тартибли жойлаштириш ва чиқариб ташлашнинг техник ва технологик усусларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш билан боғлиқ қисми. |

| | | | |
|--------------------------------|---------------------|---------------------|--|
| Ноосфера | Noosphere | Ноосфера | [юн. noos –ақл] – ақл-идрок сфераси. Иборанинг замонавий талқини 1931 йилда В.И.Вернадский томонидан биосфера эволюциясининг босқичи, унинг тараққиётидаги жамиятнинг онгли фаолиятининг етакчи ролини ифодалаш учун киритилган. |
| Оқова сувлар (оқовалар) | Waste waters | Воды сточные | Маиший мақсадларда ёки ишлаб чиқаришда қўлланилган ва бунинг натижасида таркибига турли аралашмалар қўшилган ҳамда бирламчи кимёвий ёки физик хусусиятлари ўзгарган сувлар; турагжой пунктлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари худудларидан ёғин- сочин, ерларни суғориш ёки қўчаларга сув сепиш натижасида оқиб чиқадиган сувларга ҳам О.с. дейилади; О.с. асосан уч турга бўлинади: майший (хўжалик-фекал) оқовалар, ишлаб чиқариш оқовалари, қорэриши ва жала (ёмғир) оқовалари. |

| | | | |
|--|------------------------------|--|--|
| Популяция | Population | Популяция | [фр. population – аҳоли] – маълум худудни эгаллаган, узоқ муддат мобайнида (бир неча ўнлаб авлодлар давомида) ўзидан кўпайиши орқали насл-насабини барқарор сақлаб қолишга қодир бўлган бир турга мансуб зотлар йифиндиси; маълум худудни эгаллаган ва умумий генофондга эга бўлган бир турга мансуб зотлар йифиндиси. |
| Рекультива ция /рециркуляц ия | Reclamation | Рекультивация /рециркуляция | Бўш ерлар, ифлосланган саноат майдонлари ва ҳоказоларни фойдаланиш, хусусан, уй-жой қурилиши, боғлар яратиш, дехқончилик учун яроқли ерларга айлантириш. Чиқиндилар билан ишлашга нисбатан “рециркуляция” атамаси чиқиндиларни фойдали маҳсулотларга қайта ишлашни англатади; ушбу атама чиқиндиларни утилизациялаш соҳасида қўлланади. |
| Саноат чиқиндилар и | Industrial wastes | Промышленные отходы | Ишлаб чиқариш жараёни натижасида олинган ёки чиқарилган кераксиз материаллар. Саноат чиқитлари суюқ чиқитлар, балчик, қаттиқ ва хавфли чиқиндилар сингари тоифаларга ажратилади. |

| | | | |
|-----------------------------------|--|------------------------------------|--|
| Табиий ресурслар | Natural resources | Природные ресурсы | [фр. ressource – восита, захира] – инсон эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қиладиган табиат бойликлари, заҳиралари, манбалари. |
| Чиқитсиз технологиялар | Wasteless technologies ('know-how') | Безотходные технологии | Ифлослантирувчи моддаларни атроф-муҳитнинг ёмонлашувига (ландшафтлар таназзули, худуднинг табиий ресурс потенциалининг пасайиб кетиши, аҳоли ҳаёт шароитларининг ёмонлашиши ва ҳ.к.) олиб келадиган ҳажмларда чиқаришни истисно қилувчи технологик операциялар (ишлаб чиқариш) мажмую. Одатда Ч.т. атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ёки уни тиклаш учун қўшимча маблағ талаб қилмайди. |
| Экологик назорат (кузатув) | Supervision ecological | Надзор экологический | Ваколатли давлат органлари томонидан белгиланган экологик меъёр ва қоидаларга риоя қилишни назорат қилиш. |
| Экологик тоза маҳсулот | Wholefood | Продукт экологически чистый | Тегишли экологик сертификатида белгилаб қўйилган талаб ва шартларига тўла-тўқис жавоб берадиган маҳсулот. |

| | | | |
|------------------------------------|---|---|--|
| Экологик барқарор тараққиёт | Ecologically sustainable development | Экологически устойчивое развитие | Келгуси авлодлар учун заарал көлтирган ҳолда инсоният ўз эхтиёжларини қондириб тараққий этиши. Э.б.т. концепцияси инсониятнинг узоқ муддатли тараққиётининг замини бўлиб, унинг капитал маблағларини ошишига ва экологик шароитнинг яхшиланишига туртки бўлади. |
| Экологик талаблар | Ecological requirements | Требования экологические | Экологик тоза ишлаб чиқаришни яратиш ва ривожлантириш мақсадларида ишлаб чиқариладиган маҳсулот, уни ишлаб чиқариладиган технологиялар, умуман ҳаёт тарзига қўйиладиган маълум шарт ва чегаралар ийфандиси. |
| Экотизим | Ecosystem | Экосистема | А. Тенсли томонидан киритилган бўлиб, у таркибидағи организм ва анерганик омиллар тенг ҳуқуқли компонентлар бўлмиш динамик мувозанатдаги нисбатан барқарор тизимни ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, тирик мавжудотлар жамоалари ва уларнинг яшаш муҳитини ўз ичига қамраб олган функционал тизимга экотизим дейилади. |

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

II. Норматив-хукуқий хужжатлар

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-куватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнданги “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида »ги ПҚ-4391- сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда

Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар

22. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016.–279б.

23. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.

24. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.

25. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.

26. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Accoun 2015. - 134 pp.

27. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

28. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition.

Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

29. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.

30. Karimova V.A., Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– T.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyatni nashriyoti”, 2014. –192 b.

31. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572b.

32. Шодиметов Ю.Ш. Ижтимоий экология. Дарслик. Олий ўкув юртлари учун. (Тўлдирилган ва қайта ишланган.) 2016й. 556 б.

33. Шадиметов Ю. Ш. Экология. Учебник для вузов. 2016 й. 416 с.

34. Национальный доклад «О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов Республики Узбекистан».-Т.: “Chinor ENK”, 2012.

35. А.Э.Эргашев. Ҳозирги замоннинг экологик муаммолари ва табиат мухофазаси. Тошкент 2012 й. 403 б.

36. Смоляр, И. М. Экологические основы архитектурного проектирования: учебное пособие / И. М. Смоляр, Е. М. Микулина, Н. Г. Благовидова. – Москва : Академия, 2010. – 157 с.

37. Martin Kranert, Klaus Cord-Landwehr (Hrsg.) Einführung in die Abfallwirtschaft. 4., vollständig aktualisierte und erweiterte Auflage Mit 297 Abbildungen und 131 Tabellen. Germany, 2010.

38. Пачаури Р.К., Мейер Л.А. Иқлим ўзгариши, 2014 йил. Иқлим ўзгариши бўйича Хукуматларо эксперталар гуруҳининг умумлаштирилган маърузаси. Женева, Швейцария, 2015 йил, 163 б.

39. Нигматов А. Экология нима? –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2002. 123 б.

Интернет сайтлар

40. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.

41. Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz

42. www.Ziyonet.uz

43. www.lex.uz

44. www.nature.uz

45. www.natl.uz

46. www.eco.uz

47. www.econews.uz

48. www.ozon.uz

49. www.climate.uz

50. www.ekotalim.uz

51. www.unesco.org